

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ
ТАРИХИ ИНСТИТУТИ**

ИШҚУВАТОВ Валиқул Турдиевич

**ҚЎҚОН-РОССИЯ
ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР
ТАРИХШУНОСЛИГИ**

**Низомий номидаги ТДПУ илмий кенгашининг
2009 йил 30 апрелдаги 11-сонли қарори билан
нашрга тавсия қилинган.**

ТОШКЕНТ – 2009

Ушбу “Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари тарихшунослиги” номли монография Кўқон-Россия давлатлари ўртасидаги дипломатик муносабатлари тарихининг тарихшунослиги масалаларига бағишиланган.

Икки мустақил давлат ўртасидаги ўзаро тенглик асосида барпо этилиши лозим бўлган дипломатик муносабатлар масаласи қандай давом этганлиги очиб берилган.

XX аср иккинчи яримида олиб борилган илмий тадқиқотлар, манбалар, архив хужжатларида ўзаро тенглик асосида барпо этилган дипломатик муносабатларни ёритилиши хамда бу дипломатик алоқаларни мустақиллик йилларида ўзбекистонлик ва ҳорижлик тарихчич олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари ушбу монографияда тарихшунослик нуқтаи назаридан тўлиқ таҳлил этилган.

Монография тарихчи олимлар, аспирант, талаба ва Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини ўрганишга интилган китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
тарих фанлари доктори, Европа табиий фанлар академиясининг
(Ганновер, Германия) ҳақиқий аъзоси (академик) ва “Нури
Хўжанд” номли Марказий Осиё ҳалқ академиясининг (Хўжанд,
Тоҷикистон) академиги **Х. Н. БОБОБЕКОВ**.

Илмий муҳаррир:
тарих фанлари номзоди, доцент **Ў. Н. МАНСУРОВ**.

Тақризчилар:
тарих фанлари доктори, профессор **М. ИСҲОҚОВ**;
тарих фанлари номзоди, доцент **З. А. ИЛХОМОВ**.

© Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;
© Махпират номидаги Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи институти;
© В. Т. Ишқуватов, 2009.

К И Р И Ш

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши миллий онгимизнинг ривожланишига катта турткى бўлди, миллий тарихимиз воқеаларини қайта ва холисона баҳолашга имконият яратиб берди. Мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг маънавий ва мафкуравий асосини мустаҳкамлашда тарих фани алоҳида ўринга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «... ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас»¹, «... миллий мафкуруни шакллантиришдаги энг катта манба — бу ҳаққоний ёритилган тарихдир»².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»³ қабул қилинган Қарорида республика тарихчи олимлари олдига миллий давлатчилигимиз тарихини холис ва илмий асосда ёзиб халққа етказиш вазифаси кўйилди. Шунингдек, тарихий воқеалар ва жараёнларни баҳолашда миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда, умумжаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан, аниқ тарихий фактларга таяниш, мустабид совет тузуми мафкураси асоратларига, эскича фикрлашга барҳам бериш каби вазифалар юклатилди. Бир ярим аср давомида мустамлакачилик оқибатида, улуғ давлатчилик ва шовинистик сиёsat натижасида та-

¹ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз кўнимиз билан курамиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 150.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард максадимиз. 8-том. – Т.: Ўзбекистон, 2000.– Б. 505.

³ Ўзбекистон овози, 1998 йил, 28 июл.

рихимизни объектив асосда ўрганиш имконияти йўқ эди. Чунки бунга тоталитар совет тузуми йўл қўймас эди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг тарихчи олимлар олдида ҳақиқий тарихимизни илмий тадқиқ этиб, холис баҳо беришнинг кенг имкониятлари яратилди. Шу сабабли, профессор Д. А. Алимованинг ҳақли таъкидлаганидек, мавжуд вазият тарихшунослик тадқиқотларини такомиллашибдиришни, Ватан тарихи муаммоларини илмий тадқиқ этишга янгича услублар асосида ёндошишни, совет даврида тадқиқ этилган тарихий воқеаларнинг асл моҳиятини холис, янгича талқин қилишни талаб этади. Зеро тарихчи олимлар учун «ўтмиш ҳақидаги ҳақиқатни аниклашдек масъулиятли ва муҳим вазифани тазиик ва назоратларсиз, холисона, «мумкин» ёхуд «мумкин эмас» деган чеклашларсиз бажариш»¹ нинг барча имкониятлари яратилди.

Бугунги кунга келиб тарихий жараённи чукур илмий тахлил қилиш, тегишли тарихий сабоқлар чиқариб олиш муҳим аҳамиятга эга. Айтиш керак, кўплаб тарихчи олимлар ушбу муаммога мурожаат қилдилар, аммо бевосита Кўқон – Россия дипломатик муносабатлари тарихига ва унинг тарихшунослигига бағишланган маҳсус илмий тадқиқот ишлари мукаммал даражада олиб борилмади.

Кўқон хонлиги тарихи билан шуғулланган тарихчи олимларимиз ўзларининг тадқиқот даврларидан келиб чиқиб, Кўқон–Россия дипломатик муносабатларига оид айрим маълумотларни элчилликлар фаолияти билан боғлаб талқин этишган ва хулосалар билдиришган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, совет даври ва мустақиллик йилларидағи илмий тадқиқотларда бу масалага ёндашувларда ҳам мазмун, ҳам мафкуравий жиҳатдан тафовутлар яққол сезилиб туради. Шу нуқтаи на зардан қараганда муаммонинг тарихшунослигини қиёсий ўрганиш бугунги қуннинг долзарб талбларидан бирига айлан-

¹ Алимова Д. А. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигига Ўзбекистон маданият муаммоларининг ўрганиш тарихидан //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1995. – № 10, 12. – Б. 93.

ди. Зотан ушбу масаланинг, яъни Кўқон–Россия дипломатик муносабатларининг мукаммал тарихи ва тарихшунослиги ха-лигача ўрганилмаган ва тегишли холис тарихий хулосалар чиқарилгани йўк. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ибораси билан айтганда «тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, саклаб турувчи омил бўлиши лозим»¹.

Кўқон хонлиги билан Россия ўртасида муносабатларни ўрнатиш учун мустақил Тошкент тўсиқ бўлиб турган эди. Олимхон 1805 йили Тошкент, Чимкент ва Туркистонни Кўқон хонлигига қўшиб олгандан сўнг Россия билан савдо ва иқтисодий алоқаларни ўрнатиш учун янада кенг йўл очилди. Кўқон–Россия дипломатик алоқалари эса расман 1805 йилдан бошлаб ҳаракатлар бўлганлиги ҳақида архив ҳужжатлари мавжуд. Чор Россияси Кўқон хонлигининг шимолий ҳудудларини босиб олгандан сўнг 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилди. Шу муносабат билан янги сиёсий вазият вужудга келиб, деярли барча алоқалар Тошкент орқали амалга ошириладиган бўлди. Ўрта Осиё давлатлари билан Россия ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти ўзгарди ва деярли барча ҳужжатларга Туркистон генерал-губернатори имзо чекадиган бўлди. Бу эса Кўқон–Россия муносабатида янги сиёсий давр бошланганлигидан далолат эди.

XIX асрда юзага келган янги сиёсий–тарихий вазиятни эътиборга олган ҳолда, Кўқон хонлиги билан чор Россия империясининг ўзаро дипломатик муносабатлари даврини 1805–1867 йиллар билан белгиладик ва ушбу дипломатик алоқалар тарихини XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбекистонлик тарихчилар қай даражада тадқиқ этганликларини аниқлашни мақсад қилдик. Чунки мазкур муаммонинг тарихини чукур тадқиқ қилиш айнан ана шу даврдан бошланди ва кўплаб илмий тадқиқот асарлар юзага келди.

¹ Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз кўлимиз билан яратамиз//Туркистон. – 1999. 2 февраль.

Чет элда фаолият кўрсатаётган «Туркистон Миллий Бирлик Кўмитаси» XX аср ўрталаридан бошлаб «Туркистонни Россия босиб олган эди ва ҳозир ҳам Ўзбекистон ССР унинг мустамлакаси бўлиб қолмоқда» деган гоя билан мавжуд барча давлат раҳбарларига ҳамда элчиҳоналарига расмий маълумотномалар тарқатди¹.

Бунга жавобан Ўрта Осиё республикаларида бунга қарши «Ўрта Осиё Россияга ўз хоҳиши билан қўшилган» деган гояни олға суришди ва 1958 йили Тошкентда Ўрта Осиё республикалари Фанлар Академия президиумларининг «Ўрта Осиё-нинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамияти» мавзусида қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Бунинг оқибатида 1959 йилдан бошлаб «Ўрта Осиёни Россия босиб олди» деган иборани ишлатиш қатъий манъ этилди. Бу таъқиқ Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнггина бекор қилинди².

Шунинг учун ҳам совет даврининг 50–80-йилларда цензуранинг қаттиқ назорати остидаги вазиятда ҳамда мустақиллик берган кенг имкониятлардан фойдаланиб тадқиқ этилган Кўқон–Россия дипломатияси тарихи тарихшунослигининг даврий чегараси 1951–2000 йиллар билан белгиланди.

Кўқон Россия дипломатик муносабатлари маҳсус тарихшунослик кўламида ҳали етарли ўрганилган эмас. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб мазкур мавзуга мурожаат қилина бошланган. Лекин бу тадқиқотларда мавзунинг тарихи ўрганилган, аммо тарихшунослигига камроқ эътибор берилган. Шунга қарамасдан тадқиқотларда муаммонинг тарихшунослиги кисман таҳлил этилган.

Кўқон хонлиги тарихи билан шуғулланган тарихчилар ўз асарларининг тарихшуносликка оид қисмларида Кўқон–Рос-

¹ Ички ва ташки мафкуравий ва гоявий курашнинг тарихий илдизлари. 1950–1985 йиллар. 1-китоб. – Т., 2002.

² Зотан. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрда хорижий олимлар ўз асарларида Россия Ўрта Осиёни босиб олгани ҳақида ўзларининг хуросаларига келганлигини биламиз – В. И.

сия дипломатик муносабатини «Кўқон хонлиги Россияга кўшиб олинган» деган нуқтаи назарда турган ҳолда қисқа ёритишган. 1959 йилдан бошлаб «Ўрта Осиё хонликлар чор Россияси томонидан босиб олинмаган, балки қўшиб олинган» деган расмий коммунистик мафкура гоянинг ҳукмронлиги сабабли Кўқон–Россия дипломатик муносабатларини шу гояга мос талқин қилинган эди. Ўзбекистонлик олимлар ҳам цензуранинг қаттиқ назорати туфайли ушбу масалани чуқур тадқиқ қила олмадилар. Шунинг учун улар умуман дипломатия масаласининг ё қисқа ёзиб, ёки умуман элчилик бўлғанлигини таъкидлашиб, масалани асл моҳиятини очиб беришга ботина олмадилар. Бунга Ҳ. Зиёев ва Г. Хидоятовнинг монографиялари¹, И. А. Стаценко, Е. Ф. Қосимбеков, Р. Бекназаровларнинг монография лари² яққол мисол бўла олади. Булар қаторига 1967 йили чоп этилган академик нашрлардан 4 жилдлик «Ўзбекистон тарихи» китобининг биринчи³ жилдини ҳам кўшиш мумкин.

Биз учун Ф. Гаффоровнинг «XIX асрнинг биринчи ярми ва 60–70-йилларда Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар» номли номзодлик монографияси алоҳида аҳамиятга эга. Олимнинг тадқиқотида Кўқон–Россия дипломатик муносабатининг тарихшунослигига оид айрим маълумотларни кўриш мумкин, аммо у Кўқон хонлиги ва Россия ўртасидаги дипломатик муносабатларни кўпроқ савдо алоқаларига боғлаб ўрганган. Муаллиф асосан чоп этилган манбалардан ва қисман Ўзбекистон ва Қозоғистон республи-

¹ Зияев Ҳ. Средняя Азия и Сибирь (вторая половина XVI–XIX вв. – Т., 1964; Хидоятов Г.А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX в. (60–70-х гг.). – Т., 1969.

² Стаценко И. А. Из истории народных движений в Таджикистане во второй половине XIX и начале XX вв. Душанбе. – Т., 1964; Қасимбеков Е. Ф. Социально-экономическое и политическое положение Ферганы в конце XIX века. – Т., 1966; Бекназаров Р. Юг Казахстана в составе Кокандского ханства и его присоединение к России (По русским архивным и опубликованным материалам). Алма-Ата. 1969.

³ Ўзбекистон тарихи. 4 томлик. I жилд. – Т., 1967.

каларида мавжуд архив ҳужжатларидан фойдаланган. Россия архив материалларидан эса жуда кам фойдаланган. Шу сабабли монография да 1842–1867 йиллар орасидаги дипломатик муносабатлар ва унинг тарихшунослик тафсилоти очилмасдан қолган¹.

М. А. Охунова ва Б. В. Лунинлар томонидан Ўзбекистонда тарихшунослик фанининг тарихига бағишлаб ёзилган «История исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк» номли китобда 1970 йилгача ижтимоий фанлар томонидан тадқиқ этилган мавзулар ҳақида тарихшунослик нуктаи назардан қисқа маълумотлар берилган. Аммо буларнинг ҳаммаси марксизм-ленинизм гоялари билан суғорилган ҳамда Ўрта Осиё Россия томонидан қўшиб олинишининг прогрессив аҳамияти нуктаи назаридан баён этилган².

Ушбу асарда Ўрта Осиё-Россия муносабатларига қисқача эътибор берилса-да, Кўқон-Россия дипломатик муносабатлари тарихшунослиги ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Р. Н. Набиевнинг “Из истории Кокандского ханства” (Феодальное хозяйство Худаярхана) номли монографиясида³ Кўқон-Россия дипломатик муносабатларига оид манбаларга асосланган муҳим маълумотлар мавжуд. Аммо шуни такидлаш керакки, XX асрнинг 70-йилларида ўзбекистонлик олимлар ўртасида ўтмишни манбалар асосида ёритишга интилган олимларга нисбатан мафкуравий тазийқ оқибатида гурухбозлик ва бир-биридан қаасд олишлар учради.

Натижада ЎЗКП МҚнинг 1973 йил июнь пленумида «Ўтмишни идеализациялаштиришга қарши» қарор қабул қилинган эди. Бунда асосан И. Мўминовнинг «Амир Темурнинг

¹ Фаффоров Ф. XIX асрнинг биринчи ярми ва 60-70-йилларда Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. – Т., 1970.

² Ахунова М.А., Лунин Б. В. Историография истории Узбекистана. Краткий очерк. – Т., 1970.

³ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худаярхана). – Т., 1973.

Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли⁴ рисоласи қораланди. Шу қарорга кўра баъзи китоблар, жумладан, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си сотувдан йигиб олинниб ёқиб ташланди². Р. Н. Набиевнинг «Из истории Кокандского ханства» номли монографияси таъқиб остига олинди. Шу муносабат билан ўзбекистонлик тарихчиларнинг аксарияти ўз тадқиқотларида Кўқон хонлиги билан боғлиқ бўлган масалаларни четлаб ўтишга, ёки бу мавзуда умуман тадқиқот ишларини олиб бормасликка мажбур бўлдилар. Айрим тарихчи тадқиқотчиларнинг асарлари бевосита Кўқон–Россия муносабатларга оид бўлса ҳам дипломатик муносабатлар масаласи жудатор баён этилди. Мисол тариқасида X. Ж. Содиков ва X. Н. Бобобековларнинг тадқиқотларини³ кўрсатиш мумкин. Масалан, ўзбекистонлик тарихчиларнинг ўша даврдаги мавқеларини акс эттирган «Ўзбекистон тарихи»⁴да Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги муносабатлар кенг ёритилган бўлса-да, Кўқон–Россия дипломатик муносабатларига оид мисоллар фақат 1868 ва 1875 йиллардаги шартномалар ҳақидаги умумий маълумотлар билан чекланиб қолганлигини кўрамиз.

Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари тарихи тарихшунослиги бўйича етарли даражада тадқиқотлар амалга оширилмаган. Биз тахлил қилаётган тадқиқотлар мавзу бўйича етарли маълумотларни бермаган. Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари тарихшунослигини ана шу қирраларини хисобга олис кенг тадқиқот амалга оширилди.

Кўқон хонлиги тарихини ўрганишга нисбатан Ўзбекистондаги сиёсий ёндашув бошқа республика тарихчиларига ҳам таъсир этди. Масалан, М. Фиёсов ўзининг тадқиқот доираси-

¹ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т., 1969.

² Шарафиддин Али Язи. Зафарнома. Издание текста, введение и примечание А.Урунбаева. – Т.: Фан, 1971.

³ Садиков X. Ж. Политико-административное устройство Туркестанского генерал-губернаторства. 1867–1917 гг. – Т., 1973; X. Н. Бабабеков. Литература о Кокандском ханстве. – Т., 1977.

⁴ Ўзбекистон тарихи. Бир жилдлик. – Т., 1974.

да¹ Худоёрхон хукмронлигининг охирги даври ва Туркистон генерал-губернаторлигининг Кўқон хонлигига муносабати ҳақида айрим маълумотларни бемалол ёзган. Бироқ, олимларнинг 1973 йилдан кейинги тадқиқотларида ўта эҳтиёткорлик сезилиб туради. Мисол тариқасида Н. И. Акрамовнинг илмий изланишларини² кўрсатиш мумкин. Унда А. П. Федченконинг Кўқон хонлигига келиши ва 1872–1873 йиллардаги ўзаро дипломатик муносабатлар ҳақида қисқа маълумот беради холос. Н. С. Киняпина ўқув қўлланмасининг³ «Средняя Азия во внешней политике России второй половины XIX в.» номли қисмида ҳам XIX асрнинг 60–70–йилларида Россия–Кўқон муносабатларига оид айрим маълумотлар келтирган. Аммо шу йилларда Кўқондан Россияга ва Россиядан Кўқонга юбориленган элчилар ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмаган. Н. А. Халфин ҳам ўзининг «Россия ва Ўрта Осиё хонликлари» китобида⁴ Кўқон–Россия дипломатик муносабатларига оид айрим қимматли маълумотларни келтирган. Аммо, Бухоро ва Хивага Россиядан борган элчилар фаолиятига алоҳида бўлимлар ажратилганлигига қарамасдан, маълумотлар тўлиқ ёритилмаган.

Шунингдек В. М. Плоских, А. Ҳ. Ҳасановлар ҳам тадқиқотларида⁵ Кўқон–Россия дипломатиясига оид маълумотлар ёритилмаган.

1981–1990 йиллар ўртасида СССРда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, «қайта қуриш» сиёсати туфайли, айниқса унинг охирги йилларида тарих фанига оз бўлса ҳам йўл очилгандай бўлди. Р. Н. Набиевнинг тақиқ остига олинган монографияси-

¹ М.Гиясов. Экономическое состояние и народные движения в конце 60-х начала 80-х г.г. XIX в. в Ходжентском уезде. Душанбе, 1971.

² Акрамов Н. И. Русские исследователи и их вклад в изучение истории, археологии и этнографии народов Памира и Припамиря. – М., 1975.

³ Киняпина Н. С. Внешняя политика России второй половины XIX века. – М., 1974.

⁴ Халфин Н. А. «Россия и ханства Средней Азии. – М., 1974.

⁵ Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. Фрунзе. 1977; А. Ҳ. Ҳасанов. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. – М., 1977.

дан 1985 йилнинг 5 майидан бошлаб фойдаланиш ва уни кутубхоналарга тарқатишга расман рухсат берилди. 1989 йили эса «Фан ва турмуш» журналида Ҳ. Н. Бобобековнинг «Ўрта Осиёни Россия босиб олганми?» ва «Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми?» сарлавҳалари остида иккита мақоласи эълон қилинди.¹ Бу мақолаларда Кўқон хонлиги чор Россияси томонидан босиб олинганлиги ўзбек ўкувчиларига исботлаб берилди ва бу тарихий ҳақиқатнинг тан олишда катта қадам бўлди.

1990 йили эса унинг «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки» номли монографияси нашр этилди ва унда Россия-Кўқон муносабати масаласига маҳсус параграф ажратилди. Шу йили Б. В. Лунин бир тўпламни² нашр этди. Тўпламга 1830 йили Кўқон хонлигига расмий ташриф буюрган хорунжий Н. Потаниннинг маълумотлари киритилди. Бу, албатта, Россия-Кўқон дипломатик муносабатлар ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Кўқон-Россия дипломатик муносабатлари тарихшунослиги бўйича, қисман бўлса-да, тадқиқотлар олиб борилган ва ўзбекистонлик олимлар ушбу мавзуни кўпроқ тадқиқ қилишган. Шундай бўлса-да, Кўқон-Россия дипломатик алоқалари қай даражада ёритилганлиги, қайси элчиликлар ўрганилганлиги ёки тадқиқ этилмай қолиб кетганлиги тарихшунослик нуқтаи назардан шу кунгача ўрганилмаган.

1991 йили Ўзбекистон мустақилликка эришиши муносабати билан тарихчилар олдида Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини, демак, Кўқон-Россия дипломатик муносабатларини ҳам холис ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Тарихчи олимлар архив манбаларини қайтадан ўргана бошладилар ва янги мазмунда, миллий мағкурамиз нуқтаи назардан монографиялар

¹ Фан ва турмуш. 1989. – № 8. – Б. 22–25; №10. – Б. 12–16.

² Лунин. Б. В. История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и учёных (20–80-е годы XIX века). – Т., 1990.

ёқланиб, илмий асарлар чоп этила бошланди. Масалан, 1991 йили Ҳ. Н. Бобобеков «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки» мавзусида тадқиқот олиб борди. Ушбу монография да Қўқон–Россия дипломатик алоқаларига оид маълумотлар мавжуд. 1992 йили «Мерос» тўпламида Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли Ибратнинг «Фаргона тарихи» асари нашр этилди. Ушбу асарга Ҳ. Н. Бобобеков «Тарихимиздаги қонли излар» номли муқаддима ёзган. Бунда Олимхоннинг Россияга савдо йўлини очганлиги, Умархон даврида эса Россия билан дипломатик муносабатлари ўрнатилганлиги, Маллахоннинг Россия билан дипломатик муносабатни тиклашга ҳаракат қилганлиги, Қўқон хонлари Худоёр ва Насриддин билан Туркистон генерал–губернатори К. П. фон–Кауфман имзолаган шартномалар ҳақида қисқа маълумотлар берилган. Шу йили чоп этилган «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» номли маъruzalар тўпламида¹ ҳам Туркистон (Ўрта Осиё) – Россия дипломатик муносабатларига аҳамият берилган.

Қўқон–Россия дипломатик муносабатлари ҳақида Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институтининг бир гурӯҳ олимлари томонидан нашр этилган «Ўзбекистон тарихи» номли китобида 1810, 1813, 1822, 1830, 1831, 1841 йилларда Қўқондан Россияга юборилган элчилар ҳақида маълумотлар мавжуд².

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, мактаб ўкувчилари учун янгича тарих дарслклари ёзила бошланди. Уларда ўшларимизга ҳақиқий тарихимизни очиб беришга ҳаракат килинди. Яъни Ўрта Осиё–Россия муносабатлари, шу жумладан Қўқон–Россия дипломатик муносабатларига тегишли маълумотлар ҳам биринчи марта дарслклар¹ матнларига киритилди.

¹ Ўзбекистон тарихи ва маданияти // Маъruzalар матни. – Т., 1992.

² Р. Г. Мукминова, Ҳ. З. Зияев, Ҳ. Н. Бабабеков, Э. Э. Каримов, Н. Н. Хабибулаев и др. История Узбекистана. – Т., 1993.

¹ Масалан, 1994 йили чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» (XVI–XIX асрнинг биринчи ярми. 7-синф учун дарслек. Муаллифлар: Р. Г. Мукминова, Н. Н. Хаби-

Ушбу йилларда чоп этилган монографиялардан, айниқса Ўзбекистон тарихшунослигини ўрганишда F. Аҳмеджоновнинг 1995 йили нашр этилган «Российская империя в Центральной Азии» номли тадқиқоти² катта аҳамиятга эгадир. Монография кириш, олти боб, хулоса ва библиографиядан иборат бўлиб, чор Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати тарихи ва тарихшунослигига бағишлилангандир. Бунда муаллиф мавжуд бўлган «Россия империяси Марказий Осиёда» мавзуси тарихшунослигига тегишили тадқиқот ишларини таҳлил этган кўплаб тарихчи олимларнинг тадқиқотларига ўз илмий муносабатларини билдирган.

Биз F. Аҳмеджанов ўзининг ушбу тадқиқоти билан Ўзбекистон тарихшунослигига катта хисса кўшган деб ҳисобланган ҳолда, ўз мавзумизни ёритишда унинг монографиясидан қимматли назарий манба сифатида фойдаландик.

Мустақиллик йилларда ўзбекистонлик тарихчилар Ватанимиз ўтмишини кенгрок ўрганишга эътиборни кучайтира бордилар. Масалан, Ш. Каримов ва Р. Шамсутдиновларнинг «Туркистон Русиё босқини даврида», Ҳ. Н. Бобобековнинг "Қўқон тарихи" ва «Пўлатхон кўзғолони» номли монографияларида, Ш. Юсуповнинг «Худоёрхон ва Фурқат» номли тарихий-бадиий рисоласида ҳам Россиянинг Ўрта Осиё ҳонликлари билан бўлган турли муносабатлари ҳақида дикқатга сазовор маълумотлар берилган¹.

буллаев, Г. А. Аъзамова, Э. Э. Каримов, А. А. Тожибоев) ва «Ўзбекистон тарихи» (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошлари. 8-синф учун дарслик. Муаллифлар: Ҳ. Бобобеков, Ж. Раҳимов, Ҳ. Содиков) китобларида Кўқон-Россия дипломатик муносабатларига оид мисоллар келтирилган.

² Аҳмеджанов Г. А. Российская империя в Центральной Азии. – Т., 1995; Мазкур асарнинг қайта ишланган ва тўлдирилган кейинги нашрларидан ҳам фойдаланганмиз.

¹ Каримов Ш. ва Шамсутдинов Р. Туркистон Русиё босқини даврида. – Т., 1995; Бобобеков Ҳ. Н. Кўқон тарихи. – Т., 1996; Пўлатхон кўзғолони. – Т., 1996; Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. Т., 1995

Масалан, «Кўқон тарихи» китобининг «Кўқоннинг қисқача сиёсий тарихи» номли бўлимида Умархон, Муҳаммад Алихон, Маллахон, Худоёрхон, Насриддинхон ва Пўлатхон даврида Россия билан дипломатик муносабат ўрнатишга ҳаракат қилинганилиги ҳақида маълумотлар берилган. «Пўлатхон кўзғолони» номли асарида эса 1875–1876 йиллардаги Кўқон–Россия муносабатларига алоҳида эътибор берилади.

Професор X. Зиёев "Туркистанда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш" номли монографиясида² Россия–Кўқон дипломатиясига оид кўплаб маълумотларни эълон қилди. Булар эса шу мавзу тарихшунослигини ўрганишда муҳим манбалардан бири сифатида хизмат қиласди. Масалан, асарнинг "Кўқон хонлиги ва рус давлати ўртасидаги урушлар" номли бўлимида иккала давлат ўртасидаги элчилик муносабатлари ва Россия қўшинларининг Кўқон хонлигини босиб олиши ёритилади. 2000 йилда бир гурух олимлар томонидан чоп этилган «Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома»да³ ҳамда «Ўзбекистоннинг янги тарихи»⁴ номли китобларда ҳам Кўқон–Россия дипломатик муносабатларига оид айрим маълумотлар мавжуд.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг 17 йил ичидаги 16 дан ортик ўзбекистонлик тарихчиларимиз Кўқон–Россия дипломатик муносабати тарихини фаол тадқиқ қила бордилар. Аммо бутадқиқотларга ҳали тарихшунослар томонидан баҳо берилгани йўқ.

Яна шуни ҳам айтиш лозимки, Кўқон хонлиги ва Россия ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихи сўнгги ярим аср давомида ўзбекистонлик тарихчилар томонидан маълум

² Зиёев X. Туркистанда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш. – Т., 1998.

³ Бобобеков X. N., Каримов Ш. К., Содиков М., Усмонов К., Шамсуддинов Р. Ўзбекистон тарихи. Қисқача маълумотнома. – Т., 2000.»

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистан чор Россияси муссатамлакачилиги даврида. – Т., 2000.

даражада ўрганилди. Аммо, шунга қарамасдан совет даврида ва мустақиллик йилларидағи тадқиқотлар, асарлар бир-бирига таққосланмаган ва уларнинг тафовути ҳамда ўхшашлиги, айниқса талқинлари бир тизимга солинмаган ва алоҳида тарих-шунослик объекти сифатида маҳсус ўрганилмаган^{*}.

Ушбу монография нинг асосий мақсади XX асрнинг иккинчи ярмида, яъни собиқ совет истибоди ҳамда мустақиллик даврларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борган ўзбекистонлик тарихчиларининг 1805–1867 йилларда Кўқон–Россия ўзаро дипломатик муносабатларини қандай ёритганликларини ўрганиш ва таҳлил қилиш; Россиядан Кўқон хонлигига ва Кўқон хонлигидан Россияга юборилган элчи ва расмий вакилларнинг мақсад ва вазифаларини алоҳида ўрганиб, улар ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш; миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўзбекистонлик тарихчиларнинг ушбу муаммони ўрганишга қўшган ҳиссасини аниқлаш.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб тадқиқотимизнинг куйидаги вазифаларини белгилаб олдик:

Кўқон хонлиги расман эълон қилинишидан бошлаб Россия билан ўрнатилган дипломатик муносабатлар масаласи 1950 – 1980 йиллар тарихшунослигига қай даражада акс этганлигини ўрганиш. Шу жумладан Кўқон–Россия сиёсий муносабатлари ҳамда чор Россияси томонидан Кўқон хонлигининг шимолий худудларини босиб олиш жараёнининг адабиётларда ёритилишини аниқлаш;

– Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида Кўқон–Россия дипломатияси тарихшунослигининг ривожланишида бу масалага янгича баҳолаш ҳамда Туркистон, Чимкент ва Тошкент

* Шуни ҳам такидлашимиз лозимки, нафакат Кўқон, балки Бухоро ва Хива давлатларининг ҳалқаро алоқалари чет эл тарихшунослиги ва манбашунослиги ўрганилмаган. Ўрта Осиё хонликлари тарихининг хорижий адабиётларда ёритилиши ҳақида қаранг: Масалиева О. Бухоро, Хива ва Кўқон хонлиги тарихини XX аср Англия ва Америка тарихшунослигига ўрганилиши. Тарих фанлари номзоди дисс... – Т., 1998.

шахарлари ва унинг атроф худудларининг забт этилиши, Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилиши арафасидаги сиёсий муносабатларнинг адабиётдаги талқинларига янгича ёндашувда баҳо бериш;

– Ўрганилаётган мавзу ва давр бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш. Шу жумладан, Россиядан Кўқонга расмий равишда келган элчилар фаолияти тарихшунослигини таҳлил этиш; Кўқондан Россияга расмий равишда юборилган элчиликлар тарихшунослигини таҳлил этиш.

– Тадқиқ этилаётган мавзу бўйича умумий илмий хулоса чиқариш каби вазифаларини белгилаб олдик.

Ўрта Осиё сиёсий тарихида катта мавқега эга бўлган Кўкон хонлиги ва Россия ўртасида 1805–1867 йилларда амалга оширилган ўзаро дипломатик муносабатлар тарихи тарихшунослик нуктаи назаридан биринчи марта тўла тадқиқ этилди.

Мазкур муаммо доирасида амалга оширилган монография ларга миллий истиқлол ғояси нуктаи назардан баҳо берилди ва мустақиллик йилларининг афзалликлар кўрсатилиб, тарихий ҳақиқатни холисона ўрганиш ва ёритиш имконияти реал мавжуд эканлиги мавзуу доирасида исботланди.

Монографияда биринчи марта Россия архивларида сақланаштган, илгари маҳфий ҳисобланган биринчи даражали манба, хужжатлардан фойдаланилди ва улар илмий–тадқиқот муомласига олиб кирилди.

Шунингдек, шу пайтгача номаълум ёки кам ёритилган элчиликлар Масалан, Қулмамат Мамадиёров, Жагатой Тўлаганов элчиликлари ҳакида янги маълумотлар биринчи марта ёритилди.

Тадқиқот натижасида Кўкон–Россия дипломатик муносабатлари тарихшунослигини ўрганиш жараёнида бир қатор камчиликлар мавжудлиги аникланди ва уларни бартараф этиш йўллари тавсия этилди.

Монографияда биринчи марта ўзбекистонлик тарихчиларнинг тадқиқотлари собиқ совет истибоди ва мустақиллик

йилларида қай даражада ўрганилганлиги қиёсий таҳлил қи-
линди ва уларга холис илмий баҳо берилди.

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқти-
сад, сиёсат», «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат», «Тарих-
хий хотирасиз келажак йўқ», «Ўзбекистон XXI аср бўсағаси-
да: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт
кафолатлари» ва бошқа асарлари тадқиқотимизнинг назарий
ва услубий асослари қилиб олинди. Чунки, Ўзбекистон муста-
қил давлат сифатида жаҳон майдонида ўз ўрнини топаётган
бир пайтда унинг тарихи ҳеч қандай бўёқларсиз холис, объ-
ектив кўрсатилиши ҳамда тарихий далиллар, асослар, исбот-
лар билан ёритилиши ўта муҳимдир. Ўзбекистон Республика-
си Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июль Қарорида таъ-
кидлаганидек, "Ўзбек ҳалқи ва унинг давлатчилиги тарихини
холисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш,
тадқиқотларни замонавий талаблар даражасига кўтариш, Ўз-
бекистон тарихи бўйича етук тарихчилар илмий мактабини
яратиш, Ватанимизнинг бой ва ранг баранг тарихини тиклаш,
унинг негизида ҳалқимиз, айниқса ёш авлод тафаккурида ҳақ-
қоний тарихни идрок этиш, ҳамда тарихий хотира туйғусини
тарбиялаш ..."¹ – давр тақозосидир. Бу дастурий вазифанинг
таркибий қисми бўлмиш ҳалқимизнинг маънавий ҳаётини ис-
лоҳ қилиш, уни янги мазмун билан тўлдириб бориш тарихшу-
носликнинг илмий пойдеворларидан бири бўлиши лозим.
Шунингдек, чет эллик назария ва методология бўйича маш-
хур мутахассис тарихшуносларнинг тадқиқотларидан² фойда-
ланилди, ҳамда ўзбекистонлик тарихшуносларнинг тадқиқот-
лари ҳамда илмий конференция ва симпозиумларнинг илмий

¹ "ЎзРФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбе-
кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1998 йил 27 июль
//Ҳалқ сўзи. – 1998. – 28 июл.

² Блок А. Апология истории или ремесло историка. – М., 1973; Вебер М.
Избранные произведения. – М., 1990; Тойнби А.Д. Постижение истории. + М.,
1991; Февр Л. Бой за историю. – М., 1991; Ясперс К. Смысл и назначение
истории. – М., 1991.

хулоса ва тавсияларидан³, илмий-тадқиқот ишларидаги бой тажрибалар, холислик ва объективлик, манба, маълумотлардан узоқлашмаслик ва ҳақиқатни ёритиш монография нинг илмий-методологик асослари бўлди.

Монография матни Ўзбекистон Республикасидаги университетлар ва педагогика институтларининг тарих факультетлари ва юридик, дипломатия институтлари талабалари кимматли манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

Бундан ташқари "Ўзбекистон тарихи", "Дипломатия тарихи" дарслер ва ўкув қўлланмаларини, "Ўзбек давлатчилик тарихи энциклопедияси"ни ёзишда ҳам ушбу монографиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек монография материалларидан Россия-Ўзбекистон муносабатлари билан шугуулланувчи масъул ходимлар ҳам ўзларининг амалий ишларидан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу монографиянинг ёзилишида шу кунга қадар Кўқон-Россия дипломатиясига оид у ёки бу даражада тадқиқ қилинган тадқиқотлар ва монографиялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Санкт-Петербургдаги Россия Марказий Давлат тарихий архиви, Москвада жойлашган Россия Ташки сиёsat архиви, Россия Марказий Давлат ҳарбий-тарихий архиви, Москва ва Санкт-Петербургдаги миллий кутубхоналар қўлёзма бўлимларида сақланётган фондлардан фойдаланилди.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Россия архивларида, айникса Россия Ташки сиёsat архивида Кўқон хонларининг Россия императори ва бошқа юқори мансабдор шахсларга юборган турли мазмундаги хатларининг асл нусхалари ёки уларнинг рус тилига таржима қилинган мазмуни, шунингдек,

³ Независимость и история: новые подходы к изучению истории Узбекистана: Тез. Докл. – Т.: Университет, 1997; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал-методологик муаммолар. Республика илмий-назарий конференция материалари. – Т.,: Академия, 1998; Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. Давра сұхбати материаллари. – Т.: Элдинур. 1998; Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Т.: Академия, 2001; ва бошқалар.

Россия императори ва унинг юқори мансабдорларининг Кўқон хонига ва юқори лавозимдаги амалдорларига ёзган хатларининг нусхалари сақланиб қолган. Бу хужжатларнинг кўпчилиги собиқ совет даврида маҳфий ҳисобланиб, улардан фойдаланиш йўллари ўзбекистонлик олимлар учун деярли ёпиқ эди. Олимларимиз расмий ва норасмий йўллар билан улардан кўчириб олган нусхалардан ҳам совет давридаги матбуот назорати туфайли фойдалана олишмаган. Шундай олимларимиздан бири тарих фанлари доктори Ҳ. Н. Бобобеков Кўқон–Россия дипломатиясига оид архив ҳужжатларининг нусхаларини кўчириб олишга муваффақ бўлган. Ушбу монографияда улардан фойдаланишта рухсат берганликлари учун Ҳ. Н. Бобобековга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Булардан ташқари монографияда Кўқон хонлиги тарихига оид қўллёзма китоблар¹ ва уларнинг чоп этилган таржималаридан ҳам фойдаланилди.¹

Фойдаланилган барча манбалар монографиянинг адабиётлар рўйхати қисмида батафсил кўрсатилган.

¹ Кўқон хонлигига яратилган тарихий асар ҳақида муфассал қаранг: Воҳидов Ш. Кўқон хонлигига тарихнависликнинг ривожланиши (XIX–XX асрнинг бошлари) – Тарих. фан. докт. ...дис. – Т., 1998 – 315 бет.

¹ Мулла Олим Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши. Насаф. 1991.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ 1950–1980 ЙИЛЛАР ТАРИХШУНОСЛИГИДА

XIX асрнинг иккинчи ва учинчи чорагида чор Россияси Үрта Осиё хонликларининг бирлашиб, кучайиб кетишига қарши ўзининг барча воситаларини ишга солиб, тўсқинлик қилди. Бунга, албатта Үрта Осиё хонликлари ўртасидаги ўзаро урушлари, марказий хукуматнинг заифлашишига сабаб бўлди. Англияниң Үрта Осиё хонликларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирувчи ўзаро ҳарбий битим тузишга қаратилган саъи-ҳаракатлари ҳам фойда бермади. Россия дипломатияси учун бу ҳолат кўл келди ва у барча дикқат эътиборини хонликлар билан бўлган муносабатларга қаратди. Бу сиёсат келгусида мамлакатимиз худудларининг кўп йиллик мустамлакага айланишига ва ҳалқимиз ҳаётидаги қатор салбий асоратларга келтириб чиқаришга замин ясади. Айниқса Қўқон хонлиги билан бўлган дипломатик муносабатларнинг йўлга кўйилиши ҳамда хонликдаги ички ҳолат ва камчиликлар чукур ўрганилиб, кейин унинг шимолий худудлари забт этилиши Россия дипломатиясининг асл нияти нима эканлигини яққол кўрсатди.

«Қайта қуриш» муносабат билан Ўзбекистонда тарихчилар ҳақиқатни тиклаш мақсадида қаттиқ саъи ҳаракатлари натижасида Қўқон–Россия дипломатик муносабатларига оид айрим маълумотлар эълон қилина бошланди. Бу маълумотларни тарихшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб, тўғри баҳо бериш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ БИЛАН РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

Маълумки, 1709 йили Фарғона Бухоро амирлигидан ажраби чикиб, ўз мустақиллигини эълон қиласди ва секин аста ўз худудини кенгайтира бошлайди. Узоқ йиллар ўз мавқенини мустаҳкамлаган Олимхон 1805 йили ўзига хон унвонини олди ва давлатини расман Қўқон хонлиги деб эълон қилди. Натижада қўшни давлатлар, шу жумладан Россия билан ҳам, дўстлик алоқаларини ўрнатиш ва халқаро савдони йўлга қўйиш мақсадида дипломатик муносабатларни ўрнатишга ҳаракат қила бошлади.

Қўқон–Россия дипломатик муносабатлари ўзига хос тарзда кечди ва унинг тарихини ўрганиб, баҳо бериш ҳам турлича бўлди.

Собиқ совет даврида Ўрта Осиё, жумладан Қўқон хонлиги тарихи билан шуғулланган ўзбекистонлик тарихчилар Олимхон (1800/1801–1810) ва Умархон (1810–1822) даврларидағи Қўқон–Россия дипломатик муносабатларига маълум даражада эътибор берганлар. Жумладан, Кулмамат Мамадиёровнинг биринчи элчи эканлиги ҳақида Ф. Гаффоров қисқа бўлса ҳам маълумотлар берган. У ўзининг «Қўқон хонлигининг Россия билан иқтисодий ва сиёсий алоқалари тарихи»га бағишиланган тадқиқотида қайд этиб ўтади. У Қўқон хони Олимхон Тошкент шаҳрини 1809 йилда босиб олганидан кейин Россия билан алоқа ўрнатишга интилган, деб ёзади.¹

¹ Гаффаров Ф. Экономические и политические связи России с Кокандским ханством в первой половине и 60–70-годах XIX века: Автореф. дисс. ист. наук.– Т., 1970. – С. 16.

Ҳақиқатдан ҳам Олимхон Тошкентни 1809 йили эгаллаган ва Россия билан савдо алоқаларини ўрнатишга қаратилган ҳаракатлар 1809 йилга қадар бўлғанлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Бу ҳақда Ф. Гаффоровнинг ўзи ҳам илмий тадқиқотининг учинчи бобида алоҳида таъкидлаган¹.

Ф. Гаффоров ўз тадқиқотида Кўкон хонлигининг Олимхон даврини ёритишида у бир хатога йўл қўйган. Масалан, унинг фикрича, 1810 йили Россия ҳукумати рус савдогарлари ва саноатчилари манфаатларини кўзлаб, Ўрта жуз қозоқ сultonларидан бирини Кўконга юбориб, хонни руслар билан дўстлик муносабатларини ўрнатишга даъват этган².

Аммо Россиянинг Ташки сиёсати архивида сақланадиган 1805 йилги ҳужжатларга қараганда Туркистонга Россиядан келган Нерпиннинг иш юритувчиси (приказчиги – В. И.) Можайтинов раҳбарлигидаги савдо карвони ҳақидаги маълумотни олган Олимхон руслар билан савдо ва дўстлик муносабатларини ўрнатмоқчи бўлади. Шунинг учун у Султон Буқайга хат ёзиб, рус савдогарларига ҳамроҳ бўлиб, уларни Кўконга олиб келишни сўрайди. Султон Буқай Олимхонга генерал Лавров ва рус савдогарлари билан гаплашиб кўришга вайда беради. Султон Буқай ўз жавобида карвон йўли тоғу тошлар орасидан ўтиши, демак қозоклар томонидан хавф ҳам борлигини айтади. Шунингдек, ушбу йўлнинг Тошкент орқали ўтишини ҳам айтиб, Олимхонга Тошкент беги билан ярашишни таклиф этади. Ана шундан кейин савдо карвони бехатар йўлга чиқиши мумкин, дейди³.

Россиянинг Ташки сиёсати архивида сақланадиган ноёб ҳужжатларга қараганда, Султон Буқайнинг ўғли Фози Султон Олимхоннинг илтимосини ёзма равища И. А. Вейдемейрга етказади. Сўнгра Россия савдо вазири Граф Румянцев бундан хабардор бўлгач, Сибир инфандерийининг инспектори гене-

¹ Гаффаров Ф. Ўша жойда. Б. 32.

² Гаффаров Ф. Ўша жойда. Б. 22.

³ АВПР, фонд Главный архив, II-3, 1805–1806, опись 34, д. 5, л. 106 об.

рал-майор Лавровга кўрсатма бериб, рус савдогарларини бу ишга жалб этиб, Кўқонга юборишни тавсия этади.

Бу ерда, албатта, Юнусхон Тошкентнинг мустақил ҳокими бўлган давридаги алоқалар ҳақида сўз бормоқда. Бизнинг фикримизча, Олимхоннинг Тошкент ва унга тобе ҳудудларни забт этиб, ўз тасарруфига олишига асосий сабаблардан бири Кўқон–Россия ўртасидаги савдо алоқаларига Тошкентнинг тўсқинлик қилганидадир. Зеро Олимхоннинг 1805 йилидаёқ Тошкент, Туркистон ва бошқа ҳудудларни, ҳозирги Қозогистоннинг жанубий ерларини забт этиб, савдо карвонларига йўл очганлиги бежиз бўлмаган.

Айни вақтда рус савдогарларига Кўқон давлати ҳақидаги маълумотларни ва у ердаги савдо-сотик ҳолатини аниқлаб келиш топширилади. Бу эса Россия савдо майдонини кенгайтиришга ёрдам бериш мумкинлигини таъкидлайди¹.

Совет даврида Кўқон–Россия муносабатлари доирасида тўлиқ очиб берилмаган масалалардан бири Кулмамат Мамадиёровнинг Кўқонга расмий ташрифи тарихидир. Бу масала Ф.Фаффоровнинг тадқикотида қисқача баён этилган бўлса-да, унда қарама-қарши фикрлар учрайди. Бунинг асосий сабаблари Россия архивларида сақланаётган асл бирламчи ҳужжатлардан фойдаланилмаганлигида ва совет мафкурасининг тайзигида эди. Чунки дўстлик алоқалари ўрнатишнинг ташаббускори Кўқон хонлиги эмас, Россиядир деб кўрсатилиши шарт эди.

Ҳужжатларда 1806 йил 13 январда Сибир инспекциясининг нозири генерал–майор Лавровнинг Коммерция вазирига ёзган хатида рус савдо карвони ташкил қилиниб Кўқонга жўнатилганлиги, аммо у ердаги нотинчликлар муносабати билан карвон фақат Туркистонгача этиб борганлиги қайд этилади. Шунингдек Лавровнинг хатида яна Кўқон хонлигига вазият барқарорлашганлиги ҳам хабар қилинади ва шу муносабат

¹ АВПР. Там же, л. 4.

билин яна савдо карвонини юборишга ҳаракат қилинишига вайда берилган¹.

Ҳақиқатдан ҳам, 1805 йилларгача Россия ва Кўқон хонлиги ўртасида расмий дипломатик муносабат ўрнатилган эмас.Faқат иккала чегара дош маҳаллий ҳокимлар бир-бирларига айрим чегара масалалари (савдо божи, қароқчиларга қарши чора кўриш, ўғирланган матоларни ундириш ва ҳоказ) ҳақида ёзишиб турганлар, холос².

1810 йилга тегишли яна бир ҳужжатта кўра, Г. Глазенап Россия императорининг розилигини олиб, элчи-таржимон Мамадиёров бошчилигида тезда Кўқон хони Олимхонга элчиларни жўнатиши ҳақида расмий хат юборади³. Хатда у 5 апрелда, ҳеч қандай тўсиқсиз Чуноқ мавзесига етиб келганда, кечаси 100 кишилик қозоқлар (ҳужжатда «киргизлар» деб ёзилган – В. И.) унга ҳужум қўилганлиги ёзилган.

Таржимон Мамадиёров бу хавфдан қутулгач, бошқа тўс-кинлик бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб, ўз сафарини давом эттиради ва 22 апрель куни Туркистон шаҳрига етиб келади. У Г. Глазенап хатини олиб, ҳоким Тоғайхон хузурига боради. Лекин, унга Кўқон хони Олимбек 17 ёшли ўғли билан бирга отиб ўлдирилганлиги ва унинг ўрнига укаси Умарбек тахтга ўтирганлиги ҳақида хабар беришади. Туркистон ҳокими янги Кўқон хони Россия вакилини хурсандчилик билан қабул қилишига ва Россия билан савдо алоқаларини давом эттиришига ишонтиради. Тоғайхон икки йўлбошловчини кўшиб беради ва улар 18 май куни Кўқонга етиб келишади. 20 май куни эса Мамадиёров Умархон хузурига кириб, унга Глазенапнинг хатини топширади. Хатда Россия императори Кўқон хонининг элчиларни қабул қилишини ва Россия билан савдо алоқаларини мустаҳкамланса, бундан аҳоли кўп фойда кўриб, турмуш даражалари яхшиланиши ва саноатни ривожлантириб олишлари мумкинлиги ёзилган эди.

¹ АВПР, там же, д. 9 об.

² АВПР, ф. Главный архив, I-6, 1841–1844, оп. 5, д. 2, л. 39–39 об.

³ АВПР, ф. Главный архив, I-8, 1810–1820, оп. 7, д. 1, л. 7–8.

Бундай маълумотдан Умархон хурсанд бўлиб, барча таклиф ва шартларни мамнуният билан қабул қилди. Рус элчисини ва унга ҳамроҳ бўлган қозокларни шаҳардаги энг яхши уйга жойлаштириди ва хар куни уларни ҳамда отларини етарли озиқ-овқатлар билан таъминлаб турди.

Россия подпоси саройига Умархон ўз элчиларини жўнатишини маълум қилди. Кўқон хонлиги элчилари сифатида хоннинг вазири девонбеки Раҳматулло Кўшбаҳодиров ва тижорат бўйича маслаҳатчи Шукур Олтибосаров оталиклар тайинланishi ва уларга 5 кишини хизматкорлик учун ажратиш ҳакида фармон берди.

Россия элчиси Мамадиёров Кўқонда 1811 йил 18 майдан 8 июнгача бўлди.

Умархон томонидан «Улуғ саройга» юбориш учун элчи этиб тайинланган икки бек рус казаклар командаси ҳамроҳлигида, Кўқон шаҳридан 8 июнда чиқиб, чегарадаги Иртиш ўйналишидаги Кривой қалъасига 29 августда этиб бордилар.

Кўқонлик элчилар Омсқда бўлган чоғларида Г. Глазенап улар билан ўзаро савдо ишлари истикболлари ҳақида кўп суҳбатлашди¹.

Шундай қилиб, Кўқон хони Умархон 1811 йилда Россия императори Александр номига хат юбориб, Россиядан Қулмат Мамадиёров келганлигидан мамнун эканлиги, ўзининг тахтга ўтирганлигини маълум қиласди. Шунингдек, у Кўқон-Хитой савдо алоқалари яхши бўлгани ҳолда ҳанузгача Россия билан расмий алоқалар ўрнатилмаганлиги ҳақида маълумот бериб, икки давлат ўртасида дўстлик битимини тузиш мақсадида ўз элчиларини юбораётганлигини ёзади². Бу элчилар, яъни Раҳматулло девонбеки Кўшботир ўғли ва Шукур оталиқ Олтибосар оталиқ ўғлининг Россияга ташрифи тарихи муаммоси адабиётларда жуда кам ёритилган.

¹ АВПР, там же, л.10–16.

² АВРП, фонд Главный архив, 1-8, 1810–1820, опись 7, д. 1, л. 72–73.

Ҳ. Н. Бобобеков ва Ҳ. Зиёевларнинг шу даврга оид тадқиқотларида ушбу масала умумий тарзда қайд этилган холос¹. Ф. Гаффоров эса 1812 йили Қўқонга Россиядан таржимон Мамадиёров келгани ва хондан Сибирга вакил юбориб савдо масалаларини ҳал қилишни сўрагани ва бу илтимосга биноан 1812 йили хон Петербургга Шукурбек оталиқни юборганини қайд этади, холос.²

Бу ўринда Ф. Гаффоров тарихий санани аниқлашда ва Мамадиёровнинг ташрифидан асосий мақсадни баён этишда биринчи даражали манбаларгага асосланмаганлигидан хатога йўл қўйган.

Россиянинг Ташқи сиёсати архивида 1810 йилда Қўқон ҳокими Мұхаммад Умархон номидан Раҳматулло девонбеги Қўшботир ўғли, Шукур оталиқ Олтибосар оталиқ ўғли билан Ўрта жуз қозоқ султони Фози Букеев, старшина Луазан Тоғаев, Ботикан Куромсин, мулла Тошпўлат Бекпўлатов, штабс-капитан Гродницкий, таржимон Қулмамат Мамадиёровларнинг Санкт-Петербургга ташрифи ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек уларда Оренбургда элчи Шукур Олтибосар оталиқнинг ўлдирилиши ва ҳоким томонидан унга хун талаб этилганлиги ҳақида хужжатлар мавжуд³.

Юқорида қайд этилган хужжатга қараганда, Умархон Россияга Қулмамат Мамадиёров билан бирга бориш мақсадида "ўзига яқин ва ишончли амалдорларидан хоннинг вазири бўймиш девонбеги Раҳматулло Қўшбаҳодиров ва тижорат бўйича маслаҳатчиси Шукур Олтибосаров оталиқларга 5 кишини хизматкорлик учун ажратиш тўғрисида фармон чиқарган"⁴.

¹ Ҳ. Н. Бобобеков. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. – Т., 1990; Зияев Ҳ. Средняя Азия и Сибирь. – Т., 1983.)

² Гаффаров Ф. Экономические и политические связи России с Кокандским ханством в первой половине и 60–70 годах XIX века. – Т., 1970. – С. 12–13.

³ Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Т., 1967.

⁴ АВРП, фонд Главный архив, 1-8, 1810–1820, опись 7, д. 1, л. 1.

Ушбу хатга Россия императори Александр Кўқон хони Умархонга 1812 йил 27 январда имзолаган жавоб мактубини йўллаб, Россия ва Кўқон давлатлари ўртасида ўрнатилаётган савдо ва дўстлик алоқаларидан мамнун эканлиги ҳамда бу худудларда савдо карvonларининг тинч-осойишталигини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади¹.

Шунингдек император қўқонлик элчилар орқали хоннинг вазири бўлмиш Тошкент ҳокими Муҳаммад Мўмин Баҳодир (кейинчалик лашкар-бекларбеки номи билан 1842 йилгача ҳукм сурган – В. И.) ҳам Омск қалъасида истиқомат қилаётган Сибир линиясининг бошлиги генерал-лейтенант Глазенапга мактуб юбориб, Россиядан Кўқон хонлигига келадиган савдо карvonлари хавфсизлигини таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олаётганлигини ёзиб, ўзаро битим тузишни таклиф қиласди.²

Кўқонлик элчилар Санкт-Петербургда яхши кабул килинадилар. Бирок, ватанларига қайтаётганларида улардан бири касал бўлиб, йўлда вафот этади, иккинчиси эса Петропавловскда бир рус қочқини томонидан ўлдирилади. Бу эса Кўқон-Россия муносабатлари узилиб қолишига сабаб бўлди.

Бу воқеалардан хабар топган Умархон 1813 йил 14 июлда Омск қалъасининг бошлиғи генерал-лейтенант Глазенапга расмий хат юбориб ундан ўзининг қаттиқ норози эканлигини билдириб, ўлдирилган элчи учун хун пулини талаб қиласди. Айни вақтда Россия худудида элчи ва савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлаш лозимлигини таъкидлаб, Россияга тобе кипчоқлар қўқонлик савдогарларни талаётганликлари ҳақида хабар беради, уларга амалий ва моддий ёрдам бериш лозимлигини айтади.

¹ АВРП, фонд Главный архив, 1-8, 1810–1820, описание 7, д.1, л. 67–68.

² АВРП, фонд Главный архив, 1-8, 1810–1820, описание 7, д.1, л. 17–18; Тошкент мулки ҳақидаги шу давр тарихи Абу Убайдуллоҳ Тошкандийнинг “Хуносат ул-ахвол” асарида кенг ёритилган. Қар.: Вохидов Ш. Кўқон хонлигига тарихнависликнинг ривожланиши. – Б. 145–160.

Кўриниб турганидек, XX асрнинг иккинчи ярми совет тарихшунослигида Умархоннинг элчилари Россияга борганлиги ҳақидаги факт таъкидлаб ўтилган холос. Санкт-Петербургда уларни қандай қабул қилиб олинганликлари ва Кўкон хонлигининг элчилари ватанларига қайтиб келаётганда содир бўлган фожиа оқибатида икки давлат ўртасида эндиғина ўрнатиляётган дипломатик алоқаларнинг узилишиб қолиш сабаблари ҳақида фикр билдирилмаган ва архив маълумотлари асосида чуқур таҳлил қилинмаган эди.

Россия элчиси Филипп Назаровнинг 1813–1814 йилдаги Кўконга ташрифи ҳақидаги маълумотлар совет даври тарихчиларининг тадқиқотларида учрайди. Уларнинг маълумотларига қараганда Россия ҳукумати икки давлат ўртасидаги соvuклик ва низони бартараф этиш, дўстлик муносабатларини тиклаш ва савдо алоқаларини ўрнатиш мақсадида Филипп Назаровни Кўкон хонлигига элчи қилиб юборади. У Кўконда бир йилга яқин бўлиб, 1814 йили Россияга қайтади. Шуни айтиш жоизки, Кўкон–Россия дипломатик муносабатларига баҳо беришда, хусусан Филипп Назаровнинг Кўкон хонлигига қилган ташрифининг натижалари ҳақида россиялик ва ўзбекистонлик тарихчиларнинг хуросалари орасида фарқлар мавжуд.

1967 йилда чоп этилган "Ўзбекистон ССР тарихи"нинг биринчи жилдида 1813 йили Кўконга рус элчиси императорнинг ёрлиғи билан ташриф қилди, дейилган¹. Бирок, бу элчининг кимлиги, мақсад ва вазифалари ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган.

Ушбу мавзуни ўрганган россиялик тарихчи Н.Халфиннинг "Россия и ханства Средней Азии" номли китобида ёзишича, 1811 йилда Кўкон элчиси ўлдирилиши муносабати билан 1813 йили Россия ҳукумати Кўконга Семипалатинскда содир бўлган фожианинг асл сабабларини тушунтириш ва давлат-

¹ История Узбекской ССР. – Т., 1967. – С. 662.

лааро алоқани тиклаш учун таржимон Филипп Назаровни расмий элчи сифатида юборган.²

Н. Халфиннинг фикрича Филипп Назаровнинг Кўқонга ташрифи жиддий сиёсий натижалар бермаган бўлса-да, рус хукумати доирасининг Россия-Кўқон муносабатларини тиклашдан манфаатдорлигини кўрсатади. Филипп Назаров ташрифининг илмий нуқтаи назардан аҳамияти шундаки, у Кўқон хонлиги ҳақида қимматли рисола ёзиб, чоп эттириди.¹

Ўзбекистонлик тарихчилар ўз тадқиқотларида Ф. Назаровнинг ташрифи ҳақида турлича фикрлар билдирганлар. Баъзи олимлар Н. Халфиннинг фикрига қўшилмайдилар.

1984 йилда чоп этилган "История Коканда" номли китобда 1813–1814 йилларда Кўқонга келган рус элчиси Ф. Назаров ўз хотираларида шаҳарда кўп аҳоли яшапи, Кўқон атрофига пахта ва пиллачилик билан шуғулланишини ёзиб қолдирганилиги айтилади.²

Х. Н. Бобобеков ўзининг "Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки" номли монографиясида 1813 йили генерал-лейтенант Г. И. Глазенапнинг топшириғига биноан Филипп Назаров Кўқонга келиб, хон билан учрашганлиги натижасида низо бартараф этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

Н. Халфиннинг ёзишича Филипп Назаровдан кейин XIX аср 20-йилларининг охиригача Кўқондан Россияга бирорта ҳам элчилар бормаган.³

Филипп Назаров Кўқонга келиб кетгандан сўнг, 1814 йил 20 ноябрдан 1815 йилнинг октябригача Санкт-Петербургга кўқонлик элчиларнинг келиб кетганликлари ҳақида ҳозиргача битта ҳужжат топилган, холос. Аммо унда элчиларнинг максадлари ва эришган натижалари ҳақида ҳеч нарса дейилма-

² Халфин Н. Россия и ханства Средней Азии. – М., 1974. – С. 225–226

¹ Халфин Н. Кўрсатилган асар, Б. – 226.

² Рашидов Г. и др. История Коканда. – Т., 1984. – С. 6.

³ Халфин Н. Ўша манба. 227-б.

ган.⁴ Бошқа монография ларда ва чоп этилган адабиётларда ҳам ушбу элчилар ҳақида маълумот берилмаган. Шунинг учун уларнинг ташрифлари ҳақида бирор нарса дейиш қийин.

Яна шунни таъкидлаш лозимки, Кўқон хонлигидан Россияга элчилар 1815, 1822, 1824, 1825, 1828, 1829 йилларда хон мактубларини олиб борганлар ва бу ҳақда архив маълумотлари ҳам мавжуд. Аммо бу ташрифлар натижаси тарихчилар томонидан ҳанузгача ўрганилган эмас.

Ўз иқтисодий ва сиёсий манфаатлари йўлида Кўқон хонлиги билан алоқаларни яхшилашни истаган Россия ҳукумати бу мамлакат ҳақида тўла маълумотга эга бўлиш учун элчиларга маҳфий топшириклар бериб, у ердаги сиёсий аҳвол, вазият ҳақида маълумотлар йигиб борар эди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдикি, Ф. Назаровнинг Россиядан Кўқонга келиб кетиши совет тарихшунослигига турлича баҳолангандан ва бир фикрга келинмаган.

1822 йили Кўқон хони Муҳаммад Алихон даврида Россияга юборилган кўқонлик элчилар рус маъмурияти томонидан қабул қилинмаган. Аммо аниқ маълумотлар топилмаганлиги учун бу ҳақда қатъий фикр айтиш қийин. Архив хужжатларида ёзилишича, 1825 йилда элчи бўлиб борган Соатбек Султонбековнинг сўзларига қараганда, «бундан уч йил аввал (демак, 1822 йилда – В. И.) Ҳазрати олийлари императорга мактуб билан юборилган кўқонлик элчиларни қабулига қўймаган, йўлларда эса қирғиз (қозоқ – В. И.)лар тошкентлик савдогарларнинг карвонларини талаганлар. Бу ҳолдан Кўқон хони ранжиб, руслардан барқарорликни талаб этган. Аммо (руслар – В.И.) аниқ жавоб бермаганлар ва элчилар Семипалатинскдан ватанларига қайтишга мажбур бўлганлар¹». Бу фактлар Ҳ. Н. Бобобеков асарида келтирилади².

⁴ АВРП, фонд Главный архив. II-3, оп. 34, 1811–1816 г., д. 2, л.6.

¹ АВРП, фонд Главный архив. 1-6, 1841–1844, оп.1, д.2, л. 41–41 об.; ЦГВИА, ф. 483, оп.1, д.11, лл. 4–4 об.

² Бабабеков Х. Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. – Т., – 1990. – С. 36.

Ф. Гаффоровнинг тадқиқотларидаги маълумотларга қаралганда, 1824 йил июль ойида Кўқон хони Муҳаммад Алихон ўз элчилари сифатида Фаният Хўжа Зулфиқоров ва Хонкелди Бобохоновларни Сибир линиясига юбориб, биргаликда қарокчиларга қарши кураш олиб боришни ва савдогарларга қулай шароитлар яратишни таклиф қиласди. Сибир линия маъмурияти бу таклифни қўллаб-қувватлашини билдиради.

Умуман олганда, Соатбек Султонбековнинг элчилиги ҳақида собиқ совет даврида батафсил ўрганилиб тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Аммо шуни айтиш мумкинки, 1831 йилларда Кўқон-Хитой муносабатлари кескин тус олди. Бунга асосан Қашқар учун рақобат сабаб бўлиб, бу ўзаро урушларга олиб келди. Натижада Кўқон-Россия муносабатларини йўлга қўйиш масаласи орқага сурилди. Чунки Россия бу муносабатларнинг ривожига хайриҳох бўлмади. Сабаб – Россия-Хитой муносабати яхши бўлған эди. Башарти Россия Кўқонга курол берганида, Хитой билан Россиянинг муносабатига зиён етиши мумкин эди. Шунинг учун муносабатлар сусайиб, у ерга элчи юборилиши вакътинча тўхтатилди.¹

Ф. Гаффоровнинг маълумотига қараганда, 1827 йили Муҳаммад Алихон К. Фозилбековни элчи сифатида Россиянинг пойтахти Санкт-Петербургга юборади. Бу ҳақда Ф. Гаффоров ўз тадқиқотларида тўхталиб, мазкур элчиликнинг асосий мақсади Россия ва Кўқон хонлиги ўртасида давом этаётган савдо алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлған. Айниқса чойга талаб ошиб кетганлиги учун Россия орқали кўпроқ чой келтиришларини сўрайди. Чунки Кўқон-Хитой уруши савдогарларнинг йўлини тўсиб қўйган эди. Шунингдек, К. Фозилбеков рус маъмуриятига Кўқон хони Му-

¹ Кўқон ва Хитойнинг шу даврдаги муносабатлари ҳақида қар.: Кутгутов М. Взаимоотношение Цинского Китая с Кохандским ханствам // Китай и соседи в новое время и новейшее время. – М., 1982; Ходжаев А. Цинская империя и Восточный Туркестан в XVIII веке. / Из истории международных отношений в Центральной Азии. – Т.: Фан, 1989.

ҳаммад Алихон Россия императори Николай I ни таҳтга ўтириши муносабати билан табриклаш учун маҳсус элчиларини тайёrlаётганини маълум қилади.² Муҳаммад Алихон томонидан 1828 йилда юборилган элчилар Санкт-Петербургда яхши қабул қилинадилар.

Бу элчилик ҳакида айрим маълумотлар С. Соатовнинг «Ўзбекистон ССР тарихидан ўкув қўлланмаси»да мавжуд. Муаллифнинг ёзишига қараганда ушбу 8 кишидан иборат бўлган элчилик 1828 йилда Мадалихон томонидан Петербургга юборилган. Уларнинг асосий мақсади рус подшоси Александрнинг вафоти муносабати билан таъзия билдириш ва янги подшо Николайнинг таҳтга чиқишини табриклаб, Мадалихоннинг Кўкон хонлиги таҳтига чиққанлиги ҳақидаги хабарни етказиш эди. Элчилар хоннинг рус подшоси номига ёзган ёрлиги асосида ҳар иккала давлат ўртасидаги иқтисодий ва дипломатик муносабатларни ривожлантириш, Россия билан хонликнинг кенг қозоқ чўллари бўйлаб чегараларини аниқлаш масалалари юзасидан музокаралар олиб бориб, қатъий қарорга келганликларини баён қилганлар¹. Аммо асарда қарорнинг матни, моҳияти очиб берилмаган.

Ф. Фаффоров К. Фозилбековнинг 1827 йилдаги элчилиги ҳакида фикр юритган бўлсада, биз яна 1828 йилда Турсунхўжа ва Миркурбонларни ҳам Россияга борганликларини зътиборга олишимиз лозим, чунки бу ҳақда архив ҳужжатлари мавжуд². Архив ҳужжатларига қараганда, Турсунхўжа ва Миркурбонларнинг элчилик ташрифи муваффақиятли якунланиб, натижада Россия–Кўкон дипломатик муносабатлари қайта тикланади. 1827 йилги К.Фозилбеков элчилиги Совет тарихшунослигида ҳакида Ф. Фаффоров ва М. Соатовлар томонларидан жуда қисқа бўлса-да, ёритишга муваффақ бўлганлар, лекин 1828 йилги Турсунхожи ва Мирқубон элчиликлари ҳакида бирор нарса ёзмаганлар.

² Фаффоров Ф. Ўша номда. – Б. 24–25.

² АВПР, фонд Главный архив, 1-6, 1828, д.1, лл. 12, 197, 198, 333–336.

С. Соатов 1829 йилда ҳам Мадалихон томонидан Петербургга элчилар юборилганлиги ва ўз ёрлиғида иккала мамлакат ўртасидаги савдо муносабатларини янада ривожлантириш кераклигини қайд этиш билан бирга, «ҳар иккала давлат фуқароларидан айрим шахслар баъзи бир сабабларга кўра у ёки бу томонга кўчиб ўтишни истасалар, бунга тўсқинлик қилмаслик» масаласини ўртага ташлаганлиги ҳақида маълумот берган¹. Ҳ. Н. Бобобеков ўзининг монографиясида ушбу элчилар Ватанларига қайтишаётганда, улар билан бирга Кўқон хонлигига хорунжий Потанин ҳам келганлигини таъкидлайди². У Кўқон хонлигининг элчилари билан 1829 йил 12 август куни Семипалатинскдан йўлга чиқади ва Тошкент, Туркистон, Сузоқ, ҳаттоқи, Фарғона водийсида жойлашган пойтахт Кўқонгача боради. Кўқонда 5 ҳафта яшаган Потанин 1830 йил 16 январь куни уйига қайтади.

Ушбу элчилик Ўзбекистонда жуда кам ўрганилган. Масалан, «История Коканда» номли монографияда 1830 йили Кўқонда бўлган хорунжий Потанин шаҳар ҳақида маълумотлар қолдирганлиги таъкидлаб ўтилган холос³. У қандай ваколат ва топшириклар билан Кўқонга келганлиги ҳақида умуман ёзилмаган.

Хорунжий Потаниннинг Кўқон хонлигига ташрифи ҳақидаги маълумотлар Ҳ. Н. Бобобековнинг «Историческая литература о Кокандском ханстве» номли илмий тадқиқотида ҳамда «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки» номли монографиясида ҳам қисқа баён этилган. Ушбу ташриф ҳақидаги хабар «История Узбекистана»⁴ номли монографияда эса айтиб ўтилган, холос.

¹ Соатов С. Ўша кўлланма. – Б. 85.

² Бабабеков Ҳ. Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. Т., 1990, – С. 37; Яна қар.: Вестник Императорского Русского географического общества. Кн. 6, – СПб., 1856. – С. 6.

³ История Коканда. – Т., 1984. – С.6

⁴ История Узбекистана. Том 3. – Т., – 1993. – С. 213.

Аслида эса Н. И. Потаниннинг кўқонлик элчиларни Кўқон шаҳригача кузатиб кўйганлиги ва бундан ташқари у маҳфий топшириқ олиб Кўқон хонлиги шаҳар ва қишлоқлари, савдо йўллари ва ҳоказолар ҳакида маълумотлар тўплаганлиги тўғрисида қисқача баён этган. Н. И. Потаниннинг «Записки Сибирского линейного казачьего войска хорунжего Потанина, сопровождавшего кокандских посланников, бывших у Российского Двора в 1830 году» номли мақоласи «Военный журнал»¹ида чоп этилган.

Б. В. Лунин томонидан тузилган ва чоп этилган тўпламда² ҳам хорунжий Н. Потаниннинг кўқонлик элчиларни расмий равишда кузатиб кўйганлиги, аслида эса барча кўрган ва эшитганларини ёзиг олиши лозим бўлганлиги, Тошкент орқали Кўқонга келганлиги ҳакида қисқача маълумот ҳамда П. Савельевнинг сўзбошиси ва Потаниннинг эсадаликларидан парчалар берган. Аммо Б. В. Лунин бу маълумотларни илмий таҳлил қилмаган.

Совет даври тарихчиларининг тадқиқотларидан маълум бўладики, гўё хорунжий Потаниннинг Кўқонга ташрифи икки мустақил давлат ўргасида жиддий аҳамиятга эга бўлмагани, чунки у Кўқонлик элчиларни ватанларигача кузатиб кўйиш баҳонасида Россия хукуматининг маҳфий топширигини бажарганлиги яққол кўриниб туради.

Хулоса қилиб айтганда, тарихчилар ўз асарларида хорунжий Потаниннинг Кўқонга ташрифини фақат таъкидлаб, ундаги маълумотлардан ўз тадқиқотларида фойдаланишган. Лекин унинг Кўқон хонлигига келишининг асл мақсади ва тўплаган маълумотлари Кўқон хонлиги тарихини ўрганишда қанчалик илмий қийматтага эга эканлиги манбалар асосида ўрганилган эмас. Шу билан биргаликда яна шуни таъкидлашимиз мумкинки, совет даврида тарихчилар хорунжий Потанин Кў-

² «Военный журнал». 1831. № IV. – С. 102–139; № V. – С. 43–70.

³ История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и учёных (20–80-е годы XIX в.). – Т., 1990.

конга жосус сифатида келганлигини баён этишга журъат эт-маганлар.

Кўқонлик Хожи Миркурбон бошчилигидаги элчиларнинг 1831 йилда Россияга ташрифи ҳақида маълумотларни Ф. Гаффоров ва С. Соатов тадқиқотларида кўриш мумкин.

Ф. Гаффоров ушбу элчиликни 1836 йилда бўлган деб хисоблайди¹. С. Соатовнинг ёзишича эса «1831 йил июль ойида Мадалихон яна Хўжа Миркурбон Қосим ўғли бошчилигига 19 кишидан иборат дипломатик вакилларини рус подшоси номига ёзилган алоҳида ёрлиқ ва унга аталган совғалар, шу жумладан, иккита фил билан Петербургга юборди. Бу элчилар Тобольск шаҳрига борди. Лекин рус подшоси Хитой билан иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг бузилишига йўл кўй-маслик ва Хитой–Кўқон хонлиги жанжалларига аралашмаслик мақсадида, Мадалихоннинг талабига кейинроқ жавоб беришни кўзлаб, карантин баҳонаси билан Кўқон хонлиги элчиларининг Петербургга боришлиларига ижозат бермади. Хон ёрлиги ва совғаларини қабул қилиб олди ва элчилар орқали хонга ҳам совғалар бериб, уларни Тобольскдан қайтариб юборди»². С. Соатов Мухаммад Алихоннинг «талаблари» нималардан иборат бўлганлигини ёзмаган ва аксинча, мавзудан четга, яъни Кўқон–Хитой муносабатларига ўтиб кетилган. С. Соатовнинг фикрларида чор Россияси ҳукуматининг хатти–ҳаракатларини оқлашга интилиш яққол кўриниб туради.

Н. Халфин эса, Кўқон хонлиги элчиларининг юртига қайтариб юборилишининг сабабини, элчиларни Санкт–Петербургга етказиш ва боқиши руслардан катта маблағни ҳаражат қилишларига тўғри келганлиги билан боғлайди.³ Бу фикрнинг нотўғрилигини мустақиллик йилларида олиб борган тадқиқотлар ва уларда ишлатилган архив ҳужжатлари исботлайди.

¹ Гаффаров Ф. Ўша асар. – Б. 28.

² Соатов С. Ўша китоб. – Б. 86.

³ Халфин Н. Ўша китоб. – Б. 232–233.

Юқорида айтилганидек, собиқ совет даврида Россия тарихига дөг туширадиган фикрларни ёзиш ва бунга хизмат қилювчи архив манбаларидан фойдаланиш мутлақо тақиқланар эди. Чунки бу ҳужжатлар оркали чор Россияси маъмурияти, шу жумладан расмий дипломатларининг асл қиёфаси фош этилиши совет мағкурасига тўғри келмас эди.

Аслида воқеа шундай бўлади. Мугомбир генерал-майор Броневский Кўқон хонлигидан келган элчиларнинг асл мақсадларини алдаб, билиб олади. Унинг маълумотига қараганда элчилар Россия императоридан хитойликларга қарши ёрдам сифатида бир нечта артиллерияни рус офицерлари билан бирга сўрамоқчи экан. Шунинг учун, рус генерали, Россия Хитой билан дўстона алоқада бўлганлиги сабабли, кўқонлик элчилар билан умуман алоқага кирмаслик лозим ва уларни Россия императори ҳузурига яқинлаштирмаслик мақсаддага мувофиқ, деб тавсия беради.

«Шу билан бир қаторда, – дейди И. Вельяминов, – ўтган йили Россия императорига қасам берган Султон Саржон Қосимовни (6 минг оиласлик уруғлари билан) Кўқон хони ўзига чақириб олган. Подполковник Шубин юборган хабарларга қараганда, Саржон Қосимов бутунлай Кўқон хони томонига ўтиб кетган ва хон унга оқ байроқ, олтин қилич ва 500 червонлик мукофот берган».

И. Вельяминовнинг мулоҳазасига кўра, Саржон Қосимовнинг уруғлари билан Россия империясига қилган хоинлиги унча хавфли эмас. Агарда қароқчилик қилса ҳам уни тийиб қўйиш осон, аммо Хитой билан уруш кетаётган бир вақтда ва Россиядан ёрдам сўраш учун элчиларни юбориш арафасида Саржон Қосимовни Кўқон хони ўзига қаратиб олиши тушунарли эмас ва кечириб бўлмайдиган ҳодиса. Агарда буларга яна элчиларга ҳар кунига 50 рублдан сарфланаётган харажатлар эътиборга олинса, ҳамда башарти улар Санкт-Петербургга боришса Россияга дўст бўлган Хитой ҳукуматида русларга нисбатан шубҳа туғдириши мумкин. Шунинг учун кўқонлик

элчиларга қатъий рад жавобини бериб, қабул қилмай орқала-
рига қайтариб юборилиши лозим, деган фикр билдирилади.

Ушбу фикрларни тасдиқлаш учун Россиянинг Ташқи сиё-
сати архивида (АВПР) сақланаётган бир маҳфий хужжатни
мисол тариқасида кўриб чиқайлик.

Хужжатнинг матнидан Кўкон хони Муҳаммад Алихон Ҳо-
жи Миркурбон судур Муҳаммад Қосим ўғлини элчи этиб рас-
мий ҳамроҳлари ва иккита хитойлик асир, бир фил ва совға-
лар билан Санкт-Петербургга юборади. Тобольск шаҳрида
турли баҳоналар билан уларни рус маъмурияти ушлаб қолади
ва Россия пойтахтига боришлирага пинҳона тўсқинлик қила-
ди. Тобольскдан элчилар Петропавловскка боришга ҳаракат
қилиб, ҳарбий отряд кўмандони сотник Чириковга талабнома
ёзадилар ва озиқ-овқат беришни сўрайдилар¹. Аммо Иван
Вельяминов ташқи ишлар вазири граф Карл Васильевич Несе-
льрод номига қиска маълумотнома юбориб «иложи борича
бу элчиларни С.-Петербургга юбормасликка ҳаракат қила-
ман»,² дейди.

Бундай дипломатик муносабатни қўллашнинг сабаби шун-
даки, 1828–1831 йиллари Кўкон–Хитой ўртасида Қашқар
учун курашлар бўлиб турган эди. Россия эса Хитой билан ях-
ши дўстлик алоқасини ўрнатган эди. Шунинг учун Кўкон
элчиларининг С.-Петербургга келиши хитойликларда Россия-
га нисбатан шубҳа туғдириши мумкин, деган фикр билан рус
хукумати қўқонликларни пойтахтга яқинлаштирмасликка
ҳаракат қиладилар. Шу сабабли Кўкон элчилари Россия пой-
тахтига бормоқчи эканлигини Россия императорига айтиш-
ганда, у қўқонликларни турли баҳона билан ватанларига қай-
тариб юбориш мақсадга мувофиқроқ, деган кўрсатма беради.
Бундай муносабатни тасдиқловчи хужжат ҳам бизда мавжуд-
дир. Унда ёзилишича, Карл Васильевич Несельрод 1831 йил 3
июнь куни 1270-рақамли кўрсатмасида Олий Ҳоким Импера-

¹ АВПР, фонд Главный архив, 1-8, 1831–1834, д. 1, л.13 об.

² АВПР, фонд Главный архив, 1-8, 1831–34, д.1, л. 21–22.

торнинг хоҳишига биноан, Россия пойтахтида вабо касали тарқалгани баҳонаси билан Кўқон хонининг элчилари тўхтатилиб, Император номига ёзилган хатни олиб, зудлик билан Санкт-Петербургга юборилиши, икки хитойлик асирларни эса қабул қилиб олиб, Шаркий Сибир генерал-губернаторига жўнатилиши ва улар Хитой ҳукуматига топширилиши лозимлигини, совғаларни эса қабул қилиб, филни Санкт-Петербургга жўнатилиши кераклигини Иван Вельяминовга кўрсатма килиб юборди.¹

Ушбу кўрсатмани бажариш мақсадида Вельяминов Кўқон элчиларини уларнинг лавозим даражаларига мувофиқ мулозаматлар билан Тобольскда қабул қиласди ва «вабо касали тарқалганилиги сабабли» Россия пойтахтига бориб юрмасдан Кўқонга қайтишни маслаҳат беради. Улар вабо қурбонлари бўлишлари мумкин, буни эса Россия императори сира истамаслигини билдиради ва Кўқон хонига яхши муносабатда эканлигини айтади. Аммо Кўқон элчиси бу маслаҳатни қабул қilmайди. У хатни ҳам, филни ҳам иккита хитойлик асирни ҳам топширмайди. Вабо тугашини Тобольскда икки йил бўлса ҳам кутиб туражагини ва у хонининг топширигини айтилганидек килиб бажариши шартлигини билдиради.

Мұҳаммад Алихоннинг Россия императори номига ёзилган хатида Кўқон хонлиги ва Хитой ўртасида низо чиқиб, урушга тайёргарлик кўрилаётганлиги, шу сабабли Россиянинг қўшни ва кучли давлатлигини эътиборга олиб, ундан фойдали маслаҳатлар олмоқ ниятида бўлиб ўзининг расмий элчиларини хат билан юбараётганлигини баён қилган эди.²

Совет даврида тарихчилар ушбу элчиликнинг асл моҳиятини маълум сабабларга кўра очиб бера олмадилар. Аслида эса, 1831 йилда қўқонликлар учун натижасиз тугаган бу элчиклик, чор Россияси учун икки томонлама фойда келтирган эди. Биринчидан, Россия–Хитой муносабатлари маълум даражада

¹ АВПР, Там же, л. 17, 22–24.

² АВПР, там же, л. 22–24.

мустаҳкамланди. Бунинг яққол мисоли тариқасида Хитой ҳукуматининг расмий равишда Россия императорига қўқонликларни қабул қилмаганлиги учун, ўз миннатдорчилигини билдирганлиги тўғрисидаги ҳужжатни келтириш мумкин.³

Иккинчидан, Россия учун Кўқон–Хитой уруши молиявий жиҳатдан фойда келтираётган эди. 1831 йилда ёзилган бир архив ҳужжатида ҳам бу уруш айниқса рус савдогарларига жуда катта фойда келтираётганлиги ёзилади¹.

1831 йили Кўқон хонининг элчиларини рус императори қабул қилмаганлиги туфайли ўзаро муносабатлар кескинлашиб, ҳатто ҳарбий тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтади.

С. Соатов ўзининг асарида ўша даврда Бухоро ва Кўқон хонликларининг Россия билан алоқалари кучая борганлиги ҳамда 1834–1835 йилларда Тошкент Күшбегиси билан Оренбург генерал–губернатори ўртасида элчилар қатнаб, ўзаро муносабатларни яхшилаш, чегараларни аниқлаш, ҳар иккала томон карvonларининг Иртиш дарёсидан монеликсиз ўтиш, уруш қилмасдан, тинч–тотув яшаш каби масалалар юзасидан музокаралар олиб боришганлиги ҳақида қисқа маълумотлар берган².

Унинг маълумотларига қўра 1834–1835 йилларда Кўқон–Россия муносабатлари яхшиланган ва тинч–тотувлик билан ўтган.

Аммо бошқа тарихчилар ушбу даврдаги Россия–Кўқон дипломатик муносабатлари тарихи ҳақида ўз фикрларини билдирганлар. Ваҳоланки, XIX асрнинг 30-йиллари Кўқон–Россия муносабатини яхшилаш учун қўқонликлар ташабbus кўрсатишларига қарамасдан, россиялик зобит ва дипломатлар аксинча иш тутганлиги намоён бўлган³. Улар қуролланиб,

³ АВПР, ф. Главный архив, 1-13, оп. 10, 1831–32, д. 1, л.л. 16–17 об, 30–31.

¹ АВПР, там же, л. 4 об.

² Соатов С. Ўша китоб. – Б. 87.

³ Кўқонликларнинг Россия билан алоқалари тарихига Муҳаммад Юнусжон Шиговул ўз асари “Тарихи Аликули амирлашкар” асарида бир боб ажратган. Қар.: Муҳаммад Юнусжон Шиговул – Тойиб. Тарихи Аликули Амирлашкар. // Шарқ Юлдузи. 1994. № , Б. – 218–224.

янги қалъалар қуриб, кўқонликларга қарши қўшинлар юбо-
ришга интилганлар ва бу билан бора-бора ўз мустамлакачи-
лик ниятларини намоён эта бошлаганлар. Шу туфайли собиқ
совет даврида тарихчилар ушбу йиллардаги элчилик тарихи-
ни ёрита олмаганлар деб хулоса қилиш мумкин.

Совет тарихшунослигида Накиб Али Ашраф Мұхаммад
Хўжа Халил Соҳибзоданинг Россияяга элчилик сафари тарихи-
га маълум даражада эътибор берилган. Масалан, С. Соатов
ўзининг тадқиқотида Кўқон хони Мұхаммадалихон 1841 йил
август ойида Мұхаммад Халил Соҳибзода бошчилигидаги эл-
чиарини рус подшоси номига ёзилган ёрлик ва совгалар
билан Петербургга жўнатганлиги ҳакида ёзган. Муаллифнинг
таъкидлашча, Мұхаммад Халил рус давлати раҳбарлари би-
лан олиб борган музокаралари вақтида Бухоро амирлиги би-
лан Кўқон хонлиги муносабатларининг тобора оғирлашиб бо-
раётганлигини, Насруллохон Мадалихоннинг Кўқондан коч-
ган укаси Султон Маҳмудни Самарқанд атрофидаги Ўрмитон
шахрига ҳоким қилиб тайинланганлиги ва уни Кўқонга хон
қилиб кўтариш учун тайёргерлик кўраётганлигини ҳам баён
этган. Шу билан бирга С. Соатов Мұхаммад Халил Петер-
бургда олиб борган музокаралари пайтида Мадалихоннинг
илтимосига биноан Кўқонга кон муҳандислиги бўйича мута-
хассисларни юбориб, хонликдаги ер ости бойликларини қиди-
риб топиш ва уларни ишга туширишда ёрдам бериш масала-
лари ҳам муҳокама қилганлигини ва бу масалалар юзасидан
муҳим қарорлар қабул қилинганлигини таъкидлайди.

С. Соатовнинг тадқиқотида рус подшоси ўз ёрлиғида ҳар
иккала томон ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига
ишенч билдирганлиги баён этилган. Бу ҳакда муаллиф қуйи-
дагича хулоса қилган: «Шундай қилиб, Мадалихоннинг элчи-
лари хон номига ёзилган ёрлик ва рус подшоси томонидан
хонга берилган совгалар билан 1842 йил 10 июлда Петербург-
дан Омскка қайтиб келдилар.

Бироқ Кўқон билан Бухоро ўртасидаги муносабатлар яна-
да кескинлашиб, 1842 йилда Бухоро қўшинлари Кўқонни

эгалладилар. Шу сабабли Петербургда муҳокама қилинган масалалар амалга ошмай қолди. Кейинчалик Мұхаммад Халил 1842 йил 25 августда Ғарбий Сибир генерал-губернатори княз Горчаковга ёзган хатида, гарчи хон ўлдирилган бўлса ҳам, ўша сулҳ шартлари ва дўстона муносабатлар сақланиб қолади, деб таъкидлаган эди...»¹.

Ушбу элчилик ҳақида Н.Халфиннинг баён этишича: «Узоқ кутилган ташриф Омскдан икки йилдан кейин, 1841 йил кузида амалга ошди. Унга олим ва хоннинг ишончли кишиси Мұхаммад Халил Соҳибзода бошчилик қилган эди. Ҳужжатларда таърифланишича, у илгари Россияда бўлган ва ҳаттоқи, Қозонда маҳаллий мусулмон уламолари билан диний мунозараларда ҳам қатнашган. Халил Соҳибзода ташрифининг асосий мақсади ўз отасининг ўлими ва Мұхаммад Али (Мадали)дан сўнг «Россия билан алоқаларни тиклаш, яъни охирги пайтларда тошкентлик бекларбегининг жирканчли хатти-ҳаракати туфайли Кўқоннинг бўшашиб қолган мавқеини англияликлар тажовузидан ҳимоя қилиш учун Россиядан нажот тилашдир. Бунга Кўқонда хоннинг розилигисиз англияликларнинг пайдо бўлиши бир баҳона бўлди»².

Бу ерда Н. Халфин бир жиддий хатога йўл қўйган. Чунки Мұхаммад Халил Соҳибзода Россияга элчи бўлиб кетаётган пайтда Кўқон таҳтида Султон Маҳмуд эмас, Мұхаммад Али-хон ўтирган эди. Бу маълумотни Ҳ. Н. Бобобековнинг тадқиқотлари ҳам тасдиклайди. Уларга кўра Султон Маҳмудхон таҳтга 1841 йил ноябрь ойида ўтирган, элчилар эса Омск шаҳрига 1841 йил 20 августда етиб келган эдилар³.

Шундай қилиб ўзбекистонлик ва россиялик тарихчиларнинг асарларида икки хил фикр берилган. Ким ҳақ эканлигини архив ҳужжатлари аниқлаб беради. Масалан, АВПР да сақланаётган бир ҳужжатнинг мазмунига қараганда Мұхаммад Алихон Россия билан муносабатларни яхшилаш мақсади-

¹ Соатов С. Ўша китоб. – . 89–90.

² Халфин Н. Ўша асар. – . 334.

³ Бабабеков Ҳ. Н. Народные движения... . – С. 30.

да 1841 йили Санкт–Петербургга Мұхаммад Ҳалил Соҳибзодани элчи этиб юборади.⁴ У ҳамроҳлари билан Омск шаҳрига 1841 йил 20 августда этиб келади. 23 август куни элчи генералитет ҳузурида унинг мансабига лойик даражада қабул қилинади ва катта хурмат кўрсатилади. Суҳбат чоғида элчи Кўқон хонлигининг ички сиёсий вазияти, Мұхаммад Алихоннинг Россия билан яқинлашиш истагини, англияликларнинг муносабати ва кутилмаган ташрифи ҳақида маълумот беради. Кўқон хонининг илтимосларидан яна бири – тоғ қазилмалари ни қидириб топиш ва уларни ўзлаштириш учун Кўқонга мутахассис юборилиши эди.¹

Генерал–губернатор элчиларнинг Омска келганлиги ҳақида Санкт–Петербургга хабар юборади. Тошкент бегларбекигига эса мактуб юбориб, унда элчиларни иззат-икром билан қабул қилганлигини, бу ҳақда Россия императорига хабар юборганлиги ҳақида маълумот юборади. Шу билан бирга бегларбекидан Тошкентда ушлаб турилган рус асиirlарини ва Оқмулладан қочиб кетган «қирғиз» (козоқ – В. И.)ларни Россияга қайтариб юборишни сўрайди. Шундай қилинса, элчилар ишининг муваффақияти янада ошишига шама қиласди.² Кўриниб турибдики, Н. Халфиннинг маълумоти хато бўлиб, ўзбекистонлик тарихчининг маълумотининг тўғрилиги архив хужжатлари билан исботламокда.

Совет даврида Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари масаласини тарихчилар томонидан фақат ушбу элчилик тафсилотларигина нисбатан тўлиқ ўрганилди. Чунки ушбу дипломатик муносабат чор Россияси мавқенини оширишга қаратилган бўлиб, собиқ совет даврининг мафкурасига ҳам мос келар

⁴ Ҳазрат Соҳибзода авлодларининг фаолияти ҳақида Мұхаммад Юнусжон Тойиб ва “Тарихи Шоҳрухи” муаллифи Ниёз Мұхаммаддан ташкари янги муаллифлардан Анке фон Кугельген маълумот беради. Қар.: Фон Кугельген Анке. Аш йен Фадл-и Ахмад ... Саҳиб-заде. // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 4. С. 49–50.

¹ АВПР, ф. Главный архив, 1-6, 1841–1844, оп. 5, д. 2, л.л. 16–19.

² АВПР, там же, 50–50 об.

эди. Дарҳақиқат, ушбу элчилик ўз олдига қўйилган барча ма-салаларни ижобий ҳал қилди. Санкт–Петербургда улар жуда катта хурмат билан қабул қилиндилар. Элчиларнинг барча ил-тимосларини Россия ҳукумати бажаришга ваъда берди. Аммо, шунга қарамасдан, ушбу элчиликнинг натижалари рўёбга чиқмай қолди. Чунки Кўқон хонлигида содир бўлган фожиа, яъни Бухоро амири Насруллоҳнинг Кўқонни босиб олиши, Кўқон хони ва унинг яқин қариндошлари ҳамда мансабдор-ларини қатл этиши натижасида элчи ватанига қайтиб бориши-дан қўрқди ва Россия чегарасида қолиб кетди.

Кўқон хонлиги дипломатиясида чор Россияси давлати билан яқинлашиш сиёсати ва унинг амалий ҳаракатлари тарихи бўйича собиқ совет давридаги ўзбекистонлик тарихчиларнинг тадқиқотларида қўйидаги расмий элчиликлар қайд этилган: Кулмамат Мамадиёров (1805, 1810), Раҳматулло девонбеги Кўшботир ўғли ва Шукур оталиқ Олтибосар оталиқ ўғли (1811), Филипп Назаров (1813), Соатбек Султонбеков (1825, 1836), К.Фозилбеков (1827), Турсунхўжа ва Миркурбонлар (1828), 1829 йилги элчилик, Н.И.Потанин (1829-30), Ҳожи Миркурбон судур Мухаммад Қосим ўғли (1831), Нақиб Али Ашраф Эшон Мухаммад Хўжа Халил Сафронюл (Соҳибзода) (1841) бошчиликларидағи элчиликлар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, Кўқон хонлиги дипломатиясида Россия давлати билан яқинлашиш сиёсати ва бу йўлдаги амалий ҳаракатлар тарихини ёритишга ҳаракат қилинган. Бу борада Олимхон ва Умархон даврларида Россия билан яқинлашиш сиёсатини олиб бориб дипломатик муносабати ўрнатила бошлиғанлиги яққол кўзга ташланади. Масалан, Ф.Гаффоров ва Ҳ. Н. Бобобековларнинг тадқиқот ишларида Кулмамат Мамадиёровнинг Россиядан Кўқонга ташрифи ҳақида қисқа маълумот беришган.

Совет даври тарихчилари Умархоннинг элчилари Россияга борганлиги ҳақида фактни факат таъкидлаб ўтганлар холос. Уларнинг мақсадлари, Санкт–Петербургда уларни қандай қабул қилиб олганликлари ва Кўқон хонлигининг элчилари ва-

танларига қайтиб келаётганида содир бўлган фожиалар сабаб ва оқибатлари архив ҳужжатларга асосланган ҳолда чукур таҳдил қилинмаган ва илмий баҳо берилмаган. Шунингдек тарихчиларнинг тадқиқотларидан, Филипп Назаровнинг Кўқонга ташрифи Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги муносабатларнинг тикланишига олиб келганлиги кўриниб туради. Турсунхўжа ва Мирқурбонларнинг элчилигини эса тарихчиларимиз жуда қисқа ёритишган.

Муаллифлар хорунжий Потаниннинг Кўқонга ташрифи ҳақида таъкидлаб, унинг маълумотларидан ўз асарларида фойдаланишган. Лекин унинг Кўқон хонлигига келишининг асл мақсади, махфий топширикларни қай даражада бажарганилиги ва бу маълумотлар Кўқон хонлиги тарихини ўрганишда қанчалик аҳамиятга ва илмий кийматга эга эканлиги архив ҳужжатлар асосида ўрганилмаган. Яна шуни айтиш лозимки, 1831 йилдаги кўқонлик элчилиарнинг ташрифи муваффақиятсиз якунланган бўлса-да, у чор Россиясининг ҳақиқий сиёсий мақсадларини очиб берди. Натижада Чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини менсимаслиги кўриниб қолди. Бу эса Россия–Кўқон дўстлик муносабатларининг бузилишига олиб келди.

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотларга кўра, XIX асрнинг 30-йилларида Кўқон–Россия муносабатини яхшилаш учун кўқонликлар ҳам ташаббус кўрсатишган. Бироқ, россиялик зобит ва дипломатлар аксинча иш тутганлиги маълум бўлади. Масалан, Соатбек Султонбековнинг 1836 йилдаги элчилиги асосан икки чегарадош мустақил мамлакатлар ўртасидаги можароларни бартараф қилишга ва дўстлик алокаларини тиклашга қаратилган эди. Бунда ҳам ташаббус кўқонликлар тарафидан кўтарилган. Бироқ чегарадош рус маъмурияти бунга эътиборсизлик кўрсатган.

Совет даври тадқиқотларида Накиб Али Ашраф Эшон Муҳаммад Хўжа Халил Сафронюл (Соҳибзода) элчилиги олдига кўйилган барча масалаларни ижобий ҳал қилинганлиги, бироқ, Бухоро амири Насруллохнинг Кўқон хонлигини босиб

олиб, хонни қатл этгач қўқонлик элчи ватанига қайтиб келишдан қўрққанлиги ва Россия чегарасида қолиб кетганлигига объектив тарзда тўғри баҳо беришган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ушбу бобда ўрганилаётган даврга оид Кўқон–Россия дипломатик муносабати тарихи тадқиқотларда ёритишга ҳаракат қилинган, аммо кўп ҳужжатлар Россия архивларида маҳфий сақланганлиги туфайли ҳамда совет даври мағкураси бу жараённи тўлиқ ва чуқур ўрганишга имконият бермаган.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ШИМОЛИЙ ҲУДУДЛАРИНИНГ РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИДАГИ ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ АДАБИЁТЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

Ўрта Осиё хонликлари, шу жумладан Қўқон хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик муносабатларига, айниқса чор Россияси Қўқон хонлиги ҳудудларини босиб олиши жараёнидаги дипломатик муносабатларига тарихшунослик нуктаи назардан баҳо беришда Ўзбекистон XX асрнинг иккинчи ярмининг дастлабки йилларидан бошлаб кескин ўзгаришлар пайдо бўлди. Агарда шу йилларгача Ўрта Осиё хонликлари чор Россияси томонидан босиб олинган, деб талқин қилинган бўлса, эндиликда эса Россия бу ҳудудларни босиб олган эмас, балки қўшиб олган, деб исботлашга ҳаракат қилинди, кўплаб мақолалар ва китоблар чоп этилди ҳамда бир неча илмий конференциялар ҳам уюштирилди. Бу чоп этилган асарлар ва анжуманлар ҳақида F. Аҳмаджонов ўзининг монографиясида¹ батафсил ёзган ва, бизнинг фикримизча, жуда тўғри баҳо берган. Чунки 1959 йили СССР Фанлар Академияси раҳнамолигида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон Фанлар Академияларининг қўшма илмий сессияси «Ўрта Осиёнинг–Россияга қўшилишининг прогрессив аҳамияти»² мавзусига бағищланган бўлиб, ушбу анжумандан кейин «Россия–Ўрта Осиё муносабати» масаласига шу «қўшилиш» концепцияси бўйича узил-кесил ёндошила бошланган эди.

¹ Аҳмаджанов Г. Российская империя в Центральной Азии. – Т., 1995.

² Объединённая научная сессия, посвящённая прогрессивному значению присоединения Средней Азии к России. – Т., 1959.

Бунинг асосий сабабларидан бири хориждаги ўзбекларнинг Ўзбекистондаги совет тузумига қарши ҳаракатлари бўлди. Вали Қаюмхон, Боймирза Ҳайит ва бошқалар АҚШ, Англия, Франция, Фарбий Германия, Араб мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг ташки ишлар вазирликларига тинимсиз ра-вишда Ўзбекистон Россиянинг мустамлакаси бўлиб қолаётганлиги ҳақида ёзма маълумотлар ва варақалар тарқата бошлишди, «Би-Би-Си», «Озодлик» каби радиоканаллари орқали фаол чиқишилар қилиб, чет эл журналларида мақолалар билан чиқишиди.

Масалан, Вали Қаюмхоннинг ёзишича: «... Бу соҳада ҳам радиода маъруза бериб, Туркистон миллий масаласини ўргата қўйдик! Буларнинг ҳаракатига зарба бериш билан машғулдурмиз.

1. Туркистоннинг миллий даъвосини ислом халқлари вакилларига билдириб, коммунистларнинг ёлғон ташвиқоти ҳақида маълумот бердик...

2. Фарб давлатларининг сиёсий вакиллари билан сұхбатларда бўлиб, буларга ҳам Туркистон ҳақида тўла маълумот бериб, миллий муҳожирларимизнинг диний ва миллий йўлдаги ҳаракатлари ва фидокорликлари ҳақида асосий маълумот берилиб турулур.

3. Олмон радиоси ва газета-журналлари орқали Миллий Туркистон даъвосини эълон қилиб душман томонидан халқлар орасида юргизиб турган ташвиқотларига жавоб бериб, миллий Туркистон озодлик ҳаракатининг асослари билан таништирилмоқда ва Туркистон учун замин ҳозирламоқдадурмиз. Туркистон (ҳақида) ислом ва ғарб давлатларини яна билдиримоқ ниятидамиз.

4. «Ислом халқлари ва рус сиёсати» ва «Туркистон фожиаси», «Руснинг 40 саналик ҳорижий сиёсий тактикаси», «Осиё-Африқо халқлари конференцияси (Миср) ва Туркистон масаласи», «Туркистон масаласи», «Туркистон Чин-Рус ўртасида», «Москвада Чин дўстлик ва Туркистон», «Туркистон аҳамияти», «Шарқ ва Туркистон», «Советнинг Шарқдаги

культур сиёсати», «Советнинг Шарқ сиёсати», «Миллий Туркестон Бирлик Кўмитаси ва принциплари» ва бошқа мавзуларда радио ва газеталарда сиёсий мавзуда масалалар берилди ва яна берилиб турулубдур!..

5. Туркестон ҳақида ва мамлакат вазияти тўғрисида меморандумлар, материаллар ҳозирлаб шарқ ва ғарб халқларининг вакилларига берилоқдадур. Бу билан Туркестон учун дўст тўплаб турулур, бунинг билан баробар булар турган шаҳарларга бориб сиёсий сұхбат ўтказилиб турулур.»¹

Албатта чет элдаги туркестонликлар томонидан олиб борилаётган ташвиқотларга собиқ СССР ҳукумати томонидан бефарқ каралмас эди. «Сиёсатчилар» бунга жавобан “Ўрта Осиё ҳонликлари Россия томонидан босиб олинмаган, балки улар ўз хоҳишлари билан кўшилишган” деган мазмундаги янги уйдирмани қарши қўйиши. Бундай вазиятда Кўқон-Россия дипломатик муносабатларига тегишли илмий тадқиқот ишлари, асар ва мақолаларда Россия элчиликларининг асосий мақсадларини объектив ёритиш жуда кийин эди. Чунки шўролар даврида ўрнатилган қаттиқ цензура тарихий воқеаларни холисона, очиқ-ойдин ёритилишига йўл қўймас эди. Шу сабабли Ўзбекистон тарихшунослигига бу йиллар энг кийин давр сифатида қолади.

Фақат 1989 йилга келиб ўзбекистонлик тарихчиларнинг ҳаракатлари туфайли Ўрта Осиё ҳонликлари чор Россияси томонидан босиб олинганлиги рад этиб бўлмайдиган ҳужжатлар асосида исботлаб берилди. Дастреб «Фан ва турмуш» журналида X. Н. Бобобековнинг иккита мақоласи эълон қилинди.²

Аммо, шунга қарамасдан, юкорида қайд этилганидек, ўша пайтда ҳам кўп архив ҳужжатлари маҳфий бўлиб, улардан фойдаланишга цензура йўл қўймас эди.

¹ Бобобеков X. ва бошқалар. Ички ва ташки мафкуравий ва ғоявий курашнинг тарихий илдизлари. I китоб. – Т., – 2002. – Б. 112–114.

² Россия Ўрта Осиёни босиб олганми? // Фан ва турмуш. – 1989. – № 8; Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми? //Фан ва турмуш. – 1989, – № 10.

Кўқон хонлигининг шимолий худудларини босиб олиниши арафаси ва жараёнида Россия дипломатиясининг ҳақиқий ниятларини ўрганиш имкониятлари 1951–1990 йилларда, яъни совет даврида анча чекланган эди. Бу йилларда фақат С. Соатов Шералихон (1842–1845) давридаги Кўқон–Россия дипломатик муносабатларига оид озгина маълумот беришга эришган. Ваҳоланки, бу даврда Россия билан дўстлик ва савдо алоқаларини тиклаш ва давом эттиришга Кўқон томонидан фаол ҳаракатлар бўлган. У «Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув кўлланмаси» китобида шундай ёзади: «Хива хонлиги билан Россия ўртасида тузилган шартнома бошқа ўзбек хонликлари- га ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Улар ҳам шу каби шартнома тузишга интила бошладилар. Чунончи, Кўқоннинг янги хони Шерали (1842–1845) 1844 йил 3 июлда Ниёзмуҳаммад Неъмат бошлиқ дипломатик элчиларни Семипалатинскка жўнатиб, уларнинг 1841–42 йилларда Россияга юборилган Муҳаммад Халил бошчилигидаги дипломатик элчилар бошлаган ишни давом эттиришларини билдириб, Кўқон хонлиги билан Рос-сия ўртасида шартнома тузилишини исташларини маълум қилган эдилар.

Шералихон рус подшоси номига ёзган ёрлиғида Муҳаммад Халилнинг Петербургда бўлган вақтида Кўқон хонлиги билан Россиянинг ўзаро дўстона муносабатларини ривожлантириш борасида кўрсатган хизматларига юксак баҳо бериб, «бундай муносабатлар бизлар учун жуда ҳам маъкул ва истакҳоҳишимизга мос бўлиб, бирдан-бир оқилона ва халқлар учун фойдалидир» деб таъкидлadi ва шу сиёsatни давом эттиражагини билдириб.

Омск генерал-губернаторлигидан Шералихон номига ёзилган жавоб мактубида ҳар иккала мамлакат ўзаро муносабатларининг борган сайин яхшиланиб бораётганлиги кўрсатилган, бундан сўнг ҳам ҳар иккала давлат ўртасидаги иқтисодий ва дипломатик муносабатларни янада ривожлантиришга даъват этилган.

Юқоридаги парчадан С. Соатов Кўқон элчилари ташрифи ҳақида илмий таҳлил қиласдан, қисқа ахборот тарзида берганлиги кўриниб турибди. Унинг фикрича Кўқон элчилари Семипалатинскка 3 июлда жўнатилган. Аслида эса (архив маълумотларига қараганда) улар Семипалатинскка 3 июлда етиб келишган. Демак, Шералихон ҳокимиятга келгач, дарҳол Россияяга ўз элчиларини юборган. Омск генерал-губернатори номига юборган мактубида у Россия–Кўқон муносабатлари азалдан мавжудлигини, Россияяга охири марта борган Эшон Соҳибзоданинг элчилигига муносиб баҳо бериб, ўзи юбораётган Ниёз Муҳаммад элчининг расмий мақсадини ёзган ва дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ниятини баён этган. 1844 йил 17 июлда эса Омск генерал-губернатори княз Горчаков Санкт–Петербургга – граф Иван Илларионович Воронцов-Дашковга юборган хабарида кўқонлик элчи хоннинг унинг номига ёзилган хати билан Семипалатинскка 3 июлда етиб келганлигини баён этади.¹

Генерал Горчаков ҳам жавобида Шералихоннинг дўстликини мустаҳкамлашга интилишини юқори баҳолаб, тўла қўллаб кувватлаётганлигини ёзган.²

Архив ҳужжатларига қараганда, элчи Ниёз Муҳаммаднинг генерал Горчаков хузурига ташрифининг асосий мақсади, даставвал Россия императорига Кўқон хонининг хурмат–эҳтиромини билдириб, дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш ва ундан сўнг рус императорига муносиб совғалар ортилган маҳсус карvon юбориш эди. Лекин Кўқон хонида бундай имконият йўқлиги туфайли савдо карвонини юбориш вақтингчалик кечикирилган. Ниёз Муҳаммад олиб келган қиймати 500 кумуш рублга тенг бўлган совғаларни эса генерал–губернатор қабул қилиб олиб, уларга мос жавоб совғалар қилган. Сўнгра кўқонлик элчи Семипалатинск орқали биринчи карvon билан ўз ватанига кузатиб кўйилади.

¹ АВПР, ф. Главный архив, 1-6, 1844, д. 1, л.л. 7–9.

² АВПР, тамже, лл. 10–10 об.

Ниёз Мухаммад элчилигининг тарихий аҳамияти жуда катта. Маълумки, 1841 йили Мухаммад Алихон Россияга Эшон Соҳибзодани элчи қилиб юборган эди. У Санкт-Петербургда яхши кутиб олиниб, деярли барча талаб ва илтимосларига ижобий жавоб олиб ватанига қайтаётганда, Бухоро амири Кўқонни босиб олади. Бундан хабар топган Эшон Соҳибзода қўрқиб, Семипалатинск шаҳрида қолиб кетган эди. Шу муносабат билан деярли барча тарихчилар Соҳибзоданинг Россияга ташрифи натижасиз қолди, деб ёзиб келишган. Ваҳоланки, Шералихоннинг хатига кўра, Эшон Соҳибзода Кўқонда тинчлик ўрнатилгандан кейин ўз ватанига қайтиб келиб, Россия императори бериб юборган совғаларни ва хатни Шералихонга топширган. Демак, Эшон Соҳибзоданинг Россияга элчилик ташрифи бехуда бўлмади, деб дастлабки янги ва тўғри хулоса чиқариш лозим.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдикি, совет давридаги тарихчилардан биринчи бўлиб С. Соатов Ниёзмуҳаммад Неъмат элчилиги ҳақида қисқа бўлса ҳам илк маълумотларни берган, лекин атрофлича илмий таҳлил қилмаган.

Кўкон хонлигининг Абдулла Мулла Ашуроев бошчилигидаги элчиларининг Россияга ташрифи ҳақида С. Соатов қисқа ахборот берган. У ёзган кўлланмасида 1847 йил 28 ноябрда Кўкон хонлигининг Мулла Абдулла муфти бошчилигига дипломатик вакиллари ёрлик билан Омскга жўнаб кетганлигини таъкидлайди. Вакиллар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни давом эттириш асосида савдо карвонларини ривожлантириш истагини билдирганлиги, савдо карвонларининг йўллардаги дахлсизлигини таъминлаш учун қароқчиларга қарши кураш чораларини кўриш зарурлигини, чегараларнинг ҳар иккала томондан бузилишига йўл кўймаслик, шу билан бирга рус давлатидан Сирдарёнинг куйи оқимида қўрғонлар қуришни тўхтатишини илтимос қилганлигини қисқа таъкидлаб ўтган. Бу маълумотлардан ташқари С. Соатов яна Мулла Абдулла бошлиқ элчиларининг асосий мақсади Кўкон хонлиги билан Россия ўртасидаги чегара масалаларини ҳал

этишга қаратилганлигини ҳамда бу ҳақда XIX асрнинг 50-йилларида Хива хонлиги билан Россия ўртасида ҳам кенг музокаралар бошланганлиги, аммо княз Горчаковнинг Мусулмонкул номига ҳамда рус подшосининг Худоёрхон номига ёзган ёрликларида Сирдарёнинг куйи оқимида Раим қўрғони Кўқон хонлигига қарши бирор ёмон ният билан эмас, балки Россия фуқаролигидаги қозоқларни ҳимоя қилиш, Сирдарёнинг куйи оқимларида тинчликни саклаш, савдо карвонларини қароқчилардан қўриқлаш мақсадида курилганлигини баён этган. Ҳақиқатда эса, бу қўрғонни куришда подшо самодержавиясининг келажакда Ўрта Осиёнинг ичкарисига ҳарбий юриш уюштириши учун муҳим қальба бўлиши кўзда тутилганлигига эътиборни қаратади¹.

С. Соатовнинг бу маълумоти муҳимлигини инкор қилиб бўлмайди. Бироқ, шуни ҳам айтиш лозимки, элчининг исми ҳужжатларда «Мулла Абдулла» эмас, «Муфти Абдулла Мулла Ашурев» («Муфти Абдулла Мулла Ашур ўғли») шаклида учрайди. «Мулла» сўзи Абдуллага эмас, унинг отаси Ашурга тегишлидир.

Собиқ совет даврида Кўқон хонлиги тарихи билан маҳсус тадқиқот ишларини олиб борган тарихчилар² ҳам ўз асарларида Муфти Абдулла Мулла Ашуревнинг Омскга ташрифи ҳақида ҳеч нарса ёзмаганлар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Муфти Абдулла Ашуревнинг Омскга расмий ташрифи тўғрисида ўзбекистонлик тарихчилардан фақат С. Соатовгина қисқа маълумот берган холос. Унинг маълумотларига кўра ушбу элчилик асосан

¹ Соатов С. Ўша китоб. – Б 97.

² Масалан, Р. Н. Набиев. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973; Х. Н. Бобеков. Историческая литература о Кокандском ханстве; дисс. канд. ист. наук. – Т., 1977; Ф. Фаффоров. XIX асрнинг биринчи ярми ва 60–70-йиллардаги Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алокалар. Дисс. Т., 1970; А. Маҳкамов. Роль города Коканда в развитии экономических связей Средней Азии с Россией и с сопредельными странами в XIX–начале XX века. Дисс. – Т., 1988; Н. А. Халфин. Россия и ханства Средней Азии. – М., 1974; М. Троицкая. Каталог архива кокандских ханов XIX века. – М., 1969; ва бошқалар.

муваффақиятсизлик билан якунланган. Лекин шундай бўлишига қарамай, Кўқон хонининг тинчлик ва дўстлик учун сиёсий ҳаракат қилганлиги кўриниб туради. Россия расмий маъмуриятининг эса аксинча, бундан манфаатдор эмаслиги туфайли йилдан—йилга тажовузкор бўла борганлиги намоён бўлади.

Афсуски, тарихчилар Муфти Абдулла Ашурев элчилигининг тарихини ва унинг оқибатларини ёрита олишмади. Ваҳоланки, Россия империясининг узларини дўст сифатида хатти-ҳаракат қилаётгандикларига ишонтиришларида самимият тобора йўқолиб бораарди. Аста-секин Кўқон билан Россия манфаатлари тез-тез тўқнаша бошлади. Бу тўқнашувлар айниқса Кўқон хонлигидан шимолда жойлашган ҳудудларда кескинлашди. Россия қарамоғидаги қозоқ қароқчилари Кўқон хонлигидан борган савдо карвонларини талай бошладилар. Россия маъмурияти бунга қарши зарурӣ чора тадбирлар кўрмади. Натижада Кўқон—Россия савдо алоқаларига катта зарар етказилди.

Юлдошбой Мирзажонов элчилиги ҳақида Р. Н. Набиевнинг «Кўқон хонлиги тарихидан» номли монографиясида Кўқон хони Худоёр, Россиянинг тажовузкор сиёсати кучайиб боришини, муносабатни яхши томонга ўзгартириш мақсадида қилаётган хатти—ҳаракатлари беҳуда бўлиб, ижобий натижада бермаслиги аниқ эканлигини билганлигини баён этган. Шундай бўлса-да Худоёрхон 1853 йили ўз элчисини ёрлиқ ва совғалар билан Россияга юборганлигини ва улар июль ойининг бошларида Омск шаҳрига етиб келганлигини ёзади. Шунингдек, уларнинг асосий мақсади — Россия билан дўстлик алоқаларини тиклаш ва Кўқон хонлигига зулм ўтказган қипчоқлар жазоланганилиги ва хонликда тинч-тотувлик ўрнатилганлиги ҳақида маълумот бериш эканлигини таъкидлайди. Р. Н. Набиев ўз монографиясида Фарбий Сибир генерал-губернатори билан бўлиб ўтган норасмий сухбат давомида Кўқон элчиси Россия императорига Сирдарё бўйларида жойлашган Кўқон қальяларига рус армияси томонидан хужумлар

уюштирилганлиги ҳақида арз қилиш ҳам топширилганлигини баён этган. Шунинг учун Россия императори Фарбий Сибир генерал-губернаторига кўқонликлар илтимосини рад этиб, Россиянинг манфаатини кўзлаган ҳолда элчиларни Омскдан нарига юбормасдан хон ёрлигини олиб қолиб, аммо совгаларни олмасдан, ватанларига қайтариб юборишни тавсия этганлиги ва хон ёрлиғи жавобсиз қолдирилганлиги таъкидланган¹.

Архив маълумотларига қараганда, Мирзажонов авваллари карвонбоши сифатида Россияда бир неча марта бўлган. Бу сафар эса у Кўқон хонининг расмий элчиси сифатида келиб, Россия императорига хат, 5 та зотли от ва бир неча тўп матолардан иборат совгалар олиб келганди.²

Р. Н. Набиевнинг хulosалари тўғри эканлигини архив хужжатлар ҳам тасдиқламоқда. Манбалардан бирида кўрсатилишича, Мирзажонов Омсқга келганда норасмий йигилишда очиқдан-очиқ ўз фикрини баён қиласди. Унга қараганда элчининг келишидан асосий мақсад Оренбург ҳокимининг хатти-ҳаракатидан норозилигини билдириб, агарда бундан рус императорининг хабари бўлмаса ва унга нотўғри хабар етказилган бўлса, Россия императорини огоҳлантириб, Кўқон хони номидан бу келишмовчиликни бартараф этишини сўрайди.³ Аммо, Юлдошибой Мирзажонов бошчилигидаги элчилик ҳам муваффакиятсизлик билан тугалланди. Бунинг асосий сабаби рус генераллари Кўқон хонлигига, аниқроғи Оқмачитга харбий юришга жадал ва махфий тайёргарлик қўришаётган эди.

Мирзажоновнинг Санкт-Петербургга сафари эса бунга тўсқинлик қилиши аниқ эди. Шунинг учун рус генераллари Кўқон хонлигининг элчиларини чегарадан ўтказмасликка ҳаракат қилдилар ва ўз мақсадларига эришиб, кўқонликларни орқаларига қайтариб юборишиди. Натижада 1853 йилнинг июль ойида дипломатия қоидаларини поймол қилган Россия

¹ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973, – С. 49–50.

² ЎзР МДА. Ўша ерда. 262-варак.

³ ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 262-варак; Набиев Р. Н. Ўша асар. – Б. 49–50.

генералларидан Перовский катта куч билан Сирдарё соҳиллари сари силжиб борди ва Оқмачитни бир ойга яқин қамал қилиб, бир неча кунлик шиддатли ва шафқатсиз ҳужумлардан кейин, қалъани босиб олди.

Қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамасдан, кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли қўқонликлар енгилдилар. Р. Н. Набиев ва X. Н. Бобобековлар ўзларининг монографияларида бу ҳақда қисқа маълумотлар беришган¹. Бироқ чор қўшинлари Оқмачитни босиб олаётганда қўқонлик ватанпарварларни шафқатсиз равишда кириб ташлаганликларини Совет даврида очик-ойдин ёзиш мумкин эмас эди. Ваҳоланки, бу ҳақда кўплаб архив ҳужжатлари мавжуд.

Масалан, генерал-майор Падуровнинг расмий маълумотига қараганда 1853 йил 29 июль куни Оқмачит жангидага 300 та қўқонликтан 212 таси, шулар жумласидан: эркаклардан 206 та, аёллардан 4 та ва кичик болалардан 2 таси ҳалок бўлган. 52 қўқонлик, шулар жумласидан: 35 та эркак, 7 та аёл, 10 та кичик болалар ярадор бўлган.

Рус қўшинларидан томонидан эса 25 киши ҳалок бўлган, 40 таси лазаретта тушган, (17 таси оғир жароҳатланган), 32 таси даволаниб чиқкан².

Искандар Батиришкиннинг ёзишича қўқонликлар қамал кунларида ҳам, русларнинг ҳужуми вақтида содир бўлган даҳшатли портлашлардан кейин ҳам руҳий тушкунликка тушмай мардонавор жанг қилдилар³. Фарбий Сибир генерал губернаторига 1853 йил 3 август куни Оқмачитдан юборилган хабарномада ёзилишича, қалъа 28 июль куни забт этилган. Унда тирик колган қўқонликларинг ҳақиқатдан ҳам мардонавор жанг қилганликлари айтилади.⁴

¹ Набиев Р. Н. Ўша асар. – Б. 49–50; Бабабеков X. Н. Народные движения... – С. 38.

² ЎЗР МДА. И-715-жамғарма, 1-рўйхат, 14-иш, 297–298-вараклар.

³ ЦГИА России, ф. 1021, оп. 1, ед. хр. 102, л. 81.

⁴ ЦГИА России, ф. 853, оп. 2, ед. хр. 57, л. 2: Оқ Масжид мудофааси Аваз Мухаммад Аттор Хўқандий томонидан ҳам муфассал баён қилинган. Қар.: Воҳидов Ш. Аваз Мухаммад Аттар Хўқанди и его сочинения “Тарихи

Россия қўшиллари Оқмачитни босиб олгандан сўнг Кўкон хонлигига нисбатан очикдан-очик зўравонлик сиёсатига ўтиб олди ва ўз дипломатиясини ҳам шунга мослаб олиб борди.

Х. Н. Бобобеков қайд этган маълумотларга қараганда, 1858 йил баҳорида Кўкон хони Хива хонига элчи юбориб русларнинг босқинчилик харакатига қарши ҳарбий ёрдам сўраган. Аммо Хива хони қатъий рад жавобини берган.¹

Рус ҳукумати Кўкон хонлиги билан расман дўстона алоқада эканлигини сўзда тан олса ҳам, амалда қозоқ, қирғизлар билан ўзбеклар ўртасидаги дўстлик муносабатларининг ўрнатилишига қарши эди. Бунга яққол мисол қилиб Сибир корпушининг генерал-инфантериий Г. Госфорднинг 1856 йил 12 октябрда ёзган хатини мисол қилиб кўришимиз мумкин: «... биринчи навбатда Олойорти ўлкасидағи қозоқларни бўйсундирив, ёввойи, тошбағир қирғизларни ўзимизга боғлаб, уларнинг қўқонликларга бўлган қаршилигини қўллаб-куватлашмиз керак»,² деб ёзади.

Чор Россияси ҳукуматининг полковник Игнатьев бошлигига Бухорога юборган элчиликка топширган йўриқномаларида ҳам Россиянинг Ўрта Осиё хонликларига нисбатан асл муносабатини кўришимиз мумкин. Унда таъкидланишича, агарда Бухоро амири рус ҳукуматидан Кўконга қарши курашда ёрдам сўраса, Игнатьев жавобдан ўзини олиб қочиши керак. Чунки Амир Кўконни босиб олса, Россия чегараси атрофида Бухоро амирлиги кучли ва хавфли давлатга айланаб қолиши мумкин.³

Х. Н. Бобобековнинг монографиясидаги далиллардан рус генераллари ўзларининг ўта реакцион хатти-харакатлари билан Кўкон хонлигига зимдан зиён келтириб, ички сиёсий ва-

джаханнамай” (исследование, перевод и примечание) – Дисс. кан. ист. наук. Т. 1990. Приложение.

¹ Бабабеков Х.Н., «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки». – С. 33.

² ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 225-варак.

³ ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 186-варак.

зиятини ёмонлаштиришга интилганликлари куриниб туради.¹

Дарҳақиқат, чор Россияси ўзининг ташки сиёсатида турли йўллар билан Ўрта Осиё хонликларидағи миллатлараро ва қабилалараро урушларни қўзғашга, қўллаб-куватлашга, ҳатто Россия фуқаролари бўлмиш ўрта осиёликлар орасида ҳам низо келтириб чиқаришга ҳаракат қиласади.

Бу хulosаларнинг тўгрилигини архив хужжатлари тўла тасдиқламоқда. Масалан, Сибир округининг командири Г. Госфорднинг Олатов округи бошлиғига ёзган хатида: «Биз атабанлар ва сарибағишларнинг бир-бирига қилган қароқчилик (кўй, отларни ўғирлаш)дан келиб чиқсан можароларидан фойдаланиб, сўнгти кучли зарбани беришимиз керак. Бунинг учун қўқонликларни ҳам ва қирғиз (қозок) қабилаларини ҳам ёмон кўрадиган ва уларнинг чорва молларига қароқчилик юришларини уюштириб турган машхур Суранчининг хизматидан фойдаланиш керак. Охирида эса Суранчини Умбет-Алига қарши қилиб қўйиш керак»², дейилади.

Х. Н. Бобобековнинг юқорида номи келтирилган монографиясида 1858 йили Кўқон хонлигида бир неча йирик қўзғолонлар бўлганлиги баён этилган.³ Айниқса қозоқлар қўзғолони Кўқон–Россия муносабатига ҳам салбий таъсир этганлиги ёритилган.⁴ Чунки, қозоқлар Кўқон хонидан норози бўлиб рус ҳукумати тасарруфига ўтиб кетмоқчи бўлдилар, кўпчилиги ўтиб ҳам кетишди. Шу муносабат билан чегарадош рус маъмурияти номига Тошкент ва Туркистон ҳокимлари хатлар юбориб туришди. Бу хатларда рус маъмуриятидан Кўқон хонлигининг ички ишларига аралашмасликни, қозоқларнинг Рос-

¹ Бабабеков Х. Н. Там же. – С. 38.

² ЎзР МДА, И–715-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, – Б. 292.

³ Яна қар.: Хасанов А.Х. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. – М., 1977; Плоских В.М. Киргизы и Кокандские ханство. – Фрунзе, 1977.

⁴ Иванов П.П. Казахи и Кокандское ханство: К истории их взаимоотношений в начале XIX в. // Записки ИВ АН СССР. М. – Л., 1939. Т. VII.

сия тасарруфидаги ерларга ўтиб кетишига йўл қўймаслик ва ўтиб кетганларини Кўқон хонлигига қайтариш сўралган эди. Аммо рус маъмурияти турли баҳоналар билан бунинг аксини қиласади¹.

Чор Россияси Кўқон хонлигининг худудларини босиб олиш олдидан унинг табиий бойликларини билиб олиш мақсадида ўз олимларини жалб қилди. Масалан, «Н. А. Северцов» номли ҳужжатлар тўпламида рус олими Н. А. Северцовнинг Туркистон беклиги табиатини илмий ўрганиш мақсадида келганлиги ва у қўқонликлардан рухсат олмасдан 8 та рус казаки билан Кўқон хонлиги чегарасидан ўтгани учун асирга олингандиги ҳақида архив маълумотлари бор. Бу эса Россия–Кўқон чегарасида маълум даражада дипломатик муносабатларнинг бузилишига олиб келган. Шунингдек, мавзумизга оид бошқа қимматли маълумотлар ҳам ушбу китобда чоп этилган. Бу тўпламдаги ҳужжатларга қараганда қўқонликлар Н. А. Северцовнинг асирга олингандиги ҳақида русларга хабар беришган. Рус қўмондони генерал-майор Данзас эса, дипломатик йўл билан масалани ҳал қилиш ўрнига, қурол ишлатиш билан дўйк-пўписа қиласади. Ўз сўзларини исботлаш учун, у 1858 йил 10 май куни форт Перовский (собиқ Оқмачит қалъаси)дан 300 та қуролланган отлиқ аскар ва икки тўп билан Кўқон хонлигига қарашли Жўлак қалъа томон юриш қиласади. Шу пайтда Туркистон беги унга хат йўллаб, рус олими Н. А. Северцовни озод қилиши ҳақида хабар беради. Генерал-майор Данзас «ҳовуридан тушиб», форт Перовскийга қайтиб кетади, бир неча кундан кейин эса рус олими озод этилади.²

Чор Россиясининг бу пайтдаги асл нияти – бир неча тофёнбағридаги қалъаларни босиб олиш эди. Шу сабабли рус хукумати дўстлик ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекишдан ўзи-

¹ Кўзголонлар ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун X. Н. Бобобековнинг «Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки» номли китобига ва А. Х. Ҳасановнинг кўрсатилган асарига қаралсин.

² Северцов Н. А. – Т., 1958, – Б. 27–28.

ни олиб қочар эди. Чунки, рус ҳукумати дўстлик ҳақида шартномага имзо чекса, бу шартнома генералларнинг босқинчлилик хатти-ҳаракатига тўсқинлик қилиб кўйиши мумкин эди.

Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган бир муҳим ҳужжатда, аникроғи 1859 йил 19 январда ёзилган маҳфий хатда (Сибир корпусининг бўлим командири ва Сибир генерал-губернаторининг «Записка»сида) ёзилишича, «Чу дарёсининг юқори қисмларини босиб олиш ва бунга олдиндан тайёргарлик кўриш» режаси Россия императори Николай I фармойишига биноан кўриб чиқилади. Мухокамада ҳарбий ишлар вазири княз Долгоруков, граф Перовский ва генерал инфантерий Г. Госфорд иштирок этади. Улар бир овоздан Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота, Сузок, Туркистон ва унга карашли бўлган атрофдаги ерларни кўшиб Сирдарёгача босиб олишга қарор қилишади. Катта обрўга эга, халқнинг ишончи ни оқлаган, пухта сиёsatчи Маллахоннинг тахт тепасига келганидан хавфсираган рус генераллари юқоридаги босқинни «узоғи билан бир йил ичida 1860 йилдан 1861 йилгача бажалиши шарт» деб кўрсатишади.¹

Оренбург округи ва Фарбий Сибир масаласига оид 1859 йил 24 январда бўлиб ўтган кенгашда «Записка» ҳам муҳокама қилинди. Унда Николай Сухозанет, княз Александр Горчаков, Николай Метмен, Александр Княжевич, Густав Госфорд, Александр Катенин, Барон Ливен, Егор Ковалевский ва Николай Игнатьевлар қатнашдилар. Бу кенгашда Россия императорининг ўзи ҳам иштирок этади ва Г. Госфорднинг «Записка»си маъқулланади.

Шундай қилиб, Чу дарё ўлкасининг эгалланиши, агар кутимаган тўсиқларга дуч келинмаса ва жуда катта ҳаражат талаб қилинмаса, 1860 йилгача амалга ошиши керак, деб белгиланди.²

¹ ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, – Б. 89–92.

² ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, – Б. 101–103.

Совет тарихшунослигида 1856–1858 йиллардаги Кўқон–Россия муносабатида Россия томонининг айби билан ўзаро муносабат кескинлашганини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби, Россия ҳукумати томонидан Кўқон хонлигининг айрим шаҳар ва қалъаларини босиб олишни мўлжалланганлигидадир. Шунинг учун рус дипломатлари дўстлик ва тинч-тотув яшаш ҳақида сўзлашса ҳам, аслида ўзларини қўшни ўзбек мамлакатининг айрим ҳудудларини босиб олишга тўсқинлик қиласидиган бирорта мажбурият билан боғлаб қўйишни истамас эдилар.

Кўқон хонлигининг Россия қўшинлари томонидан секинаста босиб олиниш жараёнини ўзбекистонлик кўплаб тарихчи олимлар ўз тадқиқотларида ёритишиган.¹ Аммо Маллахон давридаги дипломатик алоқалар ҳақидаги тадқиқотлар жуда кам.

Кўқон хонлиги билан Россия ўртасида Маллахон давридаги ўзаро дипломатик алоқаларни тадқиқотчилардан Р. Н. Набиев, X. Зиёев, X. Н. Бобобеков, Ш. Каримов, Р. Шамсуддиновлар ўз илмий асарларида² кисқача ёритишиган. Уларнинг маълумотларига ва архив манбаларига қараганда, Кўқон хони Маллахон чегара можароларининг олдини олиш учун кўлидан келган барча ишни қиласиди. У ҳаттоқи кимда-ким рус чегарасини бузуб ўтиб, у ерда қароқчилик билан шуғулланса, ўлим жазосига тортилиши ҳақида фармон ҳам чиқаради.³

Р. Н. Набиев ва X. Н. Бобобековнинг монографияларида⁴ Маллахон даврида Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари ҳақида, жумладан, рус генераллари томонидан Кўқон хонли-

¹ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973; Бабабеков Х. Н. Народные движения... – Т., 1990.

² Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973.; X. Зиёев. Туркистанда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т., 1998; X. Н. Бобобеков. Кўқон тарихи. – Т., 1996; Ш. Каримов, Р. Шамсуддинов. Туркистан Русиё босқини даврида. -Андижон, 1995.

³ ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 22-иш, – Б. 354.

⁴ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973; Бабабеков Х. Н. Народные движения... – Т., 1990.

гига қарашли қалъа ва унинг атрофидаги худудларнинг қурол билан босиб олиниши, Маллахон Россияга ўз элчиларини жўнатишга ҳаракат қўлганлиги тўғрисида қисқа маълумотларни берадилар.

Х. Н. Бобобеков ўз монографиясида айрим рус генераллари адолатли дипломатияни поймол этиб, ўта шафқатсизларча иш қўлганликларини ёзди. Масалан, Густав Госфорд Сибир корпусининг кўмондони бўла туриб, 1860 йил 9 майда Иссик-кўлгача бўлган Кўкон отрядларини тор-мор этиш, агарда Мурот-Али ва Чонгорач бошлиқ қабилалар қўконликларнинг ёнини олса, бошқа қабилаларга ибрат бўлиши учун, уларни ҳам қириб ташлаш ҳакида барча отрядлар бошлиқларига йўриқнома берганлигини баён қилган.

Россия империяси ҳукумати ўзининг Кўкон хонлиги билан дипломатик муносабатларини кучлар нисбатига қараб ўрнатар эди. Масалан, 1862 йил 12 ноябрда Россия ҳарбий кўмондони «қўшини давлатларга хавф солган тақдирдагина, бу бизга қарши босқинчилик юриши, – деб Кўкон хонлигидаги жонсараклик вазиятидан фойдаланиб қолишимиз керак»², деб ёзган эди.

Юкоридаги қайд этилган тарихий тадқиқотларга кўра, Маллахоннинг Россия билан дўстона муносабатда бўлишга интилишига қарамасдан, Россия ҳукумати аста-секин Кўкон хонлиги худудларини босиб олишни давом эттирди. Шу сабабли тарихчиларимиз ўз асарларида Маллахон давридаги Кўкон–Россия дипломатик муносабатлари тарихини очиқ ойдин ёза олмадилар. Чунки бунда Россиянинг Кўкон хонлигини босиб олиш режаси, Кўконнинг дўстлик алоқаларини тиклаш учун қилинган саъи-ҳаракатларига қарши чиққанлиги ошкор бўлиб қолар эди. Бу эса собиқ совет мафкурасига тўғри келмас эди.

Кўкон хонлигини чор Россия қўшинлари томонидан босиб олиниши жараёнида Кўкон–Россия муносабатларида дипломатия ҳарбий юришлар, шафқатсиз жанглар билан боғланиб кетган. Россия томонидан Кўкон хонлигининг шимолий ҳуду-

ди, кейинчалик эса қолган қисми қандай босиб олинганилиги ҳақида ўзбекистонлик тарихчи олимларимиз томонидан кўп асарлар ёзилган. Масалан, бу жараённинг тарихшунослиги Г. Аҳмаджоновнинг¹ асарида батафсил ёритилган.

Юқорида айтилганидек, Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари 1867 йилдан бошлаб асосан Тошкентда ҳал қилинадиган бўлди. Ўрта Осиё хонликлари билан ўзаро битимларга имзо чекиш ваколати Туркистон генерал-губернатори К. П. фон-Кауфманга берилган эди. Шунинг учун ҳам хонликлар Россия билан эмас, балки Туркистон генерал-губернаторлиги билан шартнома тузиш маъқул эди. Бу эса дипломатик ва маънавий нуқтаи назардан қаралса, мустақил давлатларнинг ҳақ-хуқуқларини камситишдан бошқа нарса эмас эди.

Р. Н. Набиев бу жараённи ўзининг монографиясида қисқа баён этади. У тақдим этган маълумотларнинг қимматли томони шундаки, улар асосан XIX асрда ёзилган маҳаллий кўлёзма китоблар ва архив ҳужжатларига асосланган. Кўлёзмаларнинг муаллифлари ушбу жараёнларда бевосита қатнашган ёки замондошлари бўлган.

Р. Н. Набиев ўз асарида Маллахон чор Россия қўшинларидан ўз ҳудудларини химоя қилиш учун тайёргарлик кўриб, қўшин тузганлиги ва душманга қарши мардонавор жанг қилганлиги ҳақида баён этган. Муаллиф рус қўшинлари устидан қўқонликларнинг ғалаба қозонгандиги ҳақида қизиқарли ва қимматли маълумотлар келтирган. Собиқ совет истибоди даври-а бундай маълумотларни ёзиш жасорат эди, албатта. Эҳтимол шунинг учун ҳам Р. Н. Набиевнинг «Из истории Кокандского ханства» номли монографияси 1973 йили чоп этилган бўлса ҳам, 1985 йилга қадар сотувга чиқарилмади ва кутубхоналарга ҳам тарқатилмай, нашриёт омборхонасида чанг босиб ётди.

Совет даврида тарихчиларидан Р. Н. Набиев, Ҳ. Н. Бобоеков, Ҳ. Зиёев, Ғ. Аҳмаджонов ва бошқа муаллифларнинг

¹ Аҳмаджанов Г. Советская историография... Дисс. Д-ра ист. Наук. – Т., 1991.

тадқиқотларида Россия генераллари дипломатик муносабатларни поймол этиб, 1862 йил май ойида Кўқон хонлигига қарашли Оқсув, Пиштепа ва Чолдевор қалъаларини, 1863 йил май ойида эса Туркистон шахри томон кўшин суриб, 8 июня Чўлок кўргонини босиб олганликларини таъкидланган. Маълумки, полковник Верёвкин генерал Черняевдан ёрдам олиб, Туркистон шахрини 1864 йил 12 июня ида босиб олади.

Кўқон–Россия дипломатияси ҳақида сўз борганда шуни ҳам эсда тутиш лозимки, кўп ҳолларда чегарада турган генераллар Санкт–Петербургдаги раҳбарларининг кўрсатмалари ва дипломатия тамоилларини менсимасдан ўзбошимчалик қиласар эдилар. Бунга Тошкент шахрининг босиб олиниб, Россия расмий дипломатиясининг поймол қилиниши ёрқин мисол бўла олади.

Р. Н. Набиевнинг монографиясида 1865–1867 йилларда Худоёрхоннинг Россияга нисбатан тутган сиёсати баён этилган. Унга кўра хон Россия давлати билан урушмаслик, тинчлик муносабатларини ўрнатиш, унинг барча талабларини бажаришни лозим топган ва ҳатто хонлик таҳтига ўтиришда унга амалий ёрдам берган Бухоро амири Музаффарга империя кўшинларига қарши курашда ёрдам бермасликка қарор қилган¹. Муаллифнинг ёзишибча Худоёрхон Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман билан тузилган савдо битими ҳақида умумий фикр билдиради ва бу битим таҳминан 1867 йилда имзоланган деб фараз қиласиди², аммо шу муносабат билан кечган дипломатик алоқалар жарабёни ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган.

Ушбу битим ҳақида «Ўзбекистон ССР тарихи» номли китобда «Кауфман Кўқон хони Худоёр билан сулҳ тузиб, 1868 йилда Бухоро амирига қарши уруш ҳаракатларини давом эттириди» дейилган, холос. Нима ҳақида, кимлар томонидан ва қачон сулҳ тузилганлиги номаълум бўлиб қолган. «История

¹ Набиев Р. Н. Ўша асар. –Б. 70–71.

² Набиев Р. Н. Ўша асар. –Б. 71–72.

Коканда» номли китобда эса 1867 йил 14 ноябрда К. П. Кауфман ўз элчиларини А. В. Шауфус бошчилигига Худоёрхон номига ёзилган хат билан Кўқонга юборди. Унинг асосий мақсади Тошкент–Кўқон карvon йўлларини, хонликнинг ички кайфиятиини, унинг Россияга муносабатини аниқлаш, хонликдаги бойликларни ишлаб чиқариш масаласини ечиш ва рус савдогарларининг хонликда ва унинг шаҳарларида бемалол савдо қилишларини таъминлаш эди. 1869 йил 13 февральда Худоёрхон чор хукумати билан битимга имзо чекиши натижасида Россиядан товарларнинг келиши тезлашди, дейилган.¹

Бизнинг фикримизча китобда техник хатога йўл кўйилган, яъни «1868» нинг ўрнига «1869» деб чоп этилган. Чунки ушбу хужжат 1868 йили имзоланган².

Умуман олганда, тарихчилар собиқ совет даврида полковник Шауфус элчилиги ҳакида тўлиқ маълумот беришмаган. Чунки бу элчилик натижасида чор Россияси томонидан босиб олинган ерларнинг Туркистон генерал-губернаторлиги худудига «тегишли» эканлиги расмийлаштирилиши лозим эди. Буни эса тарихчиларимиз очиқ ёза олмас эдилар. Бундай очиқ ёзиш фақат Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мумкин бўлди.

Россия–Кўқон дипломатик муносабатлари чор Россияси босқинчилик сиёсати билан чамбарчас боғланиб кетганлиги сабабли, тарихчилар асосий эътиборни душманнинг босқинчилигига қаратган бўлсалар ҳам, 1989 йилгача бу ҳакда очиқ ойдин ёза олмадилар. «Чор Россияси Кўқон хонлигини босиб олди» деган ибора ўрнига «Россия Кўқон хонлигини кўшиб олди» иборасини ишлатишга мажбур бўлдилар. Шу сабабли Кўқон–Россия ўзаро дипломатик муносабатларини ҳам шу концепция асосида талкин қилишди.

¹ История Коканда. – Т., 1986. – С. 19–20.

² Бабабеков Х. Н. Народные движения... – С. 40.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, собиқ совет даврида 1842–1867 йиллардаги Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари ҳақида сўз борганда ўзбекистонлик тарихчилар элчиликлар ҳақида жуда қисқа маълумот беришган. Улар асосан Шералихон, Худоёрхон ва Маллахон давларидаги Кўқон–Россия дипломатик муносабатларини чукурроқ таҳлил қилишга ҳаракат қиласканлар. Аммо элчиликлар чукур, илмий равишда ўрганилмаган. Масалан, Шералихон даврида Россияга юборилган Ниёзмуҳаммад Неъмат элчилиги ҳақида фақат С. Соатов ўзининг асарида қисқа ахборот берган, холос. Шунинг учун биз архив хужжатларига асосланган ҳолда биринчи марта ушбу элчилик натижаларини батафсилоқ ёритишга ҳаракат қиласкан. Элчи муфти Абдулла мулла Ашуроннинг 1848 йилдаги Омскга ташрифи муваффакиятсизлик билан яқунланган бўлишига қарамай, сиёсий нуқтаи назардан, Кўқон хонининг тинчлик ва дўстлик учун ҳаракат қиласканлигини кўриш мумкин. Россия расмий маъмуриятининг эса бунга каршилиги ва шу сабабли тобора тажовузкор бўла борганлиги ошкор бўлади.

Собиқ совет даврининг охирги 30 йилида ўзбекистонлик тарихчиларнинг тадқиқотларида Кўқон хонлиги шимолий худудларининг босиб олиниши давридаги Россия дипломатиясининг моҳияти ошкора очиб берилмади. Чунки 1959 йили юқорида қайд этиб ўтилган Фанлар Академияларининг қўшма сессияларининг қарори бунга имкон бермади. Кўрилган асосий масала битта, яъни «Ўрта Осиёning Россияга қўшилишининг прогрессив аҳамияти» бўлиб кейинчалик «Россия–Ўрта Осиё муносабати» масаласига шу «қўшилиш» концепцияси бўйича ёндошила бошланди. Шу жумладан, Кўқон–Россия дипломатик муносабатларига тегишли у ёки бу даражадаги илмий тадқиқот ишлари, асар ва мақолаларда Россия элчиликларининг асосий мақсадларини ёритиш қийинлашди. Чунки бунинг заминида чор Россияси ташки сиёсатида юз берган тажовузкорлик, яъни хонлик ерларини босиб олишга қаратилган асл режаларни яширишга, ҳаспўшлашга мослаштирилган

совет мафкураси ётар эди. Шунинг учун ҳам рус генераллари Кўқон хонлигига, аниқроғи Оқмачитга ҳарбий юришга жадаллик билан тайёргарлик кўриб туришар эди.

Тадқиқотлар синчилаб ўрганиладиган бўлса, 1856–1863 йиллар мобайнида Кўқон–Россия муносабатларида Россия айби билан ўзаро муносабатлар кескинлашганлиги аниқ бўлади. Бунинг асосий сабаби–Россия ҳукумати томонидан Кўқон хонлигининг айрим шаҳар ва қалъаларини босиб олиши мўлжалланганидир. Аммо муаллифлар 1959 йилдан сўнг ушбу даврдаги Россия–Кўқон дипломатик муносабатларига тўғри баҳо бераолмаганлар.

Маллахон давридаги Кўқон–Россия дипломатик муносабатларини тарихчилар архив манбаларига асосланган ҳолда баҳолашга ҳаракат қилганлар. Уларнинг тадқиқотларига қарангда, Россия ҳукумати Кўқон хонлиги худудининг бир қисмини босиб олиш сиёсатини давом эттириб, Маллахоннинг Россия билан дўстона муносабатда бўлишга интилишига қарамасдан бир неча қалъаларини босиб олади.

Давр тарихшунослигига Кўқон хонлиги шимолий худудларининг жадал босиб олиниши жараённида Кўқон–Россия дипломатияси тарихини ўрганишда чор Россияси босқинчилик сиёсати билан чамбарчас боғланиб кетганлиги сабабли, асосий эътиборни империя босқинига қаратилган. Р. Н. Набиев, Ҳ. Зиёев, Ф. Аҳмаджонов, Ҳ. Н. Бобобеков, Ш. Каримов, Р. Шамсаддинов, Ҳ. Содиков ва бошқалар тадқиқ қилинаётган даврдаги Кўқон–Россия дипломатик муносабатлар тарихини тўғри ёритишган.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎҚОН–РОССИЯ ДИПЛОМАТИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Монографиянинг кириш қисмida айтилганидек, совет даврида Кўқон–Россия ўзаро дипломатик муносабатлари кам ўрганилишининг сабабларидан бири Россияда ва Ўзбекистоннинг ўзида ҳам сақланаётган кўплаб архив ҳужжатлар махфий ҳисобланиб, тадқиқотчиларга берилмаслиги, ёки берилса ҳам уларни очиқ матбуотда эълон қилиш такиқланганлиги эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг миллий тарихни объектив равишда ўрганиш ва ёритиш имконияти туғилди. Илгари махфий ҳисобланган архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва уларни чоп этишга рухсат берилди. Шу билан бирга маҳаллий муаллифларнинг ўтган асрларда ёзилган қўлёзма китобларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Шундай шароитда Ўзбекистон тарихи қайтадан кўриб чиқилиб, янги илмий тадқиқот ишлари бошлаб юборилди ва бунинг натижаси 1951–1990 йилларда Кўқон–Россия дипломатик муносабатларини ўрганиш бўйича эса 1991–2000 йилларда кўплаб изланишлар амалга оширилди.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛИШИ ЖАРАЁНИНИНГ КАЙТА БАҲОЛАНИШИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон тарихи бўйича нашр этилган бутунги тадқиқотларда 1810 йили Петербургдан Кўқонга келган элчининг Умархон томонидан қабул қилинганлиги, Кўқондан Петербургга элчилар юборилганлиги ҳақида маълумот берилган¹.

Х. Н. Бобобековнинг «Кўқон тарихи» номли монографиясида эса Олимхон даврида Россия билан биринчи марта савдо алоқалари ўрнатишга ҳаракат қилинганлиги ҳақида фикр берилган. Шунингдек, бу икки давлат орасида расмий равишда дипломатик муносабатлар ҳали ўрнатилмаган эди, деб тўғри ёзилган, аммо дипломатик алоқаларни ўрнатишга интилиш борасида бошқа ҳеч нарса дейилмаган. Ушбу алоқаларга бошқа тарихчилар ҳам етарли даражада эътибор бермаган.²

Ваҳоланки, Россия хукумати Кўқон хонлиги билан яхши алоқалар ўрнатишдан доим манфаатдор бўлган. Шунинг учун Кўқон хонлиги ҳақида маълумотлар тўплаб ўзининг расмий элчиларини юбориш учун астойдил ҳаракат қилиб келган. Бу ҳақда илмий аҳамиятга эга бўлган кўплаб архив хужжатлари мавжуд.

Кўқон хонлиги билан Россия ўртасида расмий равишда дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳаракати Олимхон давридан бошланган. Бу алоқаларнинг асосий мақсади–икки мустақил

¹ Мукминова Р. М., Бабабеков Х. Н. и др. История Узбекистана. Том 3. – Т., 1993. – С. 212.

² Бабабеков Х. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. Дисс... д-ра ист. наук, – Т., 1991, – С. 97.

давлат ўртасида карvon йўлларини очиб, савдо муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантириш бўлган.

Ушбу элчилик ҳақида собиқ совет даврида тадқиқот ишлари олиб борилган бўлсада, уларнинг тарихи пухта асосланмаган, зиддиятли маълумотлардан иборат эди. Мустақиллик йилларида чоп этилган асарларда эса қисқа, аммо аниқ маълумотлар берилган ва улар янги архив хужжатлари томонидан ҳам тасдиқланмоқда.

Раҳматулло девонбеги Кўшботир ўғли ва Шукур оталиқ Олтибосар оталиқ ўғлининг Россияга элчилик ташрифи ҳақида X. Н. Бобобековнинг «Кўқон тарихи» номли монографиясида Умархон хукмдорлик қилган даврда (1810–1822) Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш учун ҳаракат қилинлиги, шу мақсадда Санкт–Петербургга қўқонлик элчилар юборилганлиги, аммо хонликка қайтишда улардан бири касаллиқдан вафот этганлиги, иккинчиси эса Петропавловскда сургун қилинган солдат томонидан ўлдирилганлиги ҳақида жуда қисқа бўлса-да маълумот берилган. Аммо бу масалага чукур илмий баҳо берилмаган.

Россия элчиси Филипп Назаровнинг Кўқонга расмий ташрифи ҳақида маълумотлар X. Зиёев, X. Бобобеков, О. Шарафиддинов, Г. Михалёва ва бошқаларнинг тадқиқотларида учрайди.

X. Н. Бобобековнинг монографиясида 1813 йили генерал–лейтенант Г. И. Глазенапнинг топшириғига биноан Филипп Назаров Кўқонга келгани, хон билан учрашиб низо бартараф қилинганлиги ҳақида баён этилган.

X. Н. Бобобековнинг фикрларига кўра, дастлаб Умархон Россия императорининг хатидан қониқмайди ва Филипп Назаровнинг ватанига қайтишига руҳсат бермайди. Хон ўзининг ишончли вакилини фожиа содир бўлган ерга юбориб, элчиларнинг ўлими сабабларини аниқлатади. Россия хукуматининг бу фожиада айбдор эмаслигини аниқлагач, адолатни

тиклаш мақсадида Ф. Назаровнинг Россияга қайтишига рухсат беради¹.

Х. Н. Бобобеков Н. Халфиннинг рус элчиси Ф. Назаров хақидаги маълумотларига тўлиқ кўшилмайди. Масалан, Н. Халфиннинг Россия элчиси Филипп Назаровнинг Кўқонга ташрифи «сиёсий нуқтаи назардан жиддий самара бермади»² деган фикрларига қарши ўлароқ, Х.Н.Бобобеков бу элчилик катта сиёсий аҳамиятга эга эканлигини биринчи бўлиб айтган ва Ф. Назаровнинг маълумотларидан кенг ва унумли фойдаланган.

Бизнингча, муаллиф Ф. Назаров элчилигининг сиёсий аҳамиятга эга эканлиги тўғри баҳолаган. Чунки икки мустақил мамлакатлар муносабатлари ўртасидаги узилган дипломатик алоқалар тикланишининг ўзини улкан сиёсий аҳамиятга эга жараён деб биламиз.

Р. Г. Мукминова ва бошқа муаллифлар томонидан чоп этилган «Ўзбекистон тарихи»нинг учинчи жилдида Филипп Назаровнинг Кўқонга элчи бўлиб келганлиги ва мавжуд низомни бартараф этганлиги ҳақида кисқа маълумот берилган.³

Г. А. Михалёванинг монографиясида Филипп Назаровнинг Кўқонга ташрифининг асосий мақсади четлаб ўтилган. У ҳам, А. Шарафиддинов каби, Филипп Назаровни таржимон деб ёзади⁴ ва бу билан уни расмий элчи бўлиб келганлигини эътибордан четда колдиради.

Бизнинг фикримизча Г. А. Михалёва Ф. Назаровни таржимон деб, хатога йўл қўйган, чунки, у Россияда таржимонлик лавозимида хизмат қилган бўлса ҳам, Кўқонга Россиянинг расмий элчisi сифатида, икки мустақил давлатлар ўртасида пайдо бўлган низони бартараф этиш мақсадида ташриф

¹ Бобобеков Х. Н. Кўқон тарихи. – Т. – 1996, – Б. 27.

² Халфин Н. Россия и ханства Средней Азии. – М., 1974. – С. 226.

³ Мукминова Р. Г. и др. История Узбекистана. Книга 3. – Т., 1993. – С. 212.

⁴ Михалёва Г. А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века. Ремесло, торговля и пошлины. – Т., 1991. – С. 6.

буорган. Ф. Назаров Кўқонга таржимон сифатида эмас, элчи сифатида келган.

Г. А. Агзамованинг шаҳарлар тарихига оид тадқиқотида¹ Филипп Назаровнинг маълумотидан унумли фойдаланилган, аммо унинг элчилик фаолияти ҳақида фикр билдирилмаган.

Айтиш мумкинки, юқорида номлари қайд этилган тарихчиларнинг тадқиқотларида Филипп Назаровнинг Кўқонга ташрифи Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги муносабатларнинг тикланишига олиб келганлиги очиб берилган.

Муҳаммад Алихон даврида 1822 йили Россияга юборилган Соатбек Султонбеков бошчилигидаги кўқонлик элчилар фаолияти ҳам эътиборга лойиқдир. Юқорида кўрсатиб ўтилган «Ўзбекистон тарихи»нинг З-жилдида бу ҳақда айтиб ўтилган.

Х. Н. Бобобековнинг илмий изланишларида Тошкент ҳокимининг топшириғига биноан 1825 йили элчи Фарбий Сибир генерал-губернатори хузурига юборилганлиги ҳақида қисқа маълумот берилган.² Бу ҳақда Х. Зиёев ўзининг 1998 йили нашр этилган монографиясида тўлиқроқ ва қимматли маълумотлар берган. Унинг ёзишича, 1825 йили Тошкент қушбегиси Маҳмад Алихон номидан Соатбек Султонбеков элчи килиб Сибирга жўнатилган. У элчи орқали Сибир генерал-губернатори номига маҳсус хат ва совғалар бериб юборган.

Элчи Омскда қабул килинади. Хатда Рус давлатининг қозоқ ерларида ҳарбий қалъалар қураётганлигига ва айрим кўчманчиларни ўзига оғдириб олаётганлигига норозилик билдирилади. Бу вақтларда, юқорида қўрсатилганидек, рус ҳукумати Қарқарали ва Кўкчатов каби жойларда қозоқларни идора қилиб туриш учун бошқармалар ташкил этиб, кўчманчилар ерларининг ичкарисига тобора сукулиб кириб бормоқда эди. Қушбегининг хатида бу ҳақда шундай дейилган: «Қадим замонлардан бери Иртиш дарёсининг бу томонини биз, нариги

¹ Агзамова Г. Города и городская жизнь Узбекистана в XVI – первой половине XIX века: Дисс...д-ра ист. наук. – Т., 1990.

² Бабабеков Х. Н. Народные движения... дисс. – С. 98.

томонини Россия назорат қилар эди, лекин ҳозир биз олган маълумотларга қараганда, руслар Иртишдан бу ёққа ўтиб, бизнинг диндошларимиз ерида қурилишлар олиб бормокда, шу муносабат билан бизнинг хонимиз Сиз жаноб олийлариға ушбу хатни ёзишни ва бу қурилишларнинг сабабини сўрашни буюрдилар: Сиз буни ўз ихтиёргиз билан килаётсизми ёки олий ҳазрат буйргуга мувофиқ бажаряпсизми? Ўз хукмдоримга (Мадалихонга) батафсил ахборот бериш им учун мени шу тўғрида хабардор қилишингизни сўрайман...».¹

Бу хатда рус хукматининг кўчманчиларни қандай қилиб ўзига оғдираётганлиги ва бу ишнинг адолатдан эмаслиги уқтириб ўтилган: «...Ундан ташқари маълум қиламанки, руслар бизнинг давлатимизда савдо ишлари билан баъзан икки йиллаб қолиб кетади, лекин биз уларни динимизга киришга мажбур қилмаймиз. Шундай экан, сизлар нега бизнинг диндошлигинизни ўз фуқаролигингизни қабул этишга мажбурлайсиз? Олдингизга бирор кимса илтимос билан келса, фуқаролигингизга киришни шарт қилиб қўясиз, бирор кимса кўчиб боришга жой сўраса, яна шартни қўясиз. Шу сабабли сиздан бунинг сабабини менга маълум қилишингизни сўрайман, токи биз ҳам буларга қарши керакли чора кўрайлик».²

Ҳ. Зиёев ўз тадқиқотида элчи Соатбек Султонбековнинг сўзларини баён этади. Уларга қараганда, мустабид давлатининг кўчманчилар ерларидаги босқинчилик сиёсатига норозилик билдириб султонлардан Малай Кучков, Аблаев, Жарқинов Довулбой ва бошқа кишилар Тошкентга келиб, күшбегига чор қўшинлари қалъалар қураётганлиги, аҳолини бўйсундираётганликлари ва қозоқлардан солдатликка одам олаётганликлари ҳақида гапириб, ундан ёрдам сўрашган.³ Бинобарин, кўчманчиларнинг айрим султонлари Россия давлатининг то-

¹ Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш. – Т., – Б. 1998.

² Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 82–83.

³ Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 83.

белигидан бош тортиб, унинг маъмурияти сиёсатига қарши бош кўтартганлар.

Х. Зиёевнинг монографиясидан элчи ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш ва тўсиқларни бартараф этишга доир масалаларни ҳам муҳокамага қўйганлиги яққол кўриниб туради. У тақдим қилган хатлар ва талабларга жавобан Омск вилоят бошлиғи подполковник Броневский (Сибир генерал-губернаторининг топшириғига мувофиқ) Тошкент қушбегиси номига хат ёзиб, уни Соатбек Султонбековга топширади. Хатда у Сибир маҳаллий ҳокимияти номидан Кўқон хонлигининг қозоқлар ҳақидаги даъвосини нотўғрига чиқаришга ҳаракат қилган.

Чунончи, кўчманчилар масаласи бўйича шундай жавоб берилган: «Кўп асрлардан бери улуғ Россия империяси қирғиз-қозоқ халқларига ва Шимол дengизидан то Кора dengизгача бўлган катта-кичик қабилаларга ҳомийлик қилиб келади, лекин қозоқ чўли савдо божидан ташқари Кўқон ҳукмдорларига солик тўлаганлигини, унга бўйсунганини ҳеч ким билмайди ва бу ҳақда маълумот йўқ»¹.

Бу жавоб хатида қозоқлар мажбурий йўл билан эмас, балки ихтиёрий равишда Россиянинг тобелигига ўтганлиги, бу ҳақда Катта ва Кичик жузда, Иртиш дарёсидан то Кўқон чегарасигача бўлган ерларда яшайдиган қозоқларнинг ҳаммаси гувоҳлик бериши мумкинлиги айтилган². Унда қозоқларнинг ўзлари ёрдам сўраб мурожаат қилганларни туфайли чор ҳукумати томонидан уларнинг ерларидаги жанжаллар, урушларни бартараф этиш ва Ўрта Осиё савдо карvonларининг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшин юборилганлиги, Каркарали, Кўкчатов бошқармалар тизимининг ташки қилинганлиги баён этилган³.

Х.Зиёев ўзининг тадқиқотида юқорида қайд этилган вазиятларни эътиборга олиб, «рус ҳукумати ўзининг Қозогистон-

¹ Зиёев Х. Ўша асар. – Б. 83.

² Зиёев Х. Ўша асар. – Б. 83.

³ Зиёев Х. Ўша асар. – Б. 84.

даги босқинчилик сиёсатини оқлашга қанчалик уринмасин, барибир, Кўқон хонлигининг дъяносини бартараф қила олмади»,¹ деган хуросага келади.

Хуроса қилиб шуни айтиш мумкинки, Кўқон–Хитой муносабатлари кескин тус олган 1828–1831 йилларда Қашқар учун рақобат ва унинг оқибатида ўзаро урушларнинг келиб чиқиши натижасида Кўқон–Россия муносабатларини йўлга қўйишга вақт етмади.² Шунинг учун Россияга эътибор камайди ва элчилар юборилиши вақтингча тўхтатилди.

Ҳ. Содиков, Р. Шамсутдинов, П. Равшанов ва Қ. Усмоновлар томонидан чоп этилган «Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» номли китобда, Ҳ. Зиёевнинг фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда, Соатбек Султонбеков элчилиги ҳақида маълумотлар келтирилган.³ Умуман олганда, Соатбек Султонбековнинг элчилиги тафсилотлари мустакиллик йилларида батафсил ўрганилган. Яна юқорида қайд этилган мисоллардан кўриниб турибдики, ушбу ташриф ҳақидаги энг кўп маълумотни Ҳ. Зиёев ўз монографиясида ёритган ва бизнинг фикримизча, унинг тадқиқоти архив манбаларига асосланган ҳолда ёзилган ва шу сабабли хуросаларни тўғри деб ҳисобласа бўлади.

Шунингдек, Турсунхўжа ва Миркурбонлар элчилиги ҳақида Ҳ. Зиёев, Ҳ. Н. Бобобеков, Р. Г. Муқминова ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ва дарсликларда қайд этилган.

Жумладан, Ҳ. Н. Бобобеков ўзининг илмий тадқиқот доирасида Мухаммад Алихон 1828 йили Россияга элчиларини юборганлиги ва улар яхши қабул қилинганлиги ҳақида қисқа маълумот берган. Р. Г. Муқминова бошчилигидаги муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган «История Узбекистана» номли монографияда ҳам ушбу элчиликни рус императори яхши қабул қилганлиги қисқача баён этилган.⁴ Р. Г. Муқминова,

¹ Зиёев Ҳ. Ўша номда. – Б. 84.

² АВПР, фонд Главный архив, I-6, 1841–1844, оп. 5, д. 2, л. 41–42.

³ Туркистанда чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т., – 2000. – Б. 82–83.

⁴ Муқминова Р.Г. и др. История Узбекистана. – Т., 1993. – С. 213.

Н. Н. Ҳабибуллаев, Г. А. Аъзамова, Э. Э. Каримов ва А. А. Тожибоевлар томонидан ёзилиб, 7 синф ўқувчилари учун чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» дарслигига «Россияда Ўрта Осиё хонликлари элчиларининг қабул қилиниши» номли маҳсус бобда дипломатик муносабатларга эътибор беришган ва мисол тариқасида «1828 йилда (Санкт–Петербургга борган – В. И.) Қўқон элчиларига чўян заводини кўрсатишиди, улар биринчи кадет корпуси, цирк, кунст-камера ва госпиталга бордилар. Госпиталда элчилардан бирининг кўзини даволадилар»¹ дейилган. Аммо ушбу элчиларнинг мақсад ва натижалари дарсликда алоҳида ёритилмаган.

Ушбу элчилик ҳақида Ҳ. Зиёев ўзининг монографиясида 1828 йили Қўқон хони Муҳаммад Алихон Турсунхўжа ва Мирқурбон бошчилигига 14 кишидан иборат ўз элчиларини Россияга жўнатганлигини ёzádi. Хон ўзининг императорномига ёзган хатларида савдо алоқаларини ривожлантиришга қаратилган таклифлар билан бирга, хонликка бўйсундирилган Қарқарали округидаги Қарқарали, Кент, Ку, Идрей ва Қизилрей деган жойларда Россия хукумати томонидан қальалар қурилишини нотўғри деб топганлигини ва бундай қилмасликни таклиф этганлигини баён қилган².

Ҳ. Зиёевнинг монографиясида Маҳаммад Алихоннинг будаъвосига Россия вице-канцлери Нессельроденинг жавоб нотасининг матни берилган. Унда: «...Бизнинг давлатимиз Қўқон савдогарларини Каспий денгизи билан Хитой ерлари ўртасида кўчиб юрадиган қозоқлар томонидан химоя қилиш учун ғамхўрлик қилмоқда... У ерларда тартиб ва тинчлик ўрнатиш мақсадида улуғ подшохимиз кўрсатмаси билан жуда қатъий чоралар кўрилмоқда», дейилган. Муаллиф чор Россия хукуматининг кирдикорларини фош этувчи қимматли маълумотлар келтирган. Масалан, Қозоғистонда чор хукумати гўё ззгу ният билан ҳарбий қальалар бунёд этганлигига ишонти-

¹ Ўзбекистон тарихи. 7-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т., 1994. – Б. 213.

² Зиёев Ҳ. Ўша номдаги асар. – Б. 84.

ришга уринади. Омск вилоят бошқармасига тегишли ҳужжатларда ҳам Маҳаммад Алихоннинг Қарқарали округидаги қалъа қурилишига доир сўровига «тушунтириш» берилган. Бунда бу ерлик қозоқлар гўё ҳеч вақт Тошкентга бўйсунмаганлиги, аксинча, улар бир вакълар Тошкентга ҳужум қилиб турганлиги баён этилган. Бу ҳақда Кўқон элчисига айтилганда, у Маҳаммад Алихоннинг ўша қозоқлар Тошкентга бўйсундирилганлиги ҳақидаги сўзини эшитганлигини, бу нотўғри бўлса, Россия ҳукумати ёзма равишда маълум қилишини талаб этган.¹

Ушбу элчиликка оид манбалар Москва архивларида ҳам мавжуд. Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларда таъкидланишича, Турсунхўжа ва Мирқурбонларнинг элчилик ташрифи муваффақиятли бўлган ва Россия—Кўқон дипломатик муносабатлари қайта тикланган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Турсунхўжа ва Мирқурбонларнинг элчилигини ёритишида мустақиллик йиллари собиқ совет даврига нисбатан X. Зиёев, X. Н. Бобобеков, Р. Г. Муқминова ва бошқалар ўз объектив фикр мулоҳазаларини очиқ ойдин баён эта олганлар ва тарихий ҳақиқатни тўғри талқин этганлар. X. Зиёев ушбу элчилик ҳақида батафсилроқ ёзишга ҳаракат қилган. Уларнинг маълумотларини Россия Ташқи сиёsat архивида сақланаётган ҳужжатлар тўла тасдиqlамоқда.

Мустақиллик йилларида хорунжий Н. И. Потаниннинг Кўқонга келиши воқеасига маълум даражада эътибор берилди. Масалан, X. Н. Бобобеков ўзининг илмий тадқиқот доирасида ушбу ташриф ҳақида қисқа бўлса-да маълумот берган.

¹ Бабабеков X. Н. Народные движения... – С. 98. АВПР, фонд Главный архив, 1-6, 1828, д.1, л.л. 12, 197, 198, 333–336.

² Бобобеков X. Н. Народные движения в кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. – Т., 1991. – С. 98.

Афсуски, мустақиллик йилларидағи тадқиқотларда ҳам ўзбекистонлик тарихчилар, ушбу монография нинг биринчи бобида айтилганидек, фақат Потаниннинг Кўқонга ташрифини қайд қилиб ўтганлар, унинг маълумотларидан ўз тадқиқотларида фойдаланишган холос. Ушбу даврдаги тадқиқотларда Потанин ташрифига оид янги маълумотлар йўқ.

1831 йилги Кўқон хонлиги элчиларининг Россияга юборилиши ҳақидаги маълумотларни X. Н. Бобобеков ва X. Зиёев тадқиқотларида кўриш мумкин.

Масалан, X. Н. Бобобеков илмий тадқиқотида Кўқон хонининг элчиси 1831 йили Санкт-Петербургга юборилганлиги, аммо улар чегарадан нарига ўтказилмасдан Кўқонга қайтариб юборилганлиги ва бунинг сабаблари ҳақида маълумот берган. Унга кўра Тошкент қушбегиси Муҳаммад Алихонга Санкт-Петербургга элчи юборишни таклиф қиласди. Элчилар рус ҳукуматидан иккита тоғ муҳандис (геологлар)ини руда конлари ни текшириш учун, шунингдек, бир неча офицерни артиллерия қуролларини хитойликларга қарши урушда ишлатишга ёрдам бериш учун сўрашлари керак эди. Лекин элчиларининг Россия пойтахтига боришига ҳам имконият берилмади. Бунга Хитой ҳукумати билан ўртада адован келиб чиқмаслигининг олдини олиш баҳона қилиб кўрсатилди. Бундан ташқари, бу тартибларига қарши чиқсан Султон Саржон Қосимовнинг Тошкентта қочиб келиши ва Кўқон хонининг вориси этиб тайинланганлигини баҳона қилиб кўрсатдилар. Натижада Кўқон–Россия муносабатлари кескинлашди¹.

Р. Г. Мукминова раҳбарлигига чоп этилган монографияда² ҳам ушбу элчилик ҳақида жуда қисқа эслаб ўтилган. X. Зиёевнинг монографиясида эса масала батафсилроқ ёритилган. Унинг ёзишича «1831 йили Тобольска келган Кўқон элчиси Тошкент қушбегиси Саржон Қосимов билан биргаликда ҳараткат этаётганлиги учун орқасига қайтарилган эди»³, деб айтил-

¹ Бабабеков X. Н. Народные движения... – С. 98.

² История Узбекистана. Том 3. – Т. – 1993. – С. 213.

³ Зиёев X. Ўша асар. – Б. 89.

ган. Чунки 1831 йилга доир архив манбаларига кўра, Тошкент қушбегиси қозоқ султонларига Россиядан ажralиб, хонликка кўшилишга даъват этувчи варакаларни таркатган.¹

Ҳ. Зиёевнинг фикрича, Тошкент қушбегисида 40 минглик кўшин бўлмаган. У архив хужжатларига асосланиб, қушбеги аскарлари сонини 7000 киши² деб кўрсатади ва тарихий ҳақиқатни тиклашга ҳаракат қиласди. Дипломатик муносабат ҳақида фикр юритиб, у яна бир муҳим хужжатни мисол қилиб келтиради. Унда Рус давлати қўй остидаги юкори табака қозоклар вакилларининг Тошкентга ёрдам сўраб мурожаат килганиклари кўринади.³ Бу эса Кўқон–Россия дипломатик алоқаларига салбий таъсир этиши шубҳасиз эди.

Юқоридаги мисоллардан мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихшунослигида совет даврига нисбатан ушбу элчилик тафсилотларини аникроқ ва чуқурроқ ўргана бошланганилиги кўриниб туради. Тадқиқотлардан чор Россияси Ўрта Осиё хонликларини менсимаганлиги яна бир бор намоён бўлди.

XIX асрнинг 30-йилларида Кўқон–Россия элчилик муносабатлари ҳақида Ҳ. Н. Бобобеков ва Ҳ. Зиёевларнинг монографияларида кўпгина маълумотлар баён этилган. 1831 йили Кўқон хонининг элчиларини чегарадаги рус ҳарбий маъмурияти турли баҳоналар билан Санкт–Петербургга ўтказмасдан ватанларига қайтаришди. Бу эса икки давлат ўртасида муносабатларнинг кескинлашишига олиб келди. Ҳарбий тўқнашувлар ҳам бўлиб турди. Уларнинг маълумотларига ва мавжуд архив манбаларига қараганда, Тошкент қушбегиси Россия тасарруфидаги чегарадош қозоклар ичida ташвиқотлар олиб борган ва бунинг натижасида Султон Саржон Қосимов ўз элати билан Кўқон хонлиги тасарруфига ўтади. Даشت Қипчоқнинг шимолида Сарисув дарёси соҳилидаги қора Жар

¹ Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 84–85.

² Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 85.

³ Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 86.

мавзеида ва ундаги 120 чакирим нарида, дарёning қуи оқими тарафида, Тўртқулоқ мавзеида Тошкент қушбегисига қалъалар бино эттиради. Шу ердан у қозоқларга ташвиқот хатларини юбориб туради.

Шу муносабат билан, Сибир бошликлари 1832 йили Сарисув томонга ҳарбий старшина Симоновни казаклар отряди ва иккита артиллерия билан юборади. Оқибатда қаттиқ жанглар бўлиб, рус аскарлари иккала қалъани ҳам забт этиб, бузиб ташлайдилар. Аммо бу талафотга қарамай Тошкент қушбегиси 1834 йил баҳорида 6000 тошкентликни йиғиб, уларга Чор Россиясидан норози бўлган қозоқларни қўшиб олиб, Саржон Қосимов йўлбошчилигига Улуғтоқقا етиб келиб, аввалгидан ҳам мустаҳкамроқ қалъа куради ва теварак атрофда яшаётгандарга ўзининг ташвиқот варақаларини юборади¹.

1998 йили Ҳ.Зиёев томонидан нашр этилган «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» номли китобда бу воқеа батафсил ёритилган. Бу маълумотларга қарангда 1834 йилга келиб Кўқон хони Тошкент қушбегиси орқали Россия қарамогидаги қозоқлар ичida ташвиқотни кучайтирадилар ва Ҳ. Зиёевнинг ибораси билан айтганда, «Рус давлатига қарши курашга чорловчи салкам 200 варака қозоқ сultonлари ва бийларига тарқатилди. Айни бир пайтда, Тошкент қушбегиси Ғарбий Сибир генерал-губернатори номига ҳам хат жўнатди»². Аммо, ушбу хатта эътибор бермай, рус армияси Кўқон қалъаларига хужум қилиб ўз кучини намоён қилгандек бўлади. Сўнгра 1834 йил 30 июнда генерал Броневский Тошкент ҳокими номига дўқ қилиб хат юборади.³ Хатнинг охирида эса қушбегидан дўстлик ва савдо алоқаларини давом эттириш, ҳарбий қалъалар курмаслик ва қозоқларни Россияига қарши бош кўтаришга чакирмаслик сўралган. Акс ҳолда, қушбеги «Император олий ҳазратларининг нафратига учраб, бунинг оқибати ёмон бўлиши ва кейинги пушаймондан асло

¹ АВПР, фонд I-6, 1841–1844, оп. 5, д.2, л.45–45 об.

² Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 87.

³ Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 88.

фойда йўқлиги»⁴ айтилган. Бироқ, ҳеч қанча вақт ўтмай, 1834 йил 27–28 июнь кунлари Россия қўшинлари Кўқон хонлигига тегишли бир қалъага хужум қиласди³.

Х. Зиёев келтирган далиллардан кўриниб турибдики, 1835 йилда Кўқон–Россия муносабатлари озгина бўлса ҳам юмшаганга ўхшади. Аммо, унинг тўғри таъкидлаганидек, Фарбий Сибир генерал-губернатори эҳтиёт чораларини кўриш лозимлигини таъкидлаб Россия ҳукуматидан:

а) рус ҳукумати номидан Кўқонга элчи юбориб, хондан Қозогистондаги Чу дарёсидан нарига ўтмасликни, қозоқларни жосуслар орқали кўзғолонга ташвиқ қиласликни ва уларнинг ерларида қалъалар қурмасликни;

б) бу талаб қабул қилинмаган тақдирда, баҳорда Тошкентга ҳарбий экспедиция юбориб, қурол кучи билан Кўқон хони ва Тошкент қушбегисининг Қозогистондаги ҳаракатларини тўхтатишни;

в) Қозогистонни Тошкент хавфидан мудофаа қилиш учун Оқтов ва Улутовда кичик қалъалар қуриш ва буларнинг ҳар бирида 500 кишилик ҳарбий қисмлар саклаш² каби таклифларнинг амалга оширилишини сўрайди.

Муаллифнинг таъкидлашича, Россия императори генерал-губернаторнинг таклифларини куриб чиқиб, чора кўришда Кўқон хонлиги билан муносабатни кескинлаштирмасдан бир қарорга келишни Сибирь комитетига топширади. Сибир комитети генерал-губернатор таклифларини муҳокама этиб, Тошкент қушбегисининг келажакда хужум қилиши ҳақидаги хабарини бўрттирилган, деб топади. Шунинг учун Қозогистон округларидағи ҳарбий қисмларни кучайтириш билангина чекланиш кераклиги, янги ҳарбий қалъалар қуришга эҳтиёж йўқлиги уқтириб ўтилади. Тошкентга ҳарбий экспедиция юбориш таклифи ҳам қабул қилинмайди.

¹ Зиёев Х. Ўша асар. – Б. 89.

² ЦГИА России, ф. 1264, опись 1, ед.хр. 348, лл. 185–190.

Х. Зиёев юқоридаги барча вазиятларни эътиборга олган ҳолда Россия ҳукумати жуда эҳтиёткорлик ва усталик билан ўзбек хонликлари томон сукилиб кириш, хонлик уларнинг Қозогистон ҳамда Қирғизистонга таъсир доирасини қирқиши сиёсатини изчиллик билан амалга оширади. У бу ишни карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш, савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамда Қозогистонда тинчлик ва осоийишталик вазиятини юзага келтириш никоби остида олиб борди. Ўзбек хонлари бу ёвуз ниятларни яхши тушунсаларда, лекин ҳарбий кучнинг заифлиги туфайли Россия давлати тажовузларининг олдини ололмадилар¹, деган холосага келади.

Бизнинг фикримизча, Х. Зиёевнинг холосасига қўшимча яна Бухоро амири ва Кўқон ҳамда Хива хонларининг энг асосий хатоларидан бири – улар нафакат бирлашишмади, хатто-ки чет эл босқинчиларга қарши ўзаро ҳарбий битим ҳам туза олишмаганлигини айтиш лозим.

Архив маълумотларига қараганда, 1835 йил 9 ноябрь куни Кўқон хони номидан қоровулбеки Каттабек Фозилбеков Уст-Каменогорскга келган. У хон ҳеч қачон Россияга қарши чиқмаанлигини ва ўзининг савдо-сотиқни яхшилаш учун бу ерга юборилганлигини айтган. Каттабек Фозилбеков 12 ноября ватанига қайтиб кетади².

Бошқа бир архив хужжатида айтилишича, Каттабек Фозилбеков сохта элчи бўлиб борган эмиш. Унинг асосий мақсади кейинги йил ёзида чор қўшинларини қозок чўлларига юборилиши ҳақида маълумот тўплаш бўлган эмиш³.

Таҳлил қилинаётган тарихий адабиёт ва тадқиқотларда XIX аср 30-йилларида қўқонликларнинг Россия билан муносабатни яхшилаш учун харакат қилишига қарамай россиялик зобит ва дипломатлар аксинча иш тутган. Улар куролланиш, янги қалъалар қуриш, қўқонликларга қарши қўшинлар юбо-

¹ Зиёев Х. Ўша асар. – Б. 91.

² АВПР, фонд Главный архив, I-6, 1835–1836, д. 1, л. 2.

³ АВПР, там же, л. 14 об.

ришга интилгандар ва ўзларининг реакцион ниятларини на-
моён этганлар.

Ушбу даврдаги Кўқон–Россия муносабатларини совет дав-
ридаги тадқиқотчиларга нисбатан, Ҳ.Зиёев кенгроқ ёритган ва
унинг берган баҳолари архив хужжатлари билан тасдиқлан-
моқда. Аммо, фикримизча, 30-йиллар бошидаги Кўқон–Рос-
сия дипломатик муносабатларига доир янги манбалар қидири-
лишини давом эттироқ мақсадга мувофиқдир.

Ҳ. Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва хукмрон-
лигига қарши кураш» номли монографиясида 1836 йили Му-
ҳаммад Алихон Сибирга яна Соатбек Султонбеков бошлили-
гида 5 кишидан иборат элчи жўнатганлиги баён этилган. Тад-
қиқотда ёзилишича Кўқон элчилари Оқмулла, Петропавловск
орқали Омскка бориб Гарбий Сибир генерал-губернатори ва
Омск вилоят бошлиғига Тошкент беклар-бегининг бир хил
мазмундаги хатларини топширдилар. Бу хатларда савдо ало-
қаларига оид таклифлар билан бирга, Қозоғистон ҳақида ҳам
фикр юритилган. Тошкент қушбегиси бу масалага тўхталиб
Қозоғистонга қўшин тортиб боришини қозоқларниң илти-
мосларига кўра қылганлигини баён этган¹. Унинг кўрсатиши-
ча, қозоқларниң бир-бирини талаши каби ҳолларга барҳам
бериш учун Сарисувда икки қалъя қурилган. Аммо улар гене-
рал-губернатор фармонига мувофиқ бузиб ташланган. Қалъа-
ларнинг бирида 300 киши, иккинчисида эса 400 киши бўлган².

Тошкент қушбегиси Улутовдаги қалъанинг қурилиш са-
баблари ва унинг Россия қўшинлари томонидан қандай тор-
мор этилгани ҳақида тушунча берган.

Сибир маъмуриятининг Омскда Кўқон элчилари билан ўт-
казган музокаралари мазмуни Омск вилояти бошлиғининг
Тошкент қушбегиси номига ёзган хатида ўз аксини топган. Ҳ.
Зиёевнинг фикрича, хатда Тошкент қушбегисининг Қозоғис-
тондаги ҳаракати ҳамон маҳаллий ҳокимият вакиллари дикқат

¹ Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 91.

² Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 91–92.

марказида турганлиги айтилган. Күшбегининг бу борадаги тушунтиришлари ошкора рад этилмаган бўлса ҳам, унинг ҳаракатлари яна қайтарилган тақдирда, ёмон оқибатларга олиб келиши эслатиб ўтилган. Унинг дўстона алоқани давом эттириш ҳақидаги сўзлари қувватланиши билан бирга, рус императорининг осойишталикни бузувчиларни ёмон кўриши, уларга қарши жуда қаттиқ чоралар қўлланиши эслатиб ўтилган². Яна хатда Султон Саржон, унинг ўғли ва Кўқондаги рус асиirlарининг Россияга қайтарилиши дўстлик алоқаларини исботловчи далил бўлиши мумкинлиги айтилган.

Ҳ. Зиёевнинг фикр ва холосалари тўғрилигини бошқа архив манбалари ҳам тасдиқлайди. Масалан, Россиянинг Ташқи сиёсати архивидаги хужжатларга қараганда, Тошкент күшбегиси Омск генерал-губернатори номига хат ёзиб, ўзининг олдинги хатти-ҳаракатларини оқловчи далилларни айтиб, яна чегарадош рус бошликлари билан яқинлашиш, тинч-тотувликни тиклаш ва кирғиз (қозоқ)ларнинг даъволарини муҳокама қилиш мақсадида рус чиновникларини Тошкентга таклиф қиласди. Чунки бу вақтларга келиб, Тошкент күшбегиси ва Қосимовлар ўртасида зиддият чиқиб, Саржон акаси ва ўғли билан Тошкентда осиб ўлдирилади. Кенисар Қосимов эса Россия худудига қочиб ўтиб, у ерда қуролланган отряд тўплаб, ғалаёнлар ташкил қиласди. Натижада кирғиз(қозоқ)ларнинг катта қисми Чу дарёси орқасига, яъни Тошкент тасарруфидаги ерларга ўтишади¹.

Ушбу элчилик асосан икки чегарадош мустақил мамлакатлар ўртасидаги можароларни бартараф қилишга ва аввалги дўстлик алоқаларини тиклашга қаратилган эди. Ташаббус қўқонликлар тарафида бўлиб чегарадош чор маъмурияти эса бунга очиқ кўнгилдан қарамаётган эди. Буни Ҳ. Зиёев ўз монографиясида очиб берган. Соатбек Султонбековнинг Россияга 1836 йилдаги элчилик ташрифи ҳақида ўзбекистонлик та-

¹ АВПР, фонд Главный архив, I-6, 1841–1844, оп. 5, д. 2, л. 45 об. – 46.

² Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 92.

рихчи олимлардан асосан X. Зиёев илмий ўрганди ва унинг тадқиқоти бошқа тарихчиларнинг асарларига нисбатан мазмун жиҳатдан юксак савияда ёзилган, деб баҳолаш мумкин. Муаллиф фойдаланган Қозоғистон архив манбалари Россияда сақлананаётган архив манбалари билан ҳам тасдиқланмоқда.

X. Н. Бобобеков ўзининг илмий тадқиқотларида Муҳаммад Алихон Россия билан дўстона алоқани тиклаш зарурлигини тушунган ҳолда 1841 йили Санкт-Петербургга Муҳаммад Халил Соҳибзодани элчи этиб юборганилиги ва улар у ерда яхши қабул қилиниб, барча қўйилган масалаларига ижобий жавоб олинганлиги ҳақида қимматли маълумотлар берган.¹ Ушбу маълумот Р. Г. Мукминова раҳбарлигига чоп этилган «История Узбекистана»да ҳам қисқача қайд этилган.² Лекин X. Н. Бобобековнинг «Қўқон тарихи» номли монографиясида ушбу элчилик тафсилотлари бошқа нашрларга нисбатан анча кенг баён этилган. Муаллиф воқеани баён этиш билан бирга хон номидан Россия императорига ёзилган мактуб (ваколатнома)нинг тўлиқ матнини келтирган. Унда ёзилишича, Россия ва Қўқон ўртасида азалдан дўстона муносабат бўлганлиги, бир-бирларига элчилар юборилиб турилганлиги ҳақида баён этилиб, қандайdir сабабларга кўра бу муносабат узилиб қолганлиги ва буни тиклаш мақсадида хон ўзининг энг ишончли одами бўлмиш Нақиб Али Ашраф Эшон Мухаммад Хўжа Халил Сафронюлни элчи вазифасида юбораётганлиги баён этилади.³

X. Н. Бобобеков «Қўқон тарихи»да архив ҳужжатларга асосланган ҳолда Қўқон ҳукумати императордан Маккага ибодат қилиш учун борадиган фуқароларига Россия орқали боришга рұхсат беришни, Сибир йўлидан келадиган қўқонлик ва тошкентлик савдогарларга ҳомийлик қилишни ва Петро-

¹ Мукминова Р. Г., Бабабеков X. Н. и др. История Узбекистана. – Т. – 1993. – С. 213.

² Бабабеков X. Н. Народные движения... Док. дисс. – С. 99.

³ Бобобеков X. Н. Қўқон тарихи. – Т. 1996. – Б. 29–30.

павловскда савдогарлик қилаётган тошкентликлардан Кенжатойни ва кўёнлик иккита муллани тархонлик имтиёзи ва ёрлиқ билан мукофотлашни сўраган эди. Россия ҳукумати томонидан бу масалаларни ўрганиб, уларни имкон даражасида қондириш ваъда қилинди. Лекин Гарбий Сибир генерал-губернатори Г. Госфорднинг ёзишича, Россия ҳукумати «мехрибончилик қилиб эркалатган, Кўён элчиси Эшон Мухаммад Халил орқага қайтаётган ўша пайтда Кўёнда исёnlар, ўзаро (ички) урушлар, низолар юз берган. Шу сабабли у Семипалатинскгача келиб, ўз она Ватанига қайтиб бора олмай узоқ вақт Семипалатинскда яшаган. Исён ва нотинчилклар Кўёнда тўхтамади ва хон ҳукумати мустаҳкамланмади. Шундай қилиб, Эшон Халилнинг элчилиги натижасиз қолди».¹

Х. Н. Бобобековнинг бу маълумотлари тўғри эканлигини Россия архивида сакланаётган хужжатлар ҳам тасдиқламоқда.²

Юкоридаги мисоллардан мазкур элчилик ўз олдига қўйилган барча масалаларни ижобий ҳал қилганлиги кўриниб турибди. Санкт-Петербургда қўёнлик элчи жуда катта иззатикром билан қабул қилинди ва унинг барча илтимосларини Россия ҳукумати бажаришга ваъда берди.

Мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларда ҳам ушбу элчилик объектив тарзда, тўлиқ ўрганилиб унга тўғри баҳо берилди.

Султон Маҳмудхон давридаги элчилик ҳақида фикр юритишдан аввал, шуни таъкидлаш лозимки, айrim тарихчиларимиз умуман Султон Маҳмуд Кўён хони бўлганлигини шу кунга қадар инкор қилиб келишмоқда.

«Мухаммад Алихон Кўён тахтида 1842 йил баҳоригача ўтирди» деган хато фикрлар, айниқса совет давридаги тадқиқотларда кўп учрайди. «Мунтаҳаб ут-таворих» номли қўллёзма асарда Мухаммад Алихон ўзининг туғишиган укаси Султон

¹ Бобобеков Х. Н. Ўша асар. – Б. 29–31.

² АВПР, фонд Главный архив, I-6, 1841–1844, оп.5, д.2, лл. 16–19, 50–50 об.

Маҳмудхонга Тошкент ва Дашиби қипчоқ мулкини бергани ҳакида маълумотлар мавжуд¹. Далилларга мурожат қиласиз. Ҳ. Н. Бобобеков Муҳаммад Алихон 1841 йил 7 ноябрда ўз укаси фойдасига таҳтдан воз кечади деган ва бу фикрни иккита ишонарли архив ҳужжатлар билан асослаган. Аммо, Муҳаммад Алихон номига 1842 йил 13 февралдаги хатда Рус императори уни хон сифатида тан олган. Чунки Санкт-Петербургга Кўқон таҳтига Султон Маҳмуд ўтирганлиги ҳакида маълумот етиб борган йўқ эди. Муаллиф кўрсатилган манба “Мунтаҳаб ат-Таворих”да эса, айтганимиздек, Муҳаммад Алихон таҳтни укасига бергани қайд этилган. Бундан ташқари, бухороликларнинг иккинчи юришларидан олдин Мадалихон Жиззах ва Пешоғар қалъаларига ҳужум қилганини Муҳаммад Ҳакимхон алоҳида бобда баён қилган.

Ҳар ҳолда Бухоронинг Кўқонга қарши қилган иккала юриши ҳам босқинчиллик бўлиб, Россия тасарруфи олдида иккав давлатнинг келишмовчилиги, заифлиги ва узоқни кўра олмаслик сиёсатининг тимсоли эди. Аммо, Султон Маҳмудхон Тошкентнинг мустақил волийси сифатида таҳтга ўтириши ва Бухоро амиридек “Хомийси” дан озод бўлиши учун Россия мисолида ўзига итифоқчи қидириши табиий.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, совет даврида Султон Маҳмудхоннинг Россияга юборган элчилари ҳакида деярли ҳеч қандай тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Мустақиллик йиллари ушбу элчилик тарихини биринчи бўлиб Ҳ. Н. Бобобеков архив ҳужжатларга асосланган ҳолда «Кўқон тарихи» номли монографиясида батафсил ёритди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Кўқон–Россия ўзаро дипломатик муносабатлари тарихшунослигини ўрганиш ва ёритишга мустақиллик йилларида объектив ва ҳакконий равишда муваффақ бўлинди.

¹ ЎзФА ШИ, кўлёзма, инв. № 594, – Б. 401–402.

Мустақиллик йилларидағи тадқиқотларда Кўқон хонлиги-нинг мустамлака асоратига солиниш даври арафасигача бўлган қуидаги элчиликлар қайд этилган:

Кулмамат Мамадиёров (1805, 1810); Раҳматулло девонбеки Кўшботир ўғли ва Шукур оталиқ Олтибосар оталиқ ўғли (1811); Муҳаммад Юсуф карвонбоши (1813); Филипп Назаров (1813–1814); қўқонлик элчилар (1822, исмлари ҳозирча аниқланмаган); Фаният Хўжа Зулфиқоров ва Хонкелди Бобохонов (1824); Соатбек Султонбеков (1825, 1836); Каттабек Фозилбеков (1827, 1835); Турсунхўжа ва Мирқурбонлар (1828); Н. И. Потанин (1829–1830); Ҳожи Мирқурбон судур Муҳаммад Қосим ўғли (1831); рус элчиси (1834, исми ҳозирча аниқланмаган, генерал Броневскийнинг хатини олиб борган); Накиб Али Апраф Эшон Муҳаммад Хўжа Халил Сафронюл (1841); Султон Маҳмудхоннинг элчиси (1841, исми ҳозирча аниқланмаган).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши муносабати билан Ватанимиз тарихини холисона ўрганиш ва асл тарихий манбалар ёзилган китобларни чоп этиш имконияти яратилди. Шу туфайли совет даврига нисбатан мустақиллик йилларида олимларимиз Кўқон–Россия ўзаро дипломатик муносабатларини тўлиқроқ ва объектив ёритишга ҳаракат қилдилар. Илмий муомалага янги ҳужжатлар киритилди. Бу борада ўзларининг янгича фикр ва хulosалари билан, айниқса Ҳ. Зиёев билан Ҳ. Н. Бобобековлар авваллари ишлатилмаган ёки кам ишлатилган архив ҳужжатларни, жумладан, илгари маҳфий ҳисобланган янги манбаларни кашф этилди.

Мустақиллик йилларида совет даврида ўрганилмаган элчиликлар тарихи ҳам таҳлил қилинди. Шулар жумласидан Муҳаммад Юсуф карвонбоши (1813); қўқонлик элчилар (1822), исмлари ҳозирча аниқланмаган); Фаният Хўжа Зулфиқоров ва Хонкелди Бобохонов (1824); рус элчиси (1834, исми ҳозирча аниқланмаган, генерал Броневскийнинг хатини олиб борган); Султон Маҳмудхоннинг элчиси (1841, исми ҳозирча аниқланмаган) кабиларни кўрсатиш мумкин.

ТУРКИСТОН, ЧИМКЕНТ, ТОШКЕНТНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ ВА ҚЎҚОН–РОССИЯ МУНОСАБАТЛАРИ МАСАЛАЛАРИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Юқорида айтилганидек, мустакиллик туфайли Ўзбекистон тарихини, шу жумладан Қўқон хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломати муносабатлари, айниқса чор Россияси истилоси тарихи ҳақида оқилона ва ҳаққоний ёзиш имконияти туғилди. Ҳақиқатан ҳам 1991 йилдан шу кунга қадар ўзбекистонлик тарихчилар Қўқон хонлиги шимолий худудларининг чор Россияси томонидан босиб олиниши даври арафасида ва жараёнида рус дипломатиясининг асл мақсадлари ошкор бўлишига оид кўплаб маълумотлар тўпладилар ва улар асосида асарлар яратдилар. Ушбу тадқиқотларда Россия ва Қўқон элчилари ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд.

1994 йили 7-сinf учун чоп этилган «Ўзбекистон тарихи» дарслигининг «Россия—Қўқон муносабатларининг кескинлашиши» номли бобида Қўқон элчиси Муфти Абдулла Ашуроффининг Омскга ташрифи ҳақида куйидаги жумлалар ёзилган: «1847 йилда муфти Абдулла Мулла Ашуроффининг Николай I га йўллаган мактубини олиб келди. Мактубда хонликда жамоат тартиби тикланганлиги, савдо йўллари кўриклианаётгани ва савдогарлар ўз моллари учун ташвиш тортмасликлари билдирилган эди. Унда турли хил мулоҳазалар ичida Раим истеҳкоми пайдо бўлишига қарши норозилик ҳам билдирилган эди. Элчининг ўзи ҳам шу масала юзасидан бир неча бор шикоят қилган эди.

Подшонинг Худоёрхонга йўллаган жавобида Қўқонда «кўнгилдагидек тартиб» ўрнатилганидан мамнунийт изхор этилганди. Бу жавобни тайёрлаган ташқи ишлар вазирлиги хонлик хукуқлари асло бузилмаганлигини исботлашга ҳар-

акат қиласарди. Қалъа Россия худудида (Россия даштларида) тикланган ва «у ердаги тартибсизликларга барҳам бериш, тинчлик ҳамда осойишталик ўрнатиш ва бу билан карвонлар қатнови хавфсизлигини таъминлаши»¹ га¹ мўлжалланган эди.

Бироқ, бундай «дўстона» ишонтиришлар ўз аҳамиятини тобора йўқотиб борарди. Қўқон билан Россия манфаатлари тобора кўпроқ тўқнашиб турарди. Бу тўқнашувлар Қўқон хонлигидан шимолда жойлашган худудларда айниқса кескинлашди»².

Афсуски, Қўқон хонлиги тарихи бўйича маҳсус тадқиқот ишларини олиб борган тарихчилар ўз асарларида муфти Абдулла мулла Ашуроннинг Омскга ташрифи ҳақида хеч нарса ёзмаганлар. Шу боис сабиқ совет даврида ушбу элчилик ҳақидаги маълумот С. Соатовнинг ўқув кўлланмасига киритилганлигини, мустакиллик йилларда эса Р. Г. Мукминова раҳбарлигига ёзилган «Ўзбекистон тарихи» дарслигига киритилганлигини ижобий ҳол деб баҳоласа бўлади.

Юлдашбой Мирзажонов элчилиги тарихи ҳам мустакиллик йиллари кисқа ёритилган. Масалан, Ҳ. Н. Бобобеков ўзининг илмий тақиқотларида 1853 йили Мирзажонов раҳбарлигига Қўқондан Россияга юборилган элчилик натижасиз тугағанлиги, бунинг асосий сабаб ва оқибатларини кисқа баён этган. «Қўқон тарихи» номли монографиясида эса бу ҳақда батафсилроқ ёзган. Муаллифнинг ёзишича, Мирзажонов ўша вактгача карвонбоши бўлган ва бир неча бор Россияга қатнаган. Қўқон элчиси сифатида Омскга 1853 йил 17 июнда етиб келган. У императорга ёрлиқ ва совғалар, шу билан бирга Худоёрхоннинг Россия билан дўстлик муносабатларини сақлаш, қипчоқларнинг тор-мор этилиши, хонлиқда тинчлик ва осойишталик сақланиб келинаётганлиги ҳақида оғзаки баёнотини етказади.

¹ АВПР, фонд Главный архив, I-6, 1847, д. 1, л.л.7–9.

² Ўзбекистон тарихи. 7-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т., 1994, – Б. 167–168.

Илмий тадқиқотларда ёзилишича, қўқонлик элчи хонликдаги ички вазиятни батафсил баён этган. Элчининг сўзларига кўра, қипчоқлар хонликни ўзбошимчалик, зўравонлик билан бошқарганлар ва факат бир неча ой олдин хон уларнинг ҳукмронлигидан озод бўлгач, ўзининг бошқарувидаги тартибсизликлар иш тухтатиб, уларга қатъий барҳам бериш фикрида бўлган¹.

Дарҳақиқат, чор маъмуриятининг хатти-ҳаракати ҳам қипчоқларнинг қирғинини тезлатиш сабабларидан бири бўлган. Ибратнинг «Фарғона тарихи»га Ҳ. Н. Бобобеков «Тарихимизда қонли излар» номли сўзбоши ёзиб унда Россия вакили В. В. Вельяминов-Зернов махфий равишда собиқ мингбоши Мусулмонқул билан учрашганлиги, унинг ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлганлигидан хабар топган ўзбек ва қирғиз феодаллари ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида, илгарироқ ҳаракат қилиб, қипчоқлардан кутулмоқчи бўлганликлари ва улар Худоёрхонни кўндириб, қипчоқлар қирғинини бошлаб юборганлиги ҳақида маълумотлар ёзилган. В. В. Вельяминов-Зернов билан Мусулмонқулнинг махфий учрашуви ҳақидаги маълумотни биринчи бўлиб Ҳ. Н. Бобобеков эълон қилди². Шундай қилиб, Россия маъмуриятининг Кўқон хонлигининг ички ишларига норасмий равишда аралашуви 20 мингга яқин қипчоқларнинг ўлимига сабаблардан бири бўлди.

«Ўзбекистон тарихи» номли 7—синф дарслигига ҳам ушбу элчилик ҳақида кисқа маълумот берилган³.

Мазкур монографиямизнинг биринчи бобида айтилганидек, Кўқон элчиси Россияга борганда, Россия генераллари Оқмачит қалъасини босиб олиш учун тайёргарлик кўришаётган эди. Кўқонлик элчилар уларнинг бу режаларини бузиб кўйиши мумкин эди. Шунинг учун элчиларни ватанларига қайтариб юбориш улар учун қулай ва зарур эди.

¹ Бобобеков Ҳ. Н. Кўқон тарихи. – Т., 1996. – Б. 60.

² Мерос. – Т., 1992. – Б. 271.

³ Ўзбекистон тарихи. 7-синф учун дарслик. – Т., 1994. – Б. 169.

1994 ва 1996 йилларда 8-синф ўқувчилари учун напр этилган «Ўзбекистон тарихи» дарслигига генерал Перовский-нинг қўшини дипломатияни ҳам, дўстлик алоқаларини ҳам поймол қилиб, 1853 йили шиддат билан Кўқон хонлигининг стратегик қалъаси бўлган Оқмачитнга ҳарбий юриш қилганилиги баён этилган. Дарсликда ёзилишича, у қалъани 1852 йилдаёқ олмоқчи булган, аммо мағлубияттага учраб, орқага қайтган. Бу сафар эса у қасос алами ва қўшимча куч билан қалъани қамал этиб жангларни бошлаб юборганилиги, Оқмачит қалъаси учун бўлган жанг оғир ва шиддатли ўтганлиги таъкидланган. Дарсликда баён этилишича қалъа химоячилари 20 кун мобайнида уни қаҳрамонона ҳимоя қилдилар. Босқинчилар 17 тўп ва 2500 га яқин кишилик жанговар отрядлари билан тинимсиз хужум қилиб турдилар. Замонавий армиянинг ҳужумини пилта милтиқ, қилич ва бошқа оддий қуроллар билан қуролланган ватанпарварлардан иборат 400 ҳимоячи қалъани салкам бир ой мудофаа қилганлар. Шунингдек Оқмачит олинган кун, яъни 28 июлда фақат 74 мудофаачи асир олинганлиги, уларнинг жуда кўпчилиги оғир ярадор бўлиб, қурол ушлашга мадори қолмаганлиги дарсликда айтилган. Қолган ватанпарварлар ҳалок бўлган эди. Шу билан бирга дарсликда босқинчилар қалъага асосий зарбани артиллерия билан берганлиги ва уни вайрон қилиб ташлаганлигини, замонавий қурол-яроғ туфайли руслар кам талафот кўрганлиги ва шу туфайли улардан фақат 19 киши ўлиб, 66 солдат ва зобит ярадор бўлганлиги ҳакида маълумот берилган¹.

Х. Зиёев ҳам уз тадқикотларида XIX аср 50—йиллардаги Кўқон-Россия муносабатларига алоҳида эътибор берган. Масалан, унинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» номли монографиясидаги кайд килинган генерал Перовскийнинг Тошкент қушбегисига юборган хатидан

¹ Ўзбекистон тарихи. 8-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б. 44.

² Зиёев Х. Ўша аср. – Б. 104.

1853 йилдаги рус дипломатиясининг асл моҳиятини кўриш мумкин.²

Х. Зиёев ўзининг юқорида айтилган асарида Россиянинг зўравонликка асосланган дипломатияси орқали Кўқон хонлигининг ҳудудларининг бир қисмини босиб олиб, «Сирдарё линияси»ни таъсис этганигини ҳам баён этган.¹

Тошкент күшбегиси вазиятни яхшилаш мақсадида 1851 йили савдо йўлида қароқчилар борлиги ва уларни ушлаб муносиб жазо беришни, ўғирланган мато ва буюмларни эгаларига қайтариб беришларини талаб қилганлиги ҳакида Омск генерал-губернатори ҳузурига ўзининг элчилари орқали хат юборган эди.

Аммо бу талаблар қондирилганлиги ҳакида хозирча расмий ҳужжат топилгани йўқ. Фикримизча, Россия маъмурияти жавобсиз қолдирган, чунки чор ҳукумати Кўқон қалъаларига ҳужум қилишни режалаштираётган эдилар ва ўз қарамогидаги қозоқ ва қирғизларни қўқонликларга қарши қайраб туришдан манфаатдор эди. Ҳакиқатда ҳам, рус қўшини зобитлари Кўқон хонлигининг қалъалари, шаҳар ва ўлкаларини босиб олишда қирғиз ва қозоқ йигитларидан амалда жуда ҳам усталик билан фойдаланишди.

Ўрта Осиё хонликларига ҳарбий-сиёсий тазиқ ўтказиш ана шу воситалардан бири эди. В. А. Перовский бу тазиикни ўюштириш билан бевосита шуғулланди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, мустақиллик йилларда Юлдошбой Мирзажонов бошчилигидаги Россияга юборилмоқчи бўлган элчилик муваффакиятсиз тугаганилиги маълум даражада ёритилди. Биринчи бобда айтилганидек, бунинг асосий сабаби рус генералларининг Оқмачитга ҳарбий юришга жадаллик билан тайёрғалик кўраётганлиги эди. Бу сафар ҳам қўқонликлар маънавий жихатдан россияликлар устидан юқори турганликларини яна бир бор намоён

¹ Зиёев Х. Ўша асар. – Б. 106.

килдилар. Ўзбекистонлик тарихчилар ушбу элчилик ҳақида ҳозирча маҳсус тадқиқот олиб боришгани йўқ.

Кўйкон хонлиги тарихи билан шуғулланган тарихчилари-мизнинг тадқиқотларида Жағатой Тўлагановнинг элчилиги ҳақида маълумотларни умуман топа олмадик. Ваҳоланки, бу элчилик ҳақида айрим хужжатлар Ўзбекистон Давлат марказий архивида сақланмоқда. Ушбу маълумотларга қараганда, 1856 йил 8 август куни Туркистон бегининг элчиси Жағатой Тўлаганов рус маъмурияти номига ва Сирдарё қирғиз (қозок) бошлиқлари Тоип Ямғурчим, Қулбой Бекмирза ва бошқалар номига ёзилган хатлар билан форт Перовскийга келади. Унга ҳамроҳ бўлиб битта хизматкор ва бир неча қўйконлик қирғиз (қозок)лар ҳамда 1855 йил июнь ойида қароқчилик билан асирга тушган руслар тасарруфидаги қирғиз (қозок)лар ҳам бор эди. Руслар номига ёзилган хатда иккала томонда тинчлик ўрнатиш, савдо алоқаларини тикилаш ва мустаҳкамлаш ҳамда қароқчиликка йўл қўймаслик илтимос қилинган. Мисол тариқасида хатда Россия тасарруфидаги қирғиз (қозок)лар қўйконлик савдогар Боймуҳаммад Толиббоевни талаб ўлдиргандилари ёзилган эди.

Ўша вақтда форт Перовскийда бўлган муҳандис генерал-майор Бюрно келган элчи ва унинг қўйконлик ҳамроҳларини жосусликда гумон қилиб (аникроғи баҳона қилиб – В. И.) хибсга олишга буйруқ беради. Генерал-губернатор Бюрнога қўйконлик асиrlарни ватанларига юбориш ҳақида оғзаки кўрсатма беради. Аммо у яна баҳона топиб, уларни қўйиб юбормайди. Русларнинг бу элчиларни қўйконликлар томонида бўлган асиrlар билан алмаштириш ниятлари ҳам бўлган. Бу ҳақда генерал-майор барон Фитенгоф 1856 йил 28 январь куни 167-рақамли расмий рухсатнома ҳам олади. Аммо бўлим бошлиғи Ситниковнинг 1857 йил август ойида ёзилган маълумтономасида қайд этилишича, қўйконлик элчилар озод этилмаган ва алмаштирилмаган¹.

¹ ЎзР МДА, И-715-фонд, 1-рўйхат, 18-иш, – Б. 261–263.

1857 йил ноябрь ойида ёзилган расмий хужжатлардан маълум бўладики, қўқонлик асиrlар август ойининг иккинчи ярмида озод қилиниб, ватанларига қўйиб юборилган².

Ушбу элчилик ҳақида бошқа маълумот йўқ. Лекин шунга қарамай, мавжуд манбалардан кўриниб турибдики, Қўқон хонлари ва уларнинг ишончли мансабдорлари Россия билан тинчлик ўрнатишга ва қонли тўқнашувларнинг олдини олишга интилгандар. Аммо уларнинг зобитлари эса, иложи борича, ҳаттоти император хукуматининг сиёсатига зид бўлса ҳам, қўқонликлар билан дўстликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эмаслиги, Қўқон–Россия муносабатини юмшатишга йўл бермаганлиги яққол кўринади.

Совет даврида ушбу элчилик ҳақида маълумот бўлмаганлиги ёки қўқонлик элчиларнинг асирга олиниши совет мафкурасига тўғри келмаслигини эътиборга олиб тадқиқот ишлари олиб борилмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун янги манбаларни қидириб тадқиқот ишларининг давом эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

1856–1863 йиллардаги Қўқон–Россия дипломатик муносабатлари ҳақида маълумотлар X. Н. Бобобековнинг ва X. Зиёевнинг монографияларида ҳамда бошқа тадқиқотчиларнинг ишларida қисқа эслаб ўтилган.

Собиқ совет даврида ва мустакиллик йилларида ёзилган асарларда бир хил архив хужжатларидан фойдаланилган. Шунинг учун биз ушбу бўлимда мисолларни қайтариб ўтирма-дик.

Х. Н. Бобобеков, Х. Зиёев, Ш. Каримов, Р. Шамсутдинов, Х. Содиков, П. Равшанов, Қ. Усмоновларнинг мустакиллик йилларда олиб борган илмий тадқиқотларида Қўқон–Россия муносабатлари кескинлашганлигини, рус қўшинларининг хонликнинг айrim худудларини босиб олганлиги ва Маллахон Россияга ўз элчиларини жўнатишга ҳаракат қилганлиги ҳақида қисқа маълумот берганлар. Муаллифларнинг ўз асар-

² ЎзР МДА, И–715-фонд, 1-рўйхат, 18-иш, – Б. 458–459.

ларида асосий манбалардан унумли фойдаланганликлари сезилиб туради¹.

Ҳ. Н. Бобобековнинг «Тарихимиздаги қонли излар» номли мақоласида Маллахон чор Россиясининг ҳарбий кучини яхши билганидан, масъулият ҳисси билан, ўз фуқароларига Россия чегараларини бузишни қатъий манъ этганлигини ва бунга риоя қилмаганларни ҳатто ўлимга маҳкум этилишини эълон қилганлигини, Россия билан дўстона муносабатларни имкон борича тиклашга интилганлигини, аммо рус қўшинлари Кўқон хонлигининг айрим қалъаларини босиб олиши ва уларни бузиб вайронага айлантирганлиги ҳақида қимматли маълумотлар ёзилган.¹ Ушбу маълумотлар архив хужжатлари билан тасдиқланмоқда.

Россия зўравонлик дипломатиясидаги тазийқ сиёсатининг борган сари кучая боришини Ҳ. Зиёев ўзининг асарида куйидагича баён этган: «Рус ҳукумати Кўқон ва Бухоро хонликлари ўртасидаги душманлик ва урушларни ҳисобга олиб, уларни ўзаро муносабатини янада кескинлаштиришга харакат қилган. Мұхаммад Тошкандийнинг кўрсатишича, Бухорога Петербургдан элчи келиб, Насруллохоннинг Кўқон билан урушдаги ютуғини табриклаган ва ҳукумат ёрлигини топширган. Унда, жумладан, шундай ёзилган: «Агар Насруллохонга маъқул тушса, Перовский фортидаги аскарларимизнинг қипчоқ, қозоқ ва бошқа ўзбошимчаларни тинчтиб, Кўқондаги таҳт учун курашларни бартараф қилишлари зарурдир. Шундан кейин Туркистон ва Тошкент билан Сирдарё бўйигача бўлган ерлар, Жиззахдан боплаб Ўратепа, Хўжанд, Кўқон, Марғилон, Андижон ва Қашғар чегарасигача чўзилган ерлар

¹ Бабабеков Ҳ. Н. Народные движения... Док. дисс. – С. 100–101; Кўқон тарихи, – Б. 34; Зиёев Ҳ. Туркистанда Россия тажовузи... – Б. 109–111; Содиков Ҳ. ва б. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб. – Б. 59; Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Руссиё боскини даврида. Андижон, 1995; Содиков Ҳ., Шамсуддинов Р., Равшанов П., Усмонов Қ. Туркистанда чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т., 2000.

¹ Мерос. – Т., 1991. – Б. 271–272.

Сиз ҳазрати олийларнинг қўлида бўлиб, ҳукмронлик қилишингизни истаймиз».

Бу таклифдан ниҳоятда мамнун ва шод бўлган Бухоро амири рус элчиларига розилигини изхор этган. Шундан кейин, – деб ёзди муааррих, – рус ҳукумати рус ҳарбий бошликларига Туркистон шаҳрини босиб олишни буюрган.»¹ Бу ерда, бизнингча бир оз чалкашлик борга ўхшайди. Чунки Туркистонни Россия қўшиллари 1864 йили босиб олган. Амир Насрулло эса 1861 йили вафот этган. Демак, Бухоро амири Насруллонинг розилигини Туркистон шаҳрини босиб олиниши билан боғлаб бўлмайди. 1861–1864 йиллар оралиғида кўплаб воқеалар содир бўлган.

Мустақиллик йилларида Ҳ. Зиёев ва Ҳ. Н. Бобобековлар ушбу даврдаги Россия–Қўқон муносабатларини архив манбаларга асосланган ҳолда тўғри баҳолашган. Уларнинг тадқиқотлари қараганда, Россия ҳукумати Қўқон хонлиги худудинг бир қисмини босиб олиш сиёсатини давом эттириб, Маллахоннинг Россия билан дўстона муносабатда бўлишига интилишига қарамасдан, бир неча қалъаларини босиб олади. Умуман олганда Маллахон давридаги Қўқон–Россия дипломатик муносабатлари масаласи мустақиллик йилларидағи тадқиқотлар собиқ шўролар даврида яратилган асарлардаги хулосалар деярли бир хилдир. Чунки муаллифлар архив ҳужжатлардан тўғри ва объектив фойдаланиб ўзларининг холисона хулосаларини баён эта олганлар.

¹ Зиёев Ҳ. Ўша асар. 117–118 б.6.; Тарихи жадидаи Тошканд, – Б. 442.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ БИЛАН ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРЛИГИ ТАЪСИС ЭТИЛИШИ АРАФАСИДА СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ АДАБИЁТЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

Монографиямизнинг биринчи бобида қайд этилганидек, Қўқон хонлигининг Россия қўшинлари томонидан босиб олиниши жараёнидаги Қўқон–Россия дипломатик муносабатлари ҳарбий юришлар, шафқатсиз жанглар билан чамбарчас боғланниб кетган. Мустақиллик йилларда бу масалага катта эътибор берилган.

Х. Н. Бобобековнинг «Тарихимиздаги қонли излар» номли мақоласида рус қумондонлиги Қўқон хонлигидаги ички оғир вазиятдан фойдаланиб, 1864 йилда Туркистон ва Чимкентни, 1865 йили эса генерал Черняев қўмондонлигига Тошкент остоналарига яқинлашиб келиб, Ниёзбекни ва Тошкентни босиб олганлиги ҳақида маълумотлар ёзилган¹.

Чор Россияси ўзининг дипломатиясини шундай ташкил қилдики, улар Қўқон хонлиги шаҳар, қалъя ва ҳудудини жанглар билан босиб олишни фақат ғалаба деб кўрсатар эди. Мағлубиятлар ҳақида расмий хужжатларда деярли хеч нарса ёзилмас эди. Шунинг учун ҳам рус тилида ёзилган манбаларда бундай маълумотлар камдан кам учрайди. Чор қўшинларининг мағлубияти ҳақида айрим маълумотлар маҳаллий қўлёзма китобларида бўлган, бироқ бундай мисолларни собиқ совет даврида ишлатиш ман этиларди.

¹ Бобобеков Х. Н. Тарихимиздаги қонли излар (Тўплам). – Т., Мерос, 1991, – Б. 271–272.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тарихчи олимларимиз маҳаллий кўлёзма китоблардан бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Шунинг учун бу йиллардаги Кўқон-Россия муносабатларига оид тадқиқотларда кўлёзма китоблардан ҳам фойдаланилганлиги яқол кўзга ташланади. Бунга мисол тариқасида X. Н. Бобобековнинг «Кўқон тарихи», X. Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш», X. Содиков, Р. Шамсутдинов, П. Равшанов ва К. Усмоновлар томонидан тузилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб» ларни кўрсатиш мумкин.

Юқорида номланган тадқиқотларга қараганда, 1862 йил май ойида чор Россия кўшинлари Оқсув, Пиштепа ва Чолдевор қалъаларини босиб олади. 1863 йил май ойида эса Туркистон шаҳри томон қўшин йўлга чиқиб, 8 июнда эса Чўлоқ кўргонини босиб олди.

Асарларда чор Россияси генераллари ўз стратегияларини амалга ошириш учун, турли дипломатик баҳоналар ўйлаб чиқишар эди. Айрим ҳолларда эса ҳеч қандай сабаб ва баҳонасиз Кўқон хонлигининг қалъа ва шаҳарларини босиб олганликлари, кўқонликларнинг уларга қарши мардонавор жанг килганлиги, лекин замонавий қуроллар билан таъминланган рус қўшинлари кучли бўлганлиги сабабли кўқонликларнинг мағлубиятга учраши ҳақида батафсил ёритилган.

8-синф ўқувчилари учун 1994, 1996 йилларда нашр этилган «Ўзбекистон тарихи» дарслигига чор Россияси қўшинлари томонидан Туркистон ва Чимкентни босиб олиниши ҳақида архив манбалар ва шоир Камина томонидан ёзилган кўлёзма китобдан фойдаланган ҳолда кенг маълумотлар берилган. Шоир Камина ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни қаттиқ изтироб билан баён этган, яъни «урушнинг даҳшати, босқинчиларнинг шафқатсизлигидан ҳар бир чимкентлик қиёматгача айтар дод»¹, каби парчалар дарсликка киритилган. Бундай ми-

¹ Ўзбекистон тарихи. 8-синф ўқувчилари учун дарслик. – Т., 1996. – Б. 58.

соллар совет даврида чоп этилган бирорта дарсликда учрамайди.

Х. Зиёев ўз асарида шу пайтгача ёритилмаган воқеалар, жумладан, 1864 йил 14 июлда қўқонликларнинг душман кўшини устидан катта ғалаба қозонган жанг ва ундан кейин Северцов бошчилигига юборилган элчилик ҳақида маълумотлар берган. Унинг ёзишича ватан ҳимоячиларининг ғалабасидан сўнг душман томонидан Алимқул (Алиқули) хузурига Северцов элчи бўлиб келган ва Алимқул ундан Авлиёта ва Туркистоннинг Кўқон хонлигига қайтарилишини талаб килган. Яна муаллиф ушбу элчи ҳақида бирмунча тўлароқ маълумот Аваз Мухаммад Аттор Хўқандий асарида мавжудлигини баён этади.¹

Х. Зиёев ўзининг китобида Мухаммад Солих Тошкандийнинг ушбу элчилик ҳақидаги маълумотидан парча келтирган.² Муаллиф ўша асарга асосланиб Алимқул тошкентлик Юнусхон шигавулга сардорлар, қабила бошлиқлари ва бошқа нуфузли кишиларни тўплашни буюрганлиги, ундан кейин рус элчиси билан тинчлик сулҳини тузиш масаласи бўйича мухокама ўтказганлиги ва бир гурӯҳ кишилар сулҳ тузишни ёқлаганликлари, бошқалари эса, яъни тошкентликлар уни кўзбўя-мачилик ва алдаш учун қилинаётганлигини айтиб, чор аскарларининг орқага дарҳол қайтишларини талаб этишни сўраганликларини баён этган. Дарҳакиқат, бу фикрни иккала томондан кувватлаганлиги ва элчилар Туркистонга қайтганларини ёзади.³

Юқоридаги маълумотлар «Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» номли асарда ҳам Мулло Юнусжон Муншийнинг «Амири лашкар Алимқул тарихи» номли китобдаги мисолларга асосланган ҳолда келтирилган.

¹ Зиёев Х. Ўша асар. – Б. 135.

² Зиёев Х. Ўша асар. – Б. 134.

³ Зиёев Х. Ўша асар. – Б. 134.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, совет даврида маҳаллий муаллифларнинг кўлёзма асарларидан фойдаланилмаганлиги сабабли тарихий воқеалар бир томонлама ёритилиб, маҳаллий ватанпарварлар босқинчилар кўшинлари олдидага кўркоқ ва ожиз қилиб тасвирланар эди. Мустақиллик даврида тарихий кўлёзмалардан ҳам фойдалана бошланганлиги катта тарихий ва маънавий аҳамиятга эгадир. Шунинг учун Кўкон–Россия дипломатик муносабатларини тадқиқот этишда шундай тарихий ёзма ёдгорликлардан кенг фойдаланиш замон талабидир.

Маълумки, 1864 йил сентябрь ойининг бошларида энг даҳшатли жанглардан бири Чимкент остоналарида бошланиб кетди. Туркистон томонидан қилинган ҳужумга генерал Черняевнинг ўзи, Авлиёота томонидан қилинган ҳужумга эса подполковник Лерхе бошчилик қилди. Шаҳар узоқ вақт аёвсиз тўпга тутилди. Чимкент вайронага айлантирилгач, босқинчилар ҳужумга ўтдилар. Аёвсиз қирғинлар билан Чимкент шаҳри 22 сентябрь куни душман кўшинлари томонидан забт этилди. Энди навбат Тошкентга келган эди.

Тошкентнинг босиб олиниши ҳақида 1994, 1996 йилларда 8-синф ўқувчилари учун нашр этилган «Ўзбекистон тарихи» дарслигига маҳсус боб ажратилиб воқеалар батафсил ёритилган. Бунда мухолиф генераллар дипломатияни оёқости қилиб ўзбошимчалик билан Тошкентни жанг билан забт этганлигини баён қилиш билан бирга генерал Черняевнинг соҳта аҳднома тузганлиги ҳам ишонарли тасвирланган¹.

Тошкентнинг Россия кўшинлари томонидан босиб олиниши ҳақида тадқиқотлар кўп. Масалан, Туркистон, Чимкент ва Тошкентнинг Чор Россия кўшинлари томонидан босиб олиниши ҳақида батафсилроқ маълумотлар Ҳ. Н. Бобобеков, Ш. Каримов ва Р. Шамсутдинов, Ҳ. Зиёев, Ҳ. Содиков, П. Равшанов ва Қ. Усмоновлар томонидан ёзилган ва юқорида номлари ай-

¹ Ўзбекистон тарихи. – Т., 1994. – Б. 47–52; 1996. – Б. 59–65.

тилган монографияларда ҳамда бошқа китоб, мақолаларда ёритилган.

Кўқон–Россия дипломатияси ҳақида сўз борганда шуни ҳам эсда тутиш лозимки, кўп ҳолларда чегарада турган генераллар Санкт–Петербургдаги раҳбарларининг кўрсатмалари ва дипломатияни менсимасдан ўзбилармонча иш қиласарди. Бунга Тошкент шаҳрининг босиб олиниши Россия расмий дипломатиясининг таназзулига ёрқин мисол бўла олади.

Масалан, «Тошкент энциклопедияси»да чоп этилган «Тошкентнинг босиб олиниши (1865)» номли мақолада Тошкент шаҳрини рус генерали Черняев қўмондонлигидаги чор қўшинлари томонидан босиб олиниши батафсил ёритилган. Ушбу мақолада Россия хукуматининг Тошкентни босиб олишга расман рухсат бермаганлигига карамай, 1864 йил 27 сентябрда генерал Черняев бошчилигидаги рус қўшинлари Тошкентни эгаллаш учун Чимкентдан йўлга чиққанлиги ва шаҳарни қамал қилиб тўплардан ўқса тутганлиги ёзилган. Ушбу мақолада Тошкент қамали ҳақида Кўқонга хабар берилгач, Кўқон хонлигининг лашкарбошиси Мулло Алимқул мингбоши тезда кўп минг кишилик қўшин тўплаб Тошкентга етиб келганлиги ва Черняев қўшинларини Чимкентга чекинишга мажбур қилганлиги ҳақида сўз боради.

Ушбу мақолада 1865 йил 27 апрелда генерал Черняев яна Тошкент томон йўлга чиқиб Чирчиқ дарёси ёнида Ниёзбек қатъасини жанг билан эгаллаганлиги, сўнгра 7 майда Тошкентга яқинлашиб келиши, бу ерга Кўқондан Мулло Аликули қўшини билан етиб келиши ва босқинчилар билан жанглар бошланганлиги ҳамда жангда Алимқул шахсан ўзи катта мардлик ва жасоратлар кўрсатганлиги ишонарли қилиб баён этилган.

9 май куни эрталаб Шўртепада Тошкент ҳимоячилари душманга қарши ҳужумни бошлаб юборадилар. Жанг даҳшатли тус олиб, ҳар икки тарафдан кўплаб курбонлар ва ярадорлар бўлган. Шулар қатори Мулло Алимқул оғир ярадор

бўлиб Тошкентда вафот этади ва 1865 йил 10 майда Шайҳонтоҳур қабристонига дағн этилади. Мақоланинг давомида ёзилишича, сардорсиз қолган ҳимоячилар ўртасида парокандалик ва вахима бошланади. Генерал Черняев фурсатни бой бермаслик учун Тошкентни қамал қилиб, Бухоро амирининг бетараф бўлишини истаб, мугомбирлик билан дипломатияни ишлатиб, унга хат йўллайди. Унда Черняев ўзини амирга хайриҳоҳ қилиб кўрсатади, агар зарур бўлса унга ёрдам беришга тайёр эканлигини айтиб, Кўқон тахтига Худоёрхонни ўтқазишни таклиф қиласди. Бу хатни олган Бухоро амири Тошкентни босқинчилардан ҳимоя қилиш учун ёрдам беришга журъат этмайди ва Худоёрхонни Кўқон тахтига ўтқазишга кўмаклашишга ҳаракат қиласди. Черняев Тошкентни яккалаб қўйишга эришади¹.

Ш. Юсупов «Худоёрхон ва Фурқат» номли тарихий-бадиий рисоласида «1865 йил июн ойи бошларида Алимқули Тошкентни рус босқинчиларидан ҳимоя қилиш чоғида ўз ҳамюрлари томонидан хоинона ўлдирилиб, тез орада шаҳар душманга таслим бўлади, хонлик қўлидан абадий кетади. Бу ҳол Бухоро амирлиги билан Кўқон хонлиги ўртасида узоқ вақтлардан бери давом этаётган низо ва душманлик кайфиятларини янада аланглатиб юборди. Фурсатдан фойдаланган амир Музаффар Алимқулидек қудратли ҳимоячисидан ажраб тахти лиқиллаб қолган Султон Саидхон билан Бухорода пайт пойлаб ётган Худоёрхоннинг ўринларини алмаштириш ниятини осонгина амалга оширади. Худоёрхонни олиб келиб Кўқон тахтига ўтқазади. Султон Саидхонни эса Худоёрхон ўрнига Бухорога жўнатади. Бу воқеа Тошкент руслар томонидан босиб олингач, орадан бир неча ҳафта ўтар – ўтмас амалга оширилди»², деб таъкидлайди. Бу билан Ш. Юсупов генерал Черняевнинг Бухоро амирига Худоёрхонни тахтга ўтқазишни таклиф қилинганлигини рад этади.

¹ Тошкент. Энциклопедия. – Т., 1992, – Б. 321–322.

² Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Т., 1995. – Б. 9.

Бизнинг фикримизча Тошкент энциклопедиясида воқеа тўғри баён этилган. Алимқулни ҳам «ўз ҳамюртлари томонидан хоинона ўлдирилган» эмас, душман томонидан тўпдан отилган ўқ парчаси уни оғир ярадор этади ва ҳалок килади.

«Тошкент» энциклопедиясидаги мақолада 1865 йил 6 июндан 7 июнга ўтар кечаси Черняев Тошкентга ҳужум қилишга бир неча марта уриниб кўрганлиги, шаҳарда ваҳима кучайиб, бундан фойдаланган генерал Черняев аскарлари 14 июнда шаҳарга бостириб кирганлиги айтилган. Мақолада ҳужум тонг саҳарда Кўқон дарвозаси ёнида тўплардан ўқ отиб бошланиши ва айни вақтда душманинг асосий кучлари Камолон дарвозасидан кириб борганлиги баён этилган. Мақоланинг охирида 17 июнда эрталаб тошкентликлар душман ҳужумига бардош бера олмай, таслим бўлганлиги баён этилиб, подшо Россияси қўшинлари Тошкент шаҳрини босиб олиб, шаҳарда ва унинг атрофида рус давлати ҳукмронлигини ўрнатганлиги, лекин генерал Черняев подшо ҳукуматининг рухсатисиз ўзбошимчалик билан Тошкентга юриш бошлаганлиги туфайли унинг ўзбошимчалиги оқ подшо аъёнларининг нафсониятига тегиб норозилик туғдирганлиги қайд этилади.

Тошкентнинг қўққисдан босиб олиниши ҳалқаро матбуотда шовқин-сурон кўтарилишига ва рус ҳукуматига нисбатан Европада норозиликнинг кучайишига олиб келади. Бу айниқса Россия – Англия дипломатиясига салбий таъсир этади. Шу сабабдан генерал Черняев ўз босқинчилигини оқлаш мақсадида гўё Тошкент ихтиёрий равишда Россия қўшинларига бўйсунганлиги ҳақида шаҳар аъёнлари номидан қалбаки ҳужжат уюштиради. Бу «хужжат»да тошкентликлар шаҳар мудофааси учун бўлған қаттиқ жанглар ва берилган курбонларни тамоман инкор этиб, «ихтиёрий» равишда Черняев аскарларига бўйсунганликларини тан олишлари лозим эди, дейилади мақолада¹.

¹ Тошкент. Энциклопедия. – Т. – 1992. – Б. 322–323.

«Турон тарихи» мажмуасида чоп этилган «Тарихнинг аччиқ ҳақиқатлари» номли мақолада Камолон дарвазасини очиб беришда босқинчи генерал Черняев хизматида бўлган қирғиз Шабдон Жонгоев ўз йигитлари билан уларга ёрдам берганлиги баён этилган.¹

Ш. Каримов ва Р. Шамсутдиновларнинг «Туркистон Русиё босқини даврида» номли китобида ушбу хат Черняев томонидан қалбаки тузилганлиги ва унга дипломатияни ишлатиб, имзо қўйдирмокчи бўлганини таъкидлаб, тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига асосланган ҳолда қуидаги матн келтирилган: «Неча замонлар ва йиллардан бери Тошкентда Фарғона хонлари ҳукмронлик қилиб, фуқароларга кўп жабр-зулм ўтказган.

Улар закот, хирожларини шариат асосида олмасдан, ортиқча олганлар ва ҳеч қачон марҳамат қилмаганлар, қадимги урф-одат, таомилдан воз кечиб кўп йиллар мансаб учун катта кишиларни ўлдириб, фитначи ва иғвогарлар сўзига амал қилганлар. Ўртада ноҳақ қонлар тўқилиб, улар шариатга ва уламолар сўзларига амал қилишдан бош тортдилар. Фарғона ва Туркистон заминида кўп вақтлар ва кўпинча қипчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлири ҳукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун ихтиёrimiz ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб келиб, уларга шаҳарни топширидик».²

Муаллифлар ушбу қалбаки хатга тошкентлик ватанпарварларнинг билдирган эътирозидан генерал Черняевнинг газабланганлиги ҳақида ҳам маълумот берганлар.

Ушбу қалбаки аҳдномани тузиш жараёнини X. Зиёев ўзининг монографиясида Ш. Каримов ва Р. Шамсутдинов каби матнни келтирган ва ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдири-

¹ Турон тарихи. – Т., 1993. – Б. 14–17.

² Каримов Ш. ва Шамсутдинов Р. Туркистон русиё босқини даврида. Андижон: 1995. – Б. 22.

ган. Бу маълумотларни Ҳ. Зиёев ҳам воқеанинг жонли гувоҳи Мұхаммад Солиҳ Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» номли қўллэзма китобига асосланган ҳолда баён этган. Буларга кўра, аҳднома беш нусхада тузилиб, бири генерал Черняевга топширилган, қолган тўрттаси Шайхонтахур, Бешефоч, Кўкча ва Себзор даҳалари вакилларига топширилган. Аҳднома нусхаларига шаҳарнинг атоқли кишиларининг муҳрлари босилиб, имзо чекилган. Шунингдек, генерал Черняев ҳам ўз имзосини қўйди. Шу аснода Мұхаммад Солиҳ доддоҳ Черняевнинг имзоси муҳрсиз қўйилганлигига эътиборни жалб қилиб: «Муҳр босилмаган аҳднома ҳақиқий ҳисобланмайди», – деган. Аммо генерал Черняев муҳрсиз имзо чекиш Россияда расм бўлиб, қонуний ҳисобланишини айтган. Мұхаммад Солиҳ Тошкандий ўрнидан туриб ўтган замонларда ҳам васиқалар ва аҳдномалар муҳрсиз имзо чекилганлигини маълум қилган. Шундан кейин Мұхаммад Солиҳ доддоҳ индамай адаши Мұхаммад Солиҳ Тошкандийни ўз хузурига чакириб: «Бу аҳдномани бошдан-оёқ ўқиб беринг», – деган. У буни эшитгандан кейин: «Аҳдномани сен диққат билан ўқиб хотирангизда сақлангким, биз дунёдан ўтгандан кейин, балким, сизларга керак бўлиб қолиши мумкин», – деб гапирган.¹

Ҳ. Зиёев асарида аҳдноманинг мазмунини келтиради: «Оқ подшо ва унинг вакили генерал Искандар (Александр – Ҳ. З.) Черняевнинг фармони бўйича Тошкент аҳолисига шуни маълум қиласизки, ... Тошкентдаги барча бой ва камбағал табакалар юқорида шарҳланганларни сўзсиз бажаришлари шартдир. Шаҳардаги уйлар, боғлар, яйловлар, сув тегирмонлари ўз эгалари ихтиёрида қолдирилади.

Рус солдатлари аҳолидан ҳеч нарса олмайдилар. Туб аҳолидан аскарлик хизматига кишилар олинмайди. Ҳарбий кишилар бирорта хонадонга қўйилмайди. Оқ подшоҳ бизга катта ғамхўрлик кўрсатди, шунинг учун биз унинг соғлигини худодан сўраб дуо қилишимиз керак.

¹ Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 179–180.

Агар бирор кимса бир кишини ўлдирса ёки савдогарлар молини таласа, у вақтда айбдорлар рус қонунлари асосида жавобгарликка тортилади. Агар бир одам ўзини ўзи ўлдирса, у вақтда унинг мол-мулки меросхўрига берилади ва ҳеч нарса олинмайди.

Мен, губернатор Искандар Черняев, сизларни бу йилги соликлардан озод қиласман, кейингиси Буюк Оқ подшохимиз хоҳишлари бўйича белгиланади. Ўйлайманки, сизларга бундан ҳам зиёд ғамхўрлик қилинади»¹.

Бу ерда воқеанинг иштирокчиси Абу Убайдуллоҳ Тошкандининг маълумотларини солиштириш учун келтирамиз. Тошкентга “Русия қўшини киришидан олдин, ҳижрий 1281 йили зу-л-ҳижжа ойининг 27-сида (милодий 1865 йили 23 май) Тошкент катталари машваратга жам бўлиб, Бухоро тобелигига кирмоқчи бўлдилар. Аммо улар яна икки гурухга бўлиниб кетдилар. Бир тоифа тарафдорлари Маллахоннинг ўғлини (Султон Саидхон) хонлик тахтига кўтарадилар. Аммо иккинчи гурух бошлиғи Мулло Солихбек русларга хат юбориб, уларга шаҳар дарвозаларини очиб беришга ваъда берадилар. Кўқон лашкари чиқиб кетганидан сўнг Русия билан сулҳ тузилди. Алқисса, шаҳарнинг ҳамма аҳолиси тил биритириб иттифоқ туздилар. Мулло Солихбек ҳам бу маънога тан берди. Вилоятнинг катталари ва оқсоқоллари уруснинг улуғларидан бўлмиш женерал деган ҳузурига бирлашиб бордилар. Улар сулҳ эшикларини очиб, мазкур шартларни муҳокама қилдилар. Ҳаммаси қабул бўлди ва женерал ўз тилидан ёзма битим ёзиб берди. Урусиyanинг ҳамма катталари ўша аҳдномага қўл қўйиб имзо чекдилар. Раислар бу мактубни шаҳарга олиб бориб, катта йўлларда аҳоли ва фуқарога ўқиб бердилар.

Биринчи шарт мулки (урусия) ҳеч қачон мусулмонларнинг дини ва шариат ишларига дахл қилиб, тааруз қилмайди ва шариатга зарар етказиб, уни оёқости қиласдан ишни ҳам

¹ Зиёев X. Ўша асар. – Б. 179–181.

қилмайди. Мусулмонларни ўз ҳолларига қолдиришлари керак.

- Мусулмонлар уйларига ижоатсиз ва рухсатсиз уруслар ҳамда саллотлар киришлари мумкин эмас
- Ҳеч қачон ҳоҳ бир йил, ҳоҳ йигирма йил ҳоҳ юз йил ўтмасин мусулмонлардан саллот (аскар) олмасин
- Ващқалари бор, сотиб олган ёки оталаридан мерос қолган мусулмон ерларидан ва шунга ўхшаган ерлардан хирож ва таноб (пули)дан ташқари талаб қилмасин ва шаҳардан узоқда жойлашган ва ҳали олди-сотди жараёнига кирмаган ерлардан фақат умр олиб, ундан зиёдасини талаб қилмасин
- Бозордан тарозу ва миршаблар учун, қўй бозоридан, тутя, от ва мол ва шунга ўхшаганлардан олдинги Кўқон хукумати золимларга оладиган ва закотдан ташқари нарса талаб қилмасин ва бир фулус (ортиқча) олмасин
- Нимаики Мұхаммад (с.а.в) шариати шарифлари фуқароси зиммасига қўймаган бўлса уни мусулмонлардан талаб қилмасин¹.

Х. Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш» номли монографиясида ёзилишича, Тошкентнинг Россия томонидан забт этилганлиги «жаҳонда, айниқса, Англия ва Туркияда норозилик ҳамда шов-шув кўтарилишига олиб келди»². Бу вазиятни юмшатиш мақсадида генерал Черняев Тошкентни ихтиёрий равишда унинг қўшинлирига бўйсунгандай қилиб кўрсатиш учун шаҳар катталарини тўплаб, аҳоли номидан юқоридаги хатни тайёрлашни буюрган экан. Ушбу хатга қўшилмаган бир гуруҳ ватанпарварларни генерал Черняевнинг буйруғига биноан ҳибсга олиб қамашди. Сўнгра генерал Черняев аҳдномани Абусаид ва Ходихўжа исмли савдогарларга бериб, Санкт-Петербургга подшога олиб боришни буюради. Бу аҳдномани ўз босқинчилигини яшириш ва жаҳон матбуотида Тошкентнинг Россия томонидан босиб

¹ Қар.: Вохидов Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 176–177.

² Зиёев X. Ўша асар. – Б. 183.

олинганлиги ҳақида хабарларни бартараф қилиш мақсадида чет эл мамлакатларига тарқатади. Чунончи, Туркиядаги Россия элчихонаси аҳднома нусхаларини кўпайтириб Истамбул кўчалари, бозорлари ва дўконларига ёпиштириб қўяди¹.

Шундай қилиб, генерал Черняев Тошкентни босиб олгандан сўнг аҳдномани, яъни сулҳ шартлари ва ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатувчи қалбаки ҳужжатни тузишга эришади.

«Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» номли китобда ҳам ушбу хатлар X. Зиёвнинг асосланган ҳолда тўлиқ кўчириб, мисол тариқасида келтирилган.

Кўқон хонлигининг шимолий ҳудудларини ва Тошкентни Россия қўшиналари босиб олиши ҳақидаги маълумотлар «Ўзбекистон халқлари тарихи» номли икки жилдлик китобнинг иккинчи жилдидаги ҳам баён этилган². Аммо бу маълумотлар қайси манбаларга асосланиб ёзилганлиги «иктибосларда» кўрсатилмаган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, X. Зиёев, X. Н. Бобобеков, Ш. Воҳидов, Ш. Каримов ва Р. Шамсутдиновлар ушбу воқеани деярли бир хил талқин этишган.

Ушбу даврга оид маълумотлар Ш. Юсуповнинг «Худоёрхон ва Фурқат» номли рисоласида ҳам мавжуд. Муаллифнинг фикрича «Тошкентни босиб олиб, Туркистон генерал губернаторлигини тузиш билан ҳам нафси тийилмаган император хукумати Ўрта Осиёдаги уч хонликнинг ҳаммасини ўз комига тортишнинг шум режаларини таза бошлади. Бу режалар ҳийла-найрангдан ташкар зўравонликка ҳам асосланган эди. Хонликларга тегишли ҳудудларни ҳали у, ҳали бу ёлғон баҳоналар билан босиб олиб, мустамлакачилар дастлабки уч вилоят губернаторлиги сонини бештага етказдилар».³

¹ Зиёев X. Ўша асар. – Б. 183–185.

² Бобобхўжаев М. Ижодий гурух раҳбари Б. А. Аҳмедов, Б. А. Разина, К. О. Оқилов, Ф. Исҳоков, Гуломов X. . Ўзбекистон халқлари тарихи. – Т., 1993. – Б. 98–104.

³ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Т., 1995. –Б. 10.

Х. Зиёевнинг юқорида айтилган монографиясининг Кўқон – Россия дипломатиясига оид маҳсус «Кўқон хонлиги билан Туркистон вилояти ҳарбий губернаторлиги ўртасидаги муносабатлар» қисми диққатга сазавордир. Бу қисмда муаллиф 1866 йилда Худоёрхоннинг Туркистон област ҳарбий губернаторига ёзган хатларини мисол сифатида келтириб, уларни шарҳлаган. Шунингдек, у ерда генерал Романовский томонидан мамнуният билан қабул қилингандиги ва унинг жавоб хатида «Рус қуролининг янги ғалабаси» билан табриклагани учун Худоёрхонга миннатдорчилик билдирганлиги ҳамда унга Тошкент атрофида русларга қарши курашган Рустамбекка, Эшбўтага ва бошқа ватанпарварларга бошпана бермаганлиги учун ташаккурини изҳор этганлиги баён қилинган. Хатда Россия қўшинларининг Хўжанддан нарига ўтмаслиги ва Худоёрхоннинг дўстона муносабатини императорга билдиришини маълум килганлиги ҳамда айни бир пайтда императорнинг гўё «уруш қилдирмаслиги», доимо тинч ва осойишталикка интилганлиги таъкидланган.¹

Х. Зиёевнинг монографиясидаги маълумотларга қараганда, Худоёрхон 1866 йил 4 июнда яна Романовскийга хат ёзиб, ўзаро савдо алоқалари тартибларини белгилаш масаласини кўтаради. Бунда Кўқон хонлигига савдода молларнинг қирқдан бир қисми ҳажмида бож олиниши маълум қилиниб, Россия қайси тарзда бу ишни амалга ошириши хусусидаги ахборотни элчи орқали маълум этиш сўралди.

Романовский хонга ёзган жавобида савдо алоқаларига доир масалалар император томонидан ҳал қилинишини билди. Аммо унгача Кўқон савдогарларига Тошкент ва Хўжандда молларнинг қирқдан бир қисми миқдорида бож тўлашлари жорий этилганлиги билдирилди. Романовский қўқонликларга Россияга қарашли ерларда, русларга Кўқонда савдо консулликларининг очилишини ҳамда уларга Оренбург, Нижний Новгород, Москва ва Петербургда bemalol савдо қилиш им-

¹ Зиёев Х. Туркистонда Россия тажковузи ... – Б. 203.

кон берилишини сўраб императорга мурожаат этажагини ҳам айтган.²

Маълумки, 1866 йил август ойида Россия Императорининг Тошкентнинг Россия тобелигига олинганилиги ҳақида расмий фармон эълон қилинади. 1867 йилда эса Сирдарё ва Еттисув вилоятларини ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, генерал К. П. фон-Кауфман I генерал-губернатор этиб тайинланади. Унга жуда катта хукуқлар берилиб, уни «ярим подшо» даражасигача кўтаришади. Кўқон-Россия дипломатиясида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Энди, деярли барча масалалар Россиянинг пойтахти Санкт-Петербургда эмас, балки Туркистон генерал-губернаторлигининг марказида - Тошкентда ҳал қилинадиган бўлди.

Х. Н. Бобобековнинг «Тарихимиздаги қонли излар» номли мақоласида 1867 йили Туркистон генерал-губернаторлиги таъсис этилганлиги, бошлиқ этиб генерал-адъютант фон К. П. Кауфман тайинланганлиги, унинг ташки сиёсати уч мустақил ўзбек давлатларини ўзаро бирлашишга йўл кўймасдан, хонликларни вассаллик даражасида – тобеликда ушлаб туриш эканлигини таъкидланган. Шунингдек Кўқон хонлигининг кўп ерлари босиб олинганилиги туфайли уларни расмий қонунлаштириб олиш, рус савдогарларига кенг имкониятлар яратиб бериш учун Россия хукумати хон билан шартнома тузишга интилган. Шу мақсадда полковник Шауфус раҳбарлигида элчилар жўнатилиб, Кауфман имзо чеккан шартномага Худоёрхон 1868 йил 13 февралда ўз муҳрини босган. Бу шартномага кўра, рус савдогарлари учун Кўқон хонлигидаги барча шаҳар ва қишлоқларда ўз карvonсаройига эга бўлиш, савдо вакилларини тайинлаш хукуки берилади, Кўқон савдогарлари эса фақат Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфидаги шаҳар ва қишлоқлардагина, яъни ўз Ватани тупроғида шундай хукуққа эгалиги, рус савдогарлари мусулмон савдогарлари билан тенг закот тўлаши баён этилган. Бундан ташқари 1868

² Зиёев X. Ўша асар. – Б. 203–204.

йилги шартномага кўра, Кўқон хони Россиянинг вассалига тенглашиб қолиб, у Россиядан бошқа мамлакатлар билан сиёсий алоқаларини Туркистон генерал-губернатори билан келишган ҳолда амалга ошириши шартлиги ҳақида маълумотлар берилган¹.

«Ўзбекистон тарихи ва маданияти» номли маъruzалар тўпламида ва «Ўзбекистон халқлари тарихи» номли икки жилдлик китобнинг иккинчи жилдидага ҳам ушбу шартнома ҳақида қисқа маълумот берилган².

А. Р. Отажанов томонидан тузилган ўқув қўлланмасида 1868 йили К. П. Кауфман Кўқон хони Худоёр билан битим тузди ва бунга мувофиқ Кўқон хони руслар томонидан босиб олинган шаҳарлардан воз кечиб, рус савдогарларига имтиёзлар берди» деб ёзади³.

Ш. Юсупов рисоласида эса 1868 йил 29 январда Тошкентдан Кўқонга жўнатилган бир мактубдан тинчлик ўрнатилиши ҳақидаги парча келтирилган, бироқ бу ваъдалар унтилганини таъкидлайди.

1868 йилги шартнома ҳақида нисбатан тўлиқроқ маълумот X. Н. Бобобековнинг «Кўқон тарихи» номли монографиясида берилган. Муаллиф ушбу асарида 1868 йили Туркистон генерал-губернатори Кўқон хонлиги билан савдо битими тузганлиги, шунга кўра рус савдогарлари кўплаб имтиёзларга эга бўлиб, Кўқон хонлигидаги барча шаҳар ва қишлоқлар уларга очик хисобланганлиги ва истаган жойларда ўзларига омборхоналар, карвонсаройлар қуриш ҳуқуки бериллиб, савдо-сотиқ тўғри бўлаётганлигини назорат қилиш учун рус савдогарларига ўзларининг агентларини истаган шаҳарга юбориш ҳуқуки берилганлиги баён этилган. Муаллифнинг таъкидлашича

¹ Бобобеков X. Н. Тарихимиздаги конли излар. Қаранг: Мерос. – Т., 1991. – Б. 272.

² Ўзбекистон тарихи ва маданияти. – Т., – 1992. – Б. 117; Ўзбекистон халқлари тарихи. 2-жилд. – Т., – 1993. – Б. 131.

³ Атаджанов А. Р. Краткий курс лекций по истории народов Узбекистана. – Т., –1996. – С. 82–83.

уларнинг кўпчилиги Россия разведкасининг жосуслари бўлган экан. Масалан, Кўқонда кўп йиллар савдо агенти ҳисобланган Ключарёв аслида жосуси бўлганилиги ҳақида архив хужжати мавжудлиги «Кўқон тарихи» китобида ёзилган¹.

Ушбу тадқиқотда Россиядан Кўқонга, Кўқондан Россияга олиб келинадиган товарлардан Туркистон ўлкасида тўланадиган миқдордаги бож товар нархидан икки ярим фоизга тенглаштирилганлиги ҳамда савдо карвонлари қўшни мамлакатларга хонлик ерларидан бож тўламасдан ўтишлари мумкинлиги ва уларнинг хавфсизлиги хонлик зиммасига юклатилганлиги туфайли Россия савдосига жуда ҳам фойдали эканлиги ёзилган².

Ушбу монографияда Ҳ. Н. Бобобеков битимни илмий таҳлил этиб, «Кўқоннинг Россиядан савдо қарамлиги айниқса Туркистон генерал-губернаторлиги билан 1868 йилда имзолangan савдо битимида яққол намоён бўлди»³, деб тўғри хулоса чиқаради.

Ҳ. Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» номли монографиясида ҳам ушбу битимнинг 5 та банди мисол тарикасида келтирилган.

Булар юқорида қайд этилган тадқиқотлардаги мулоҳазалар тўғри эканлигини тасдиқлайди.⁴

«Туркистонда чор Россияси мустамлакачилиги даврида» номли асарда ҳам юқорида қайд этилган муаллифлар сингари ушбу шартнома ҳақида қисқа маълумот берилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзбекистонлик тарихчилардан Ҳ. Н. Бобобеков, Ҳ. Зиёев, Ш. Каримов, Р. Шамсутдинов, Ҳ. Содиков ва бошқалар Россия–Кўқон дипломатик муносабатлари чор Россиясининг босқинчилик сиёсати билан чамбарчас боғланиб кетганлиги сабабли, асосий эътиборни босқинчилик ҳаракатига қаратганлар ва бу жараённи

¹ Бобобеков Ҳ. Н. Кўқон тарихи. – Т., 1996. – Б. 123.

² Бобобеков Ҳ. Н. Ўша асар. – Б. 123.

³ Бобобеков Ҳ. Н. Ўша асар. – Б. 125.

⁴ Зиёев Ҳ. Ўша асар. – Б. 206.

тўғри ёритганлар. Уларнинг тадқиқотларида чор Россияси Кўқон хонлиги билан дипломатик муносабатини кучга таяниб олиб борганлиги яққол намоён бўлганлигини архив ҳужжатларига асосланган ҳолда баён этилган. Шу билан бирга, генераллар ўзбилармонларча иш тутиб, Россия дипломатларнинг расмиятчиликларини ҳам инкор этиб, дипломатик муносабатларни поймол этишганлигини Тошкентнинг Черняев томонидан босиб олиниши ва сохта ҳужжат тайёрлагани мисолида, далиллар билан исботлаб беришди.

1991–2000 йиллар давомида, яъни Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида, ўзбекистонлик тарихчилар 1842–1867 йилларда Кўқон–Россия ўзаро дипломатик муносабатларига оид масалани кўриб чиқишган ва совет даврига нисбатан кўпроқ элчилик тарихшунослиги ҳақида маълумотлар беришади. Демак, мустақиллик йилларида ўзбекистонлик тарихчилар архив маълумотларидан ва маҳаллий муаллифлар томонидан битилган қўллэзма китоблардан ҳам унумли фойдаланишга муваффак бўлишди. Лекин, шунга қарамасдан яна тадқиқот ишларини давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ҳали ўрганилмаган ҳужжатлар ва қўллэзма китоблар кўп. Масалан, 1951–2000 йиллар давомида дипломатик муносабатлар тарихшунослиги билан шуғулланган тарихчилардан бирортаси ҳам Жигатой Тулаганов (1856) элчилиги тарихи ҳақида ҳеч нарса ёзмаганлар.

Тарихчиларнинг тадқиқотларида Шералихон, Худоёрхон ва Маллахон даврларидағи Кўқон–Россия дипломатик муносабатини чуқурроқ таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Аммо айrim элчиликлар тарихи ҳалигача чуқур, илмий равишда ўрганилмаган. Масалан, Шералихон давридаги Россияга юборилган элчилик тарихи шулар жумласидандир, тарихшунослик нуқтаи назаридан ёндошилса, ушбу элчилик ҳақида дастлабки қисқа маълумотни С.Соатов ёзган. У ҳам ўзининг қўлланмасида Ниёзмуҳаммад Неъмат элчилиги ҳақида жуда қисқа ахборот берган. Шунинг учун тарихчиларга ёрдам

бериш мақсадида биз архив хужжатларига асосланган ҳолда биринчи марта ушбу монография да шу элчилик тарихини мисол тариқасида, батафсилоқ маълумот беришга ҳаракат қилдик ва дастлабки хулосаларимизни баён қилдик.

Мавзу тарихшунослигида Худоёрхон давридаги Кўқон–Россия дипломатик муносабатлар тарихига кўпроқ эътибор берилган. Маълумотларга қараганда, элчи муфти Абдулла мулла Ашупровнинг Омскга ташрифи асосан муваффакиятсизлик билан якунланган бўлишига қарамай, сиёсий нуқтаи на зардан, Кўқон хонининг тинчлик ва дўстлик учун ҳаракат қилганинги кўриш мумкин. Россия расмий маъмуриятининг эса бундан манфаатдор эмаслиги, йилдан-йилга тажовузкор бўла борганилиги намоён бўлади.

Тарихчиларнинг тадқиқотлари яна шуни кўрсатмоқдаки, XIX асрнинг учинчи чорагида Кўқон хонлигига нисбатан чор Россиясининг босқинчиликка йўналтирилган дипломатик ниятлари ошкор бўлди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган илмий тадқиқотларда Юлдошибой Мирзажонов бошчилигида Россияяга юборилмокчи бўлган элчилик ҳам муваффакиятсиз тугалла нишининг асосий сабаби ҳам рус генералларининг Кўқон хонлигига, аниқроғи Оқмачитга ҳарбий юришга жадаллик билан, маҳфий тайёргарлик холатида турганлиги эканлиги яққол кўриниб туради. Элчилик бу ёвуз ниятга жиддий тўсқинлик қилиб қўйиши аниқ эди. Генераллар шу сабабли бунга йўл қўймадилар. Бу сафар ҳам Кўқон дипломатияси маънавий жиҳатдан ўзининг Россия дипломатияси устидан юқори турганлигини яна бир бор намоён қилди.

Жагатой Тўлаганов элчилиги ҳақида маълумотлар ҳозирча кам, аммо шунга қарамай, мавжуд манбалардан кўриниб турибди-ки, Кўқон хонлари ва уларнинг ишончли мансабдорлари Россия билан тинчликни ўрнатишга ва қонли тўқнашувларнинг олдини олишга ҳаракат қилишган. Мустақиллик йилларида ушбу элчилик тарихи ҳақида тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Мустақиллик йиллари ижод этган тарихчиларнинг тадқиқотларини синчиклаб кўриладиган бўлса, 1856–1863 йилларда Кўқон–Россия дипломатик муносабатида Россиянинг айби билан ўзаро муносабатлар кескинлашди. Бунинг асосий сабаби Россия хукумати томонидан Кўқон хонлигининг айрим шаҳар ва қалъаларини босиб олишни олдиндан режалаштириб қўйилганидадир. Тарихчиларимиз ўз тадқиқотларида ушбу даврдаги Россия–Кўқон дипломатик муносабатларига тўғри баҳо берганлар.

Маллахон давридаги Кўқон–Россия дипломатик муносабатларини тарихчиларимиз архив манбаларига асосланган ҳолда тўғри баҳолашган. Уларнинг тадқиқотларига қараганда, Россия хукумати Кўқон хонлиги худудининг бир қисмини босиб олиш сиёсатини давом эттириб, Маллахоннинг Россия билан дўстона муносабатда бўлишга интилишига зид равишда хонликнинг бир неча қалъаларини забт этади.

Кўқон хонлигининг шимолий худудларини мухолиф томонидан жадал босиб олиниши жараёнидаги Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари босқинчилик сиёсати билан чамбарчас боғланиб кетганлиги сабабли, бу жараённи ўрганишда асосий эътибор чор кўшинлари босқинига қаратилган. Мустақиллик йилларида эса бу жараёнларни ёритиш архив манбалари билан бир қаторда маҳаллий муаллифларнинг кўлёзма китобларидан ҳам кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилганлиги билан белгиланади.

Х. Зиёев, Х. Н. Бобобеков, Ш. Каримов, Ҳ. Содиков, Р. Шамсутдинов, Ф. Аҳмаджонов ва бошқалар ўрганилаётган даврда Кўқон–Россия дипломатик муносабатлар тарихини ўз асарларида чукур илмий асосда ва холис ёритганлар.

Х У Л О С А

Ўзбекистон–Россия ўртасидаги муносабатлар тарихини ҳаққоний ёритиш – тараққиёт тақозосидир. Чунки тарихни яхши ўрганиш, ундан муносаби сабоқлар чиқариш ўтмишдаги фожиали хатолар ва камчиликларни тақорламаслик, уларнинг олдини олишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шу боис, сабиқ совет даврида тарихий жараёнларни ёритишга коммунистик мафкура нуқтаи назаридан ёндошилиб, бир томонлама, субъектив ёндошиб, баҳо берилиши натижасида тарих соҳталаштирилди, кўплаб ҳужжатлар махфийлаштирилди ва олимлардан яширилди. Натижада у ёки бу воқеанинг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари чалкаштириб юборилди. Мустақилликка эришилгандан сўнг тарихни оқилона, объектив тарзда ўрганиб тўғри баҳо бериш, совет даврида махфий хисобланган ҳужжатлардан bemalol фойдаланиш имконияти яратилди.

XIX асрнинг иккинчи ва учинчи чорагида чор Россияси дипломатия йўли билан Ўрта Осиё ҳонликларининг кучайиб кетишига ва бирлашишига изчил тўқсинглик қилиб келди.

Бу жараённи чуқур илмий таҳлил қилиш ва тегишли тарихий сабоқ чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун кўплаб тарихчилар бу муаммони ечишга ҳаракат қилдилар, аммо Кўқон–Россия дипломатиясига багишланган маҳсус илмий тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмади. Лекин шунга қарамай, уларда Кўқон–Россия дипломатиясига оид айрим маълумотлар тарқоқ ҳолда бўлса-да, мавжуд. Бу маълумотларнинг илмий аҳамиятини, ўрганилганлик даражасини аниқлаш ҳам тарихшуносликда муҳим аҳамият касб этади.

1951–2000 йиллар давомида ўзбекистонлик тарихчилар томонидан яратилган асарлардан Кўқон–Россия ўзаро дипломатик муносабатлари масаласи 1951–1990 йиллар, яъни совет даврига нисбатан 1991–2000 йилларда, яъни мустақиллик даврида тадқиқот ишлари кўпроқ олиб борилганлиги кўриниб туради. Демак, Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари тарихшунослигини икки даврга, яъни совет ва мустақиллик йиллари даврларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлди.

Совет даврида тарихчилар архив хужжатларидан бемалол фойдалана олмаганликлари туфайли Кўқон–Россия ўзаро дипломатик муносабатлари тарихини тўла очиб бера олишмади. 1951–1990 йилларда, яъни 40 йил мобайнида 10 га яқин тарихчи ўрганилаётган мавзу атрофида маълум даражада тадқиқот ишларини олиб боришиган ва 12 та элчилик ҳақида маълумотлар келтиришган. Шу йилларда ижод этган тарихчилар орасида энг кўп ва нисбатан тўлиқ маълумотлар С. Соатов, Ҳ. Зиёев, Ф.Faффоровларнинг асарларида берилган.

Мустақиллик йилларида, яъни 10 йил ичida Кўқон–Россия ўзаро дипломатиясига оид 20 дан ортиқ элчилик ҳақидағи маълумотларни 30 га яқин тарихчи олимнинг асарларида учратиш мумкин. Шу рақамлардан ҳам кўриниб турибдикি, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши шарофати билан тарихчиларга кенг имкониятлар яратилди ва улар ўзбек дипломатияси тарихини чукурроқ ўргандилар ва янги асарлар яратиб тарихимизни бойитмоқдалар.

1991–2000 йилларда ижод этган тарихчилар ичida ўрганилаётган мавзумиз доирасида энг кўп ва нисбатан тўликроқ маълумотларни Ҳ. Зиёев, Ҳ. Н. Бобобеков, Ҳ. Содиков, Р. Шамсутдинов, П. Равшанов, Қ. Усмонов, Р. Г. Мукминова, Н. Н. Ҳабибуллаев, Г. А. Агзамова, Э. Э. Каримовларнинг асарларида учратиш мумкин.

Уларнинг тадқиқотларига қараганда, Кўқон–Россия дипломатик алоқалари Олимхон ва Умархон даврларидан бошлиниб, икки давлат ўртасида ўзаро дўстлик муносабатлари ўрнатилган эди. Дастребки муносабатларнинг асосий мақсади –

мазкур давлатлар ўртасида савдо алоқаларини ва дўстликни ўрнатишдан иборат эди. Аммо нашр этилган тарихий тадқиқотлар масаланинг иккинчи томонини ҳам очиб берди. Бу – дипломатик алоқалар натижасида Россия империяси Кўқон хонлигининг табиий бойлиги, ижтимоий вазиятни ва ҳарбий кучлар бўшлигини билиб олиб, мустақил Кўқон хонлигини секин-аста босиб олиш режасини тузга борди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгандан сўнг ёзилган тарихий тадқиқотлар ва Россияда сақланаётган архив ҳужжатлардан ҳам кўриниб турибдики, ўша даврдаги Россия дипломатиясида расман дўстлик ва ҳамкорлик масалалари ҳакида кўп гапирилсада, аслида унинг режасида босқинчиллик сиёсати устун турган. Буни сезган Кўқон хонлари, Россиянинг кудратли ҳарбий кучларини эътиборга олиб, муносабатни юмшатишга харакат қилганлар. Аммо Россия императори бошчилигидаги дипломатлар, Англия билан рақобатни эътиборга олган ҳолда, Кўқон хонлигини бирданига босиб олишдан кўрқсанлар ва турли баҳоналар билан хонлик худудларини секин-аста босиб ола бошлаганлар.

Мустақиллик йилларидағи тадқиқотларда ўта муҳим манбалар – маҳаллий тилларда ёзилган кўлёзма китоблардан унумли фойдалана бошланди. Бу муҳим омил ҳақиқий тарихни ёзишга жиддий ёрдам берди ва мавзууни бир томонлама ёндошиб ёритишга чек қўйди. Чунки, совет даврида кўп ҳолларда Ўзбекистон тарихи фақат кирилл алифбода ёзилган манбаларга асосланиб ўрганилиб келинди.

Шуро даври тарихий адабиётларида Кўқон хонлигининг Россия қўшинлари томонидан жадал босиб олиниши фақат 1989 йилдан бошлаб очиқ ёритила бошланди. Бу даврда тадқиқотчиларимизнинг кўпчилиги мафкура тазибиқидан чиқа олмай, «босиб олди» ибораси ўрнига «кўшиб олди» деб ёзишди. Натижада ўзлари истамаган ҳолда тарихни сохталашибди. Ҳисса кўшдилар.

Янги тадқиқотларда Кўқон хонлиги худудларини Россия томонидан жадал босиб олиш жараёни асосан 1853 йили Оқ-

мачит қалъасини забт этишдан бошлаб то Кўқон хонлигини батамом эгаллаб, Фарғона вилояти номи билан Туркистон генерал-губернаторлиги тасарруфига киритгунга қадар, яъни 1876 йилнинг охиригача давом этганлигини архив ҳужжатларга асосланган ҳолда исботлаб берилди. Тадқиқотчилар ўз асарларида Россия дипломатияси Кўқон хонлиги дипломатиясига кўра катта тажрибага эга эканлигини, маккорлигини, турли ҳийла ва баҳоналар билан истаган ишларини амалга ошириб келганликларини ҳужжатли асосда очиб бердилар.

Ўзбекистонда нашр этилган тарихий асарларда Россия дипломатиясининг ғалаба қозониши ва Кўқон хонлиги ҳудудларини батамом босиб олиниши сабабларидан бири бу давлатдаги ички зиддият, феодал сиёsat юритиш, хонларнинг узоқни кўра олмасликлари ва учта хонлик бирлаша олмаганиклари, ҳаттоқи умумий душманга қарши ўзаро ҳарбий битим ҳам тузга олмаганиклари бўлганлигини батафсил ёритиленган. Айниқса Кўқон хонлигига таҳт учун кураш авжига чиқиб, даъвогарларнинг ўзаро урушлари ва кўплаб содир этилган сунқасдлар аҳоли турмуш шароитининг жуда ҳам оғирлашиб ва қашшоқлашиб кетишига сабаб бўлди. Умумжаҳон дарражасида юз берётган ўзгаришларни хис эта билмаслик, куролли кучларнинг бўшлиги ва тартибсизлиги, қаттиқ интизом йўқлиги каби омиллар хонликни осонгина Россия томонидан босиб олинишига имконият яратганлиги ҳам очиқ баён этилган.

Тадқиқотчиларнинг асарларидаги Россия–Кўқон дипломатик муносабатларини (1805–1867) икки даврга бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчи давр: 1805–1852 йиллар. Бу даврда асосан Кўқон–Россия расмий дипломатик муносабатларининг ўрнатилиши, савдо алоқаларининг йўлга кўйилиши ва ҳарбий тўқнашувлар бошланиб Россия империяси Кўқон хонлиги ҳудудларини босиб олиш ҳақида қатъий қарорга келади. Аммо, Россия ўз дипломатик муносабатларида Англияning Ўрта Осиё, жумладан, Кўқон хонлигига нисбатан туттган сиёsatини эъти-

борга олишга мажбур бўлганлиги тарихий асарларда баён этилган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари Умархон даврида (1810–822) яхши йўлга қўйилган эди. Бу икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар асосан Муҳаммад Алихон даврида (1822–1841), аниқроғи 1831 йилдан бузила бошлади ва кескинлаша борди. 1841 йили уларнинг ўрталаридағи тинчлик ва дўстона алоқалар тикланиши мумкин эди, аммо бунга Кўқон–Бухоро муносабати, айниқса Бухоро амири Насруллонинг Кўқонни босиб олиб, унинг хонини ва бошқа катта амалдорларини қатл этиши Кўқон–Россия муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Россия дипломатлари Кўқон хонлигининг кучсизланиб қолганлигини куришди ва уларда хонликка тегишли шаҳар ва қалъаларни бирин-кетин босиб олиш нияти кучайди.

Иккинчи давр: 1853–1867 йиллар. Бу даврда Россия империяси очиқдан-очиқ Кўқон қалъалари, шаҳарлари ва уларнинг атрофидаги худудларни босиб олишга киришганлиги, турли баҳоналар билан жангларни бошлаб юбориб Оқмачит, Туркистон, Чимкент, Тошкент ва бошқа шаҳар ва қалъаларни босиб олганлиги ва уларни бирлаштириб, Туркистон генерал-губернаторлигини таъсис этиб, уни мустаҳкамлаш ва ўзлаштиришга киришганлиги бўлди. Россияга тинчлик керак эди. Шу сабабли Кўқон хонлиги билан Туркистон генерал-губернаторлиги ўртасида вақтинчалик тинчлик ўрнатилганлиги тарихий асарларда архив хужжатларига асосланган ҳолда баён этилган.

Кўқон–Россия дипломатик алоқаларининг оқибатлари: Туркистон генерал губернатори ташаббуси билан 1868 йили Кўқон хони билан битим имзоланади ва 1875 йилгача икки давлат ўртасида тинчлик ва дўстона алоқалар ўрнатилади. Аммо Кўқон хонлигидаги ички сиёсий воқеалар натижасида 1873 йили Худоёрхонга қарши қўзголон бошланади. Бу қўзголон эса 1875 йил 7 августда халқ озодлик ҳаракатига айланниб кетади. Бунинг оқибатида, Россия императорининг ро-

зилиги билан, Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфманнинг буйруғига биноан кўзголон тор-мор этилиб, Кўқон хонлиги батамом босиб олинади. Россия императори 1876 йил 19 февралдаги расмий фармони билан Кўқон хонлиги бекор этилади ва унинг ўрнига Фарғона вилояти таъсис этилиб, уни Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудига киритилади.

Шундай қилиб, Россиянинг Кўқон хонлигига қарши дипломатик хуружлари Кўқон хонлигининг инқирозига олиб келди ва ниҳоят уни бутунлай мустамлакага айлантириди.

Кўқон–Россия ўзаро дипломатияси тарихи бўйича, тарихшунослар қатор илмий тадқиқот ишларини амалга оширидилар. Бу борада тадқиқотлар олиб борган муаллифларни кўйидаги икки гурухга бўлиш мумкин:

1. Кўқон–Россия ўзаро дипломатияси тарихини ўзларининг тадқиқотларининг маҳсус бўлими сифатида ўрганган ўзбекистонлик олимлар гурухи. Бу гурухга Ҳ. Зиёев, Ҳ. Н. Бобобеков, Ф. Гаффоров, Ф. А. Аҳмаджонов, Ш. Воҳидов, Ҳ. Содиков, Р. Шамсутдинов, П. Равшанов, Қ. Усмонов, Р. Г. Муқминова, Н. Н. Ҳабибуллаев, Г. Аъзамова, Э. Э. Каримов, А. А. Тожибоевлар киради.

Улар асосан ўзларининг қизиқтирган муаммолари доирасида тадқиқ қилишган. Ушбу гурух тарихчилари орасида ўзбек олимларидан Ҳ. Зиёев, Ҳ. Н. Бобобеков, Ф. Аҳмаджонов, Ш. Воҳидовлар ўзларининг аниқ манба ва архив хужжатларига асосланган тадқиқотлари билан ажралиб турадилар.

2. Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари тарихига ўз асарларида қисман, билвосита эътибор бериб ўтган тарихчилар гурухи. Бу гурухга Л. Дергачёва, Л. Левтеева, А. Маҳкамов, М. Тўлаганова, Ҳ. Иноятов, Р. Набиев, Ю. Соколов, Г. Ҳидоятов, Ш. Каримов, Р. Шамсутдинов, Ш. Юсупов, Г. Михалёва, М. Бобохўжаев, Б. Аҳмедов, Б. А. Разина, К. О. Оқилов, Ф. Исҳаков, Ҳ. Ғ. Ғуломов, А. Р. Атаджанов, А. Шарафиддиновлар киради.

Бу тадқиқотчилар ўзларининг илмий тадқиқотлари ва монографияларида Кўқон–Россия дипломатик муносабатлари

тариҳини ўрганишга асосий мақсад сифатида қарашмаган. Аммо, ўз олдиларига қўйган асосий мақсадларини ёритиш давомида икки давлат ўртасида бўлган дипломатик муносабатларнинг айрим қирраларига тўхталиб ўтганлар.

Ушбу гуруҳ тарихчилари орасида Р. Набиев, Ш. Каримов, Р. Шамсутдинов ўзларининг бошқаларга нисбатан аниқрок маълумотлари билан ажralиб турадилар.

Умуман олганда, тарихчи олимлар 1950–1985 йиллар мобайнида совет мағкураси доирасида тадқиқот ишларини олиб боришига мажбур бўлишган. Кўкон–Россия дипломатик муносабатларини ҳам шу мағкура нуқтаи назаридан ёритишган. Натижада ўзбек давлатчилиги манфаатлари иккинчи даражага тушиб қолди ва маҳаллий муаллифларнинг кўлёзма асарларидан фойдаланишга тўсиқлар кўйила борилди. Шу туфайли Кўкон–Россия дипломатик муносабатлари тариҳини ўрганишда фақат рус тилида ёзилган архив манбаларидан фойдаланиш кўллаб кўвватланди. Бунинг устига Россия архивларида сакланәтган махфий хужжатлардан фойдаланишга ҳам рухсат берилмади. Тарих бир томонлама ўрганилиб, хужжатларни таққослаш имконияти бўлмади. Бунинг оқибатида Россия дипломатиясининг кўп томонлари қоронгилигича қолиб кетди.

Айниқса 1959 йилдан бошлаб «Ўрта Осиё ҳонликлари чор Россияси томонидан босиб олинмаган, балки қўшиб олинган» деган назария тарихни янада соҳталаштиришга олиб келди. Кўплаб тарихчилар Кўкон–Россия ўзаро дипломатик муносабатларини ҳам шу концепцияга асосланган ҳолда ёзишли. «Босиб олди» деб ёзган тарихчилар эса тазийқ остига олинди ва уларнинг асарлари цензуранинг қаттиқ назорати остига олинди ва чоп этишга рухсат берилмади.

Собиқ СССРда «қайта қуриш» сиёсати бошланган 1985–1990 йилларда айрим ўзбекистонлик тарихчилар Кўкон–Россия муносабатларига объектив равишда баҳо беришга ҳаракат қилишган. Улар қаттиқ тазийикка учрасалар-да айрим муҳим масалаларни газета ва журналларда чоп этишга муваффак

бўлганлар. Чунки бу йилларда Ўрта Осиё тарихига оид қадимги қўлёзма китоблар, архивларда сақланыётган маҳфий ҳужжатларга қизиқиш ортди ва уларни чоп этишга, қисман бўлса-да, имконият пайдо бўлди.

1991 йили Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарихчиларга кенг имкониятлар очилди ва тарихни объектив равища ёритиш жараёни бошланди.

1991–2002 йиллар давомида тадқиқотчилар собиқ совет даврида фойдалана олмаган маҳфий ҳужжатлардан ва маҳаллий муаллифларнинг қўлёзма китобларидан бемалол фойдаланиб, миллий истиқлол мафкураси манфаати нуқтai назардан Ўзбекистон тарихини, жумладан Кўқон–Россия дипломатияси тарихини ҳам объектив равища қайтадан тадқиқ эта бошладилар.

Юқоридаги мисоллардан ҳам кўриниб турибдикি, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг ўтган 11 йил давомида, ўзбекистонлик тарихчилар собиқ совет даврининг охирги 40 йили ичидағича нисбатан дипломатик муносабатлар тарихи ҳақида 2 баравар кўпроқ асарларни ёзиб, чоп этдилар.

1951–2002 йиллар давомида Кўқон–Россия ўзаро дипломатик муносабатлари тарихига оид тадқиқотларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, юқорида қайд этилган имкониятлар билан бир қаторда, уларнинг олдида маълум даражада объектив ва субъектив қийинчиликлар ҳам мавжуд бўлган:

1. Кўқон–Россия дипломатиясига оид ҳужжатлар 1875 йили Кўқон хони Худоёрхон Тошкентга қочиб кетаётганда ўзи билан олиб кетаётган архиви билан бирга йўқолган.

2. Россия–Кўқон дипломатиясига оид ҳужжатлар Россия архивларида сақланмокда. Лекин у ерга бориб уларни ўрганиб келиш учун тарихчиларнинг моддий имкониятлари ҳозирча чеклангандир.

3. Шу кунга қадар тарихчиларнинг кўпчилиги араб алифбосини ҳамда форс, араб тилларини билмаганликлари туфай-

ли мавжуд архив хужжатларидан ва қўлёзма китоблардан унумли фойдалана олмаяптилар.

Умумий хулоса қилиб қаралганда, 1951–2002 йиллар мобайнидаги тадқиқотларда Кўкон хонлигининг деярли барча элчиларнинг асосий мақсади Россия билан дўстона алоқалар ўрнатиш ва савдони йўлга қўйиш бўлганлигини кўриниб туради. Улар ҳақиқатни айтишган ва софдилик билан дипломатик вазифаларини бажаришган. Лекин Россия элчилари мақсади дастлабки йилларда дўстлик ва савдони йўлга қўйиш бўлган бўлса, кейинчалик Кўкон хонлигини хар томонлама ўрганиш бўлган. Кейинчалик Россия хукумати Кўкон хонлигини босиб олишни аниқ мақсад қилиб белгилаб олгач, барча дипломатик муносабатларини шу асосий мақсаддан келиб чиқиб, устакорлик ва маккорлик билан ҳаракат қилганлиги исботлаб берилган.

Тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида Кўкон–Россия дипломатияси тарихига тегишли қуидаги элчиликлар фаолиятини тўлароқ ёритиш учун тарихчилар олдида яна қўшимча илмий тадқиқот изланишлар олиб бориш талаб қилинади: 1805, 1810 – Кулмамат Мамадиёров; 1814 – кўқонлик элчилар (исмлари ҳозирча аниқланмаган); 1822 – кўқонлик элчилар (исмлари ҳозирча аниқланмаган); 1824 – Фаният Хўжа Зулфқоров ва Хонкелди Бобохонов; 1825 – Соатбек Султонбеков; 1827 – Каттабек Фозилбеков; 1834 – рус элчиси (исми ҳозирча аниқланмаган, генерал Броневскийнинг хатини олиб борган); 1835 – Каттабек Фозилбеков; 1836 – Соатбек Султонбеков; 1841 – Султон Маҳмудхоннинг элчиси (исми ҳозирча аниқланмаган); 1844 – Ниёз Муҳаммад Нигматов; 1848 – муфти Абдулла Мулла Ашурров; 1856 – Жагатой Тўлаганов; 1874 – Мирза Ҳаким парвоначи (Худоёрхоннинг расмий элчиси бўла туруб, Россия разведкасига "Умидов" лақаби билан хизмат қилган); 1874 – А. Вейнберг; 1875 – Насриддинхоннинг элчиси (исми ҳозирча аниқланмаган); 1875 – Пўлатхон (Мулло Исҳоқ мулла Хасан ўғли)нинг элчиси (исми номалум).

Агар мазкур элчиликлар тарихи тўлиқ ўрганилса, Кўкон-Россия дипломатияси тарихининг тўлиқ манзараси намоён бўлади. Келажакда бу алоқаларнинг тарихини маҳсус китоб ҳолида чиқариш зарур, зеро бугунги кунда улкан ютуқларга эришаётган Ўзбекистон дипломатияси тарихи жаҳон ҳамжамиятида катта қизикиш ўйғотиши шубҳасиздир.

Келажакда тарихшунос олимлар олдида турган муаммолардан бири бу нафақат Кўкон, балки Бухоро ва Хива мамлакатларининг халқаро алоқаларини, жумладан Россия билан дипломатик алоқаларни ўрганиш ҳисобланади. Шу мавзу доирасида муаммонинг шўролар ва мустақиллик даврида ҳамда хориж тарихшунослигини таҳлил этиш лозим. Муаммонинг манбашунослик жиҳатлари ҳали ҳамон долзарб бўлиб келмоқда.

Юқоридаги муаммолар, албаттa умуминсоний қадриятлар Ўзбекистоннинг бугунги кунда олиб борилаётган изчил халқаро сиёсати мавқеи ва манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ёритиш тадқиқотлардан талаб қилинади. Ўйлаймизки, янги давр тарихчилари ўз тадқиқотларини юқори илмий даражада амалга оширадилар.

ИЛОВАЛАР

Тарихчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларидан келиб чиқиб Кўқон-Россия ўзаро элчиликлари тарихи (хронологияси) қуидаги тартибда бўлган эди:

- 1805, 1810 йил – Қулмамат Мамадиёров;
- 1811 – Раҳматулло девонбеги Кўшботир ўғли ва Шукур оталиқ Олтибосар оталиқ ўғли;
- 1813 – Муҳаммад Юсуф карвонбоши;
- 1813 – Филипп Назаров;
- 1814, 1822 – қўқонлик элчилар (исмлари ҳозирча аниқланмаган);
- 1824 – Ғаният Хўжа Зулфиқоров ва Хонкелди Бобохонов;
- 1825 – Соатбек Султонбеков;
- 1827 – Каттабек Фозилбеков;
- 1828 – Турсунхўжа ва Мирқурбонлар;
- 1829–1830 – Н. И. Потанин;
- 1831 – Ҳожи Мирқурбон судур Муҳаммад Қосим ўғли;
- 1834 – рус элчиси (исми ҳозирча аниқланмаган, генерал Броневскийнинг хатини олиб борган);
- 1835 – Каттабек Фозилбеков;
- 1836 – Соатбек Султонбеков;
- 1841 – нақиб Али Ашраф эшон Муҳаммад Хўжа Халил Сафронюл;
- 1841 – Султон Маҳмудхоннинг элчиси (исми ҳозирча аниқланмаган);
- 1844 – Ниёз Муҳаммад Нигматов;
- 1848 – муфти Абдулла Мулла Ашурев;
- 1851, 1853 – Юлдошибой Мирзажонов;
- 1856 – Жагатой Тўлаганов;

- 1859 – Абдул-латиф Боязитов;
- 1868 – Шауфус;
- 1874 – Мирза Ҳаким парвоначи;
- 1874 – А. Вейнберг;
- 1875 – А. Вейнберг ва М. Д. Скобелев;
- 1875 – Насриддинхоннинг элчиси (исми ҳозирча аникланмаган);
- 1875 – Пўлатхон (Мулло Исҳоқ мулла Ҳасан ўғли)нинг элчиси;
- 1876 – Пўлатхоннинг элчилари Хўжандга келган.

Шу жумладан, Кўқон хонлигидан Россия ва Туркистон генерал-губернаторлигига қуидаги элчиликлар жўнатилган:

- 1811 – Раҳматулло девонбеги Кўшботир ўғли ва Шукур оталиқ Олтибосар оталиқ ўғли;
- 1813 – Мухаммад Юсуф карvonбоши;
- 1814 – қўқонлик элчилар (исмлари ҳозирча аникланмаган);
- 1822 – қўқонлик элчилар (исмлари ҳозирча аникланмаган);
- 1824 – Фаният Хўжа Зулфиқоров ва Хонкелди Бобохонов;
- 1825 – Соатбек Султонбеков;
- 1827 – Каттабек Фозилбеков;
- 1828 – Турсунхўжа ва Мирқурбонлар;
- 1831 –Хожи Мирқурбон судур Мухаммад Қосим ўғли;
- 1835 – Каттабек Фозилбеков;
- 1836 – Соатбек Султонбеков;
- 1841 – нақиб Али Ашраф эшон Мухаммад Хўжа Халил Сафронюл;
- 1841 – Султон Маҳмудхоннинг элчиси (исми ҳозирча аникланмаган);
- 1844 – Ниёз Мухаммад Нигматов;
- 1848 – муфти Абдулла Мулла Ашурров;
- 1851, 1853 – Юлдошбой Мирзажонов;
- 1856 – Жағатой Тўлаганов;

- 1859 – Абдуллатиф Боязитов;
- 1874 – Мирза Ҳаким парвоначи;
- 1875 – Насриддинхоннинг элчиси (исми ҳозирча аниқланмаган);
 - 1875 – Пўлатхон (Мулло Исҳоқ мулла Ҳасан ўғли) нинг элчиси;
 - 1876 – Пўлатхоннинг элчилари Ҳўжандга келган.

Россия ва Туркистон генерал-губернаторлигидан Кўкон хонлигига эса қуидаги элчиликлар юборилган:

- 1805, 1810 – Кулмамат Мамадиёров;
- 1813 – Филипп Назаров;
- 1829 –хорунжий Потанин;
- 1834 – рус элчиси (исми ҳозирча аниқланмаган, генерал Броневскийнинг хатини олиб борган);
- 1868 – Шауфус;
- 1874 – А. Вейнберг;
- 1875 – А. Вейнберг ва М. Д. Скобелев.



ХУДОЁРХОН




НАСРИДДИНХОН



“ОҚ ПОДШО” –
РУС
ИМПЕРАТОРИ






ДАХМАИ ШОХОН. ҚЎҚОН Ш.





КАТТА ҚАБРИСТОН. ҚЎҚОН Ш.




ХУДОЁРХОН ЎРДАСИ





XX.a. boshida ORTA OSIYO



XIX a. O'Rtasida O'RIA OSIVO DAVLATLARI

Legend:

- Xiva xonligiga tegishli bolgan ozzeg yerlari
- Xiva xonligiga tegishli bolgan turkmen qabilalar yerlari
- Xiva va Buxoro qabileleri tsigdisi yonishuvli yerlari
- Buxoro amirligi va Qashqadaryo qabileleri tsigdisi yonishuvli yerlari
- Kizil orda tsigdisi yonishuvli yerlari
- Ozgen xonligiga tegishli bolgan tsigdisi yonishuvli yerlari

Scale: Massnab 1:10 000 000 (1 smoda 100 km)

VIVI A OXIRIDA O'RTA OSIYO

МИНГ СУЛОЛАСИ ҲУКМДОРЛАРИ

<i>Шоҳиҳубий</i>	<i>1709–1724 йиллар</i>
<i>Абдураҳимбий</i>	<i>1721–1733 йиллар</i>
<i>Абдукаримбий</i>	<i>1733–1750 йиллар</i>
<i>Абдураҳмон</i>	<i>хўқмронлиги 9 ой</i>
<i>Эрдонабий</i>	<i>1751–1752 йиллар</i>
<i>Бобобек</i>	<i>1752–1753 йиллар</i>
<i>Эрдонабий, 2-марта</i>	<i>1753–1762 йиллар</i>
<i>Сулаймон</i>	<i>1762–1763(?) йиллар</i>
<i>Норбўтабий</i>	<i>1763(?)–1800 йиллар</i>
<i>Олимхон</i>	<i>1800–1810 йиллар</i>
<i>Умархон</i>	<i>1810–1822 йиллар</i>
<i>Муҳаммад Алихон</i>	<i>1822–1841 йиллар</i>
<i>Султон Маҳмудхон</i>	<i>1841–1842 йиллар</i>
<i>Шералихон</i>	<i>1842–1845 йиллар</i>
<i>Муродхон</i>	<i>қисқа мuddат хўқмронлик қилган</i>
<i>Худоёрхон</i>	<i>1845–1858 йиллар</i>
<i>Маллахон</i>	<i>1858–1862 йиллар</i>
<i>Худоёрхон, 2-марта</i>	<i>1862–1863 йиллар</i>
<i>Султон Сайдхон</i>	<i>1863–1865 йиллар</i>
<i>Худоёрхон, 3-марта</i>	<i>1865–1875 йиллар</i>
<i>Насриddинхон</i>	<i>1875–1876 йиллар</i>
<i>Худойқул (Белбокчи)хон</i>	<i>1875 йил</i>
<i>Соҳта Пулатхон (Мулло</i>	<i>1873–1876 йиллар</i>
<i>Исхоқ Мулла Ҳасан ўғли)</i>	

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

- АВПР – Архив внешней политики России.
- ВИ – Вопросы истории.
- ГПН – Государственная публичная библиотека.
- д. – дело
- ед. хр. – единица хранения.
- ЗВОРАО – Записки Восточного отделения русского археологического общества.
- ИРАО – Императорское русское археологическое общество.
- ИВАН – Институт востоковедения Академии наук.
- МДТА – Марказий давлат тарих архиви.
- МСТК – Материалы для статистики Туркестанского края.
- оп. – опись.
- С.-Пб. – Санкт-Петербург.
- Т. – Тошкент.
- ТВ – Туркестанские ведомости.
- Т. сб. – Туркестанский сборник.
- ТКЛА – Туркестанский кружок любителей археологии.
- ЦГА – Центральный государственный архив.
- ЦГВИА – Центральный государственный военно-исторический архив.
- ЦГИА – Центральный государственный исторический архив.
- Ўз.Р.ФАШИ ҚФ. – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди.
- Ўз.СЭ – Ўзбек Совет энциклопедияси.

БИБЛИОГРАФИЯ

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОС БЎЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 78 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 261 б.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
4. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 299 б.
5. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 278 б.
7. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.
8. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 74 б.
9. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 144 б.
10. Каримов И. А. Ўзбекистон – XXI аср бўсағасида. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
11. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ//Мулокот. – 1998. – № 5. – Б. 3–5.
12. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
13. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Асарлар, 7-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
14. Президент Ислом Каримовнинг "Туркестон" газетаси мухбирининг саволларига жавоблари // Туркестон. – 1999. – 2 феврал.

АРХИВ МАНБАЛАРИ

1. Россия географик жамияти архиви: Фонд разряд 74, оп. 1, д. 1.
2. Россия Давлат тарих архиви (С.-Петербург ш.): Фонд 853, оп. 2, д. 57; 1021, оп. 1, д. 102–107; 1264, оп. 1, д. 281, 348; 1291, оп. 82, д. 3.
3. Россия Давлат марказий ҳарбий-тарихий архиви (ЦГВИА, Москва ш.): Фонд 400, оп. 1, д. 120; 1393, оп. 1, д. 81.
4. Россия Давлат миллий кутубхонаси (ГПБ, Москва ш.), қўлёзмалар бўлими: Фонд 363, оп. 3, д. 14.
5. Россия Федерацияси Омск вилояти давлат архиви: Фонд 3, д. 425.
6. Россия ташқи сиёсат архиви (АВПР, Москва ш.): Фонд "Главный архив" I–1, оп. 781, д. 491; I–5–1841–44, оп. 5, д. 2; I–6–1826, оп. 5, д. 1; I–6–1828, д. 1; I–6, 1835–1836, д. 1; I–6–1841–1844, оп. 1, д. 2; I–6–1841–1844, оп. 5, д. 2; I–6, 1844, д. 1; I–1847, д. 1; I–6–1851, д. 1; I–7–1810–1839, д. 1; I–8, 1810–1820, оп. 7, д. 1; I–8–1831–1834, д. 1; I–13, 1831–1832, оп. 10, д. 1; II–3–1805–1806, оп. 34, д. 5; 1811–1816, д. 2; II–13, д. 7; II–27, 1827, оп. 72, д. 2.
7. Салтиков–Шедрин номидаги Россия Давлат миллий кутубхонаси (ГПБ, Санкт–Петербург), қўлёзмалар бўлими: Фонд "Эрмитаж", д.283.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви: Фонд И–715, оп. 1, д. 4–14, 17–19, 21, 22, 23, 26, 26 а, 62, 63, 64, 66, 87 б.
9. Қозогистон Марказий давлат тарих архиви: Фонд 338, оп.1, д.д. 269, 407, 621, 662.

ҚЎЛЁЗМА МАНБАЛАР

1. Абд ал-Азим Сомий. Тўхфа-йи шоҳи//Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 2091.
2. Абд-ал-Гафур. Зафарнома-и Худоёрхони//Ўз.Р. ФАШИ, к. ф., № 598.
3. Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳонномойи//Ўз.Р. ФАШИ к.ф.№9455.
4. Али Кундузий. Таворих-и манзума. Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 1925/II.
5. Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Кокандского ханства для русских. 1854//А. Навоий номли давлат кутубхонаси, ноёб китоблар бўлими, № ПУ2-3579.
6. Исҳоқхон Ибрат. Тарих-и Фарғона//Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 10117.
7. Мирза Олим Тошкандий. Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин. // Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 3753.
8. Мулла Шамс. Жангнома-и Худоёрхони//Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 599/I.
9. Муҳаммад Солиҳ Қори Ҳожа ўғли Тошкандий. Тарих-и жадидаи Тошканд//Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 5732.
10. Муҳаммад Фозилбек. Муқаммал-и тарих-и Фарғона//Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 5971.
11. Муҳаммад Ҳакимхон тўра. Мунтаҳаб ат-таворих//Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 594.
12. Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Тарих-и Шоҳрухи//Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 4463/I.
13. Тарих-и Алимқули амир-и лашкар//Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 12136.
14. Мулла Васийжон Манзур//Тазкира-йи сultonи (Худоёрхони). Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 692.
15. Холбек ибн Мулла Мусо Андижоний. Алимқул жангномаси ва Мулло Холбек саргузаштлари//Ўз.Р. ФАШИ к.ф., № 8816.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИГАЧА ЧОП ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдулгаффаров С. Краткий очерк внутреннего состояния Кокандского ханства перед завоеванием его русскими// Түрк. вед. 1892. – № 26. – С.12; №29. – С.9–10; № 30 – С. 7–8.
2. Азадаев Ф. А. Ташкент во второй половине XIX века. – Т.: АН УзССР, 1959. – 242 с.
3. Аминов А., Бабаходжаев А. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. – Т.: Ўзбекистон, 1966. – 210 с.
4. Ахмеджанов Г. А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. – Т.: Фан, 1989. – 154 с.
5. Бабабеков Х. Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки. (XVII–XIX вв.). – Т.: Фан, 1990. – 118 с.
6. Бобобеков Х. Н. Россия Ўрта Осиёни босиб олганми?// Фан ва турмуш. 1989. – № 8. – Б. 22–25.
7. Бобобеков Х. Н. Ўрта Осиё Россияяга кўшиб олинганми? // Фан ва турмуш. 1989. № 10. – Б. 12–16.
8. Бартольд В. В. Сочинения. В 9-ти томах. Том 1. – М.: Вост. лит., 1963. – 760 с.
9. Бейсембиев Т. К. "Тарихи Шахрухи" как исторический источник. – Алма-Ата.: Наука., 1987. – 200 с.
10. Бекмаханов Е. К истории Казахстана XIX в. – Алма-Ата: Мектеп., 1966. – 191 с.
11. Брагинский И. С., Раджабов С., Ромодин В. А. К вопросу о значении присоединения Средней Азии к России// Вопросы истории. – М., 1953, – № 8. – С.21–41.
12. Бунаков В. В. К истории о сношениях России со среднеазиатскими ханствами в XIX веке//Советское востоковедение. – М., 1941.
13. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Издание А. И. Мамонтова., 1867. – 361 с.

14. Вельяминов–Зернов В. В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммед–Али до Худаярхана. – С.-Пб: Б.И., 1856. 329–370 с.
15. Вельяминов–Зернов В. В. Сведения о Кокандском ханстве//Вестник Географического общества. – С.-Пб., 1856. – Т. 18. – С. 107–152.
16. Венюков М. И. Опыт военного обозрения русских границ в Азии. – С. Пб.: Б. И., 1873. –398 с.
17. Венюков М. И. Очерки международных вопросов в Азии. – С. – Пб.: Б. И., 1877. –432 с.
18. Веселовский Н. Приём в России и отпуск среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях//Журнал Министерства народного просвещения, ч. CCXXXIV, – М., 1884. – С.19.
19. Внешняя политика России XIX и начала XX века. Документы Российского Министерства иностранных дел. Серия II. Т. III. (XI). – М.: Наука., 1979. – 882 с.
20. Внешняя политика России XIX и начала XX века. Документы Российского Министерства иностранных дел. Серия II. Т. IV. (XII). – М.: Наука., 1980. – 784 с.
21. Внешняя политика России XIX и начала XX века. Документы Российского Министерства иностранных дел. Серия II. Т. V. (XIII). – М.: Наука., 1982. – 832 с.
22. Внешняя политика России XIX и начала XX века. Документы Российского Министерства иностранных дел. Серия II. Т. VI. (XIV). – М.: Наука., 1985. – 928 с.
23. Вестник Императорского Русского географического общества. Кн. 6. – С.-Пб.: Б. И., 1956.
24. Военный журнал. – 1831.
25. Галкин М.Н.Краткая записка об исторических правах России на кокандские города Туркестан и Ташкент// Русский вестник. – 1856. Т. 6; – № 5; – С. 16–17.
26. Гаффаров Б. Из истории отношений России с Кокандом в 40–60-х годах XIX в.//Общественные науки в Узбекистане. 1970, – № 6. – С. 34–38.

27. Григорьев В. В. Русская политика в отношении к Средней Азии//Сборник Государственных знаний. – С. –Пб. 1874; Т. 86. – С. 21–22.
28. Гуревич Б. П. Международные отношения в Центральной Азии в XVII – первой половине XIX в., 2-е изд. – М.: Наука, 1983. – 309 с.
29. Долинский В. Об отношениях России к среднеазиатским владениям и об устройстве Киргизской степи. – С. –Пб. Б. И., – 1865. – 458 с.
30. Ефремов Филипп. Девятилетнее странствование. – М.: Наука, 1952. – 79 с.
31. Жалилов Т. Ўзбек шоиралари. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1980. – 414 б.
32. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830)// Военный журнал. – С. –Пб., 1831. – № 4. – С.102–139.
33. Зиёев Х. З. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI–XIX вв. – Т.: Фан. 1983. – 166 с.
34. Зияев Х. Присоединение Ташкента к России. – Т.: 1967.
35. Значение Коканда для России//Новое время. 1876. – № 34.
36. Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии (XVI – середина XIX вв.). – М.: ост. лит., 1958. – 247 с.
37. Иноятов Х. Ш. Кўқон хонлиги Россияга қўшилиш арафасида ва 1873–1876 йиллардаги Кўқон қўзғолони. – Т.: Кизил Ўзбекистон, 1956. – 36 б.
38. История Узбекской ССР. В 4-х томах. Т.: Фан. 1987; Том 2. – Т.: Фан. – 1967. – 333 с.
39. История Киргизской ССР. – Том 1: С древнейших времён до середины XIX в. – Фрунзе: Наука. 1984. – 800 с.
40. История Казахской ССР. С древнейший времён до наших дней: В 5 т. – Том III Алма-ата: Каз. 1979. – 544 с.
41. История таджикского народа. Том II. Книга вторая. Позд. феод. XVII в. – 1917 г. – М.: Наука, 1964. – 356 с.
42. Кауфманский сборник. – М.: Б.И., 1910. – 248 с.

43. Кокандское ханство в нынешнем его состоянии. // ЗИРГО, 1849.
44. Киняпина Н. С. Внешняя политика России во второй половине XIX века. – М.: Наука, 1974. – 280 с.
45. Кун А. Л. Очерки Кокандского ханства// ИРГО. Том XII. – С. –Пб., 1876. – С. 17–19.
46. Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине// Военный сборник. – С. –Пб., 1856. – С. 417–448.
47. Левтеева Л. Г. Присоединение Средней Азии в мемуарных источниках. – Т.: Фан, 1986. – 144 с.
48. Лунин Б. В. История Узбекистана в источниках. – Т.: Фан, 1990. – 194 с.
49. Макшеев А. Показания сибирских казаков Милюшина и Батыришкина, бывших в пленау коканцев с 1849 по 1852 гг. //Вестник Русского Географического общества. – С. –Пб.. 1856. – Ч. 17 (II). – С. 21–31.
50. Масальский В. И. Туркестанский край. Т. 19. – С. –Пб., 1913. – 340 с.
51. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X–XIX вв. – Т.: Фан, 1988. – 412 с.
52. Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. /Перевод с немецкого В. И. Ковалевского. – С. – Пб.: Б. И. 1882. – 604 с.
53. Мулла Олим Маҳдум Ҳўжа. Тарих-и Туркистон. – Карши: Насаф, 1991.
54. Мухтаров А. Дильшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начале XX вв. – Душанбе: Дониш, 1969. – 372 с.
55. Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худоярхана). – Т.: Фан, 1973. – 388 с.
56. Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней части Азии. – С.–Пб., 1821; – М.:Наука, 1968. –76 с.
57. Наливкин В. П. Краткая история Кокандского ханства., – Казань: Б. И., 1886. – 215 с.

58. Наливкин В. и Наливкина М. Очерк быта женщин оседлого туземного населения Ферганы. Казань: Б. И., 1886. – 235 с.
59. Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар (XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тарихи). – Т.: :Фан, 1960. – 261 б.
60. Объединённая научная сессия, посвящённая прогрессивному значению присоединения Средней Азии к России. Доклады. – Т.: АН Уз.ССР, 1959. – 224 с.
61. Очерки исторической науки в СССР. – М.:Наука, 1955.
62. Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе: Клим, 1977. –368 с.
63. Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718–1725 годах. – М.:Наука, 1986. –158с.
64. Потанин Н. И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1829–1830 гг.)//Военный журнал. – СПБ., 1831. – № IV, V. – С. 32–35 с.
65. Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 году//Труды САГУ. Новая серия. Вып. LXXVIII. Исторические науки. – Т.;1956. Книга 11. – С.41–56.
66. Раевский Н. Наши отношения к среднеазиатским ханствам// Голос. – 1872, – № 195.
67. Рашидов Г. и др. История Коканда. Т.: – 1984.
68. Романовский Д. И. Заметки по среднеазиатскому вопросу. – С. –Пб.: Б. И., 1868. – 215 с.
69. Романовский Г. Д. Сборник документов. – Т.: Госиздат УзССР, 1961. – 300 с.
70. Ромодин В. А. Предисловие//Назаров Филипп. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – М. Наука, 1968. – 76 с.
71. Северцов Н.А. Сборник документов. – Т.: Госиздат УзССР, 1958. – 288 с.

72. Семёнов А. А. К истории дипломатических отношений между Россией и Бухарой в начале XIX века//Известия АН Уз ССР, – 1951, – № 1. – С. 85–96.
73. Соатов С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув кўлланмаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 118 б.
74. Соколов Ю. А. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Т.: Фан, 1965. – 189 с.
75. Терентьев М. А. Россия и Англия в Средней Азии. – С. – Пб.: Б. И., 1875. – 319 с.
76. Терентьев М. А. Россия и Англия в борьбе за рынки. – С. – Пб., Б. И., 1875. – 297 с.
77. Терентьев М. А. История завоевания Средней Азии. В трёх томах. Том I. – М.: Б. И., 1906. –354 с.
78. Тилеукулов С. К истории присоединения Чимкента к России//Учёные записки Ташгосспединститута. – Т., 1960. –Вып. 23. Часть III. – С. 5–31.
79. Троицкая А. Л. Каталог архива кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1969. –582 с.
80. Федченко А. П. В Кокандском ханстве. Тетрадь первая, – С. –Пб.: Б. И., 1872. – 160 с.
81. Халфин Н. А. Политика России в Средней Азии (1857–1868). – М.: Вост.лит., 1960. – 272 с.
82. Халфин Н. А. О движущих мотивах политики России в Средней Азии (60–70-е годы XIX в.)//История СССР. – М.,1972. – № 4. – С. 662–664.
83. Халфин Н. А.Россия и ханства Средней Азии. – М.: Вост. лит., 1974. – 406 с.
84. Хасанов А. Х. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. – М.: Наука, 1977. – 96 с.
- 85.Хидоятов Г. А. Из истории англо-русских отношений в Средней Азии в конце XIX века. – Т.: Фан, 1969. – 456 с.
86. Хорошхин А. П. Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – С. – Пб.: Б.И., 1876. – 533 с.
87. Юлдашев М. Ю. К истории посольских связей Средней Азии с Россией в XVI–XVII вв. – Т.: Фан, 1964. – 23 с.

88. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. Том 3. – Т.: Фан, 1978. – 378 б.
89. Ўзбекистон ССР тарихи. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Фан, 1967. – 763 б.
90. Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврдан ҳозирги кунларгача. – Т.: Фан. 1974. – 656 б.
91. Ўзбек шеърияти антологияси. 5 томлик. – Т.: Фан, 1961. – 310 б.
92. Гаффоров Ф. Экономические и политические связи России с Кокандским ханством в первой половине и 60–70-годах XIX века: Автореф. Дисс ... ист. наук. – Т., 1970. – 52 с.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН
АДАБИЁТЛАР**

1. Алимова Д. А. XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигига-
ти Ўзбекистон маданият муаммоларининг ўрганиш тарихидан
//Ўзбекистон ижтимоий фанлар. – 1995. – № 10.12. – Б. 93–94.
- 2.Ахмеджанов Г. А. Российская империя в Центральной
Азии. – Т.:Фан, 1995. – 218 с.
3. Аззамова Г. А. Города и городская жизнь в Узбекистане
в XVI – первой половине XIX веков: Автореф. дисс...докт.
ист. наук. – Т., 20 00. – 66 с.
4. Атаджанов А. Р. Краткий курс лекций по истории наро-
дов Узбекистана. – Т. 1996.
5. *Бабабеков Х.Н.* Англо-русское соперничество в Средней
Азии. – Т., 2006.
6. *Бабабеков Х.Н.* История завоевания Средней Азии
царской россией в секретных документах. – Т., 2006.
7. *Бабабеков Х.Н.*, Каримов Ш., Файзиева Р. И др.
Источниковедение истории Узбекистана. Хрестоматия. – Т.,
2005.
8. Бабабеков Х.Н. История Коканда. – Т.: «Фан», 2006.
9. Бобобеков X. Н. Тарихимиздаги қонли излар. –Т.:
Мерос, 1991. – 336 б.
10. Бобобеков X. Н. Кўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996. –240 б.
11. Бобобеков X. Н. Пўлатхон қўзғолони. – Т. –
ЎзНИИПН, 1996. – 626.
12. Бобобеков X.Н. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи. 8-синф
учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 254 б.
13. Бобобеков X. Н., Каримов Ш., Усмонов К., Содиков
М., Холбоев С. Ўзбекистон тарихи (қисқача маълумотнома).
Т.: Шарқ, 2000, 2007. – 400 б.
14. Бобобеков X. Н., Содиков М., ва бошқ. Ички ва ташқи
мағкуравий ва ғоявий курашнинг тарихий илдизлари.1-китоб.
– Т.: 2002.

15. Бокиев О. Освещение истории таджиков и таджикистана в трудах русских дореволюционных исследователей. – Душанбе: Дониш, 1991. – 168 с.
16. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига қарши кураш. – Т.: Шарқ, 1998. – 480 б.
17. Ибрат. Фарғона тарихи//Мерос. – Т., 1991. – Б. 274–335.
18. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Биринчи китоб. – Андижон: Мерос, 1995. – 546 б.
19. Каримов Ш., Турсунов И., Шамсутдинов Р. Ватан тарихи. Учинчи китоб. – Т.: Шарқ, 1997. – 256 б.
20. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русиё босқини даврида. – Андижон: Мерос, 1995. – 162 б.
21. Михалёва Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века. Ремесло, торговля и пошлины. – Т.: Фан, 1991. – 112 с.
22. Мукминова Р. Г., Бабабеков Х. Н. и др. История Узбекистана. Том 3. – Т.: Фан, 1993. – 476 с.
23. Мукминова Р. Г., Ҳабибуллаев Н. Н., Аъзамова Г. А., Каримов Э. Э., Тожибоев А. А. Ўзбекистон тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
24. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Т.: Маънавият, 1998. – 112 б.
25. Содиков Х., Шамсуддинов Р., Равшанов П., Усмонов Қ. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистонда чор Россияси мустамлакачилиги даврида, Т.: 2000.
26. Темур тузуклари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1996. – 344 б.
27. Тошкент. Энциклопедия. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.
28. Турон тарихи. – Т.: Мерос, 1992. – 32 б.
29. Турон тарихи. – Т.: Мерос, 1993. – 32 б.
30. Турон тарихи. – Т.: Мерос, 1994. – 36 б.
31. Чуст тарихи. – Чуст, 1995. – 180 б.

32. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи (Иккинчи китоб). – Андижон: Мерос, 1998. – 625 б.
33. Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Т.:Шарқ, 1995. – 94 б.
34. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 294 б.
35. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. – Т., 1996. – 40 б.
36. Ўзбекистон тарихи фани дастури. – Т.:Республика. Таълим маркази, 1996. – 64 б.
37. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. – Т.: Шарқ, 1999. – 208 б.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БЎЛИМ. Кўкон хонлиги билан Россия ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг ёритилиши 1950–1280 йиллар тарихшунослигига.....	20
I. 1. Кўкон хонлиги билан Россия ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг асосий масалалари.....	21
I. 2. Кўкон хонлиги шимолий ҳудудларининг Россия томонидан босиб олинишидаги дипломатик муносабатларнинг адабиётларда ёритилиши	46
II БЎЛИМ. Мустақил Ўзбекистонда Кўкон–Россия дипломатияси тарихшунослигининг ривожланиши.....	67
II. 1. Дипломатик муносабатлар ўрнатилиши жараёнининг қайта баҳоланиши.....	68
II. 2. Туркистон, Чимкент, Тошкентнинг забт этилиши ва Кўкон–Россия муносабатлари масалаларига янгича ёндашув....	88
II. 3. Кўкон хонлиги билан Туркистон генерал–губернаторлиги таъсис этилиши арафасида сиёсий муносабатларнинг адабиётларда ёритилиши.....	97
ХУЛОСА.....	116
ИЛОВАЛАР.....	126
ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР.....	138
БИБЛИОГРАФИЯ.....	139

ҚАЙДЛАР УЧУН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ
ТАРИХИ ИНСТИТУТИ**

ИШҚУВАТОВ Валиқул Турдиевич

**ҚЎҚОН-РОССИЯ ДИПЛОМАТИК
МУНОСАБАТЛАР ТАРИХШУНОСЛИГИ**

Тошкент – 2009 йил

Нашр этиш учун масъул: Хайдарбек БОБОБЕКОВ
Муҳаррип: Валиқул ИШҚУВАТОВ

Мусахҳиҳа: Камола ФАНИЕВА
Компьютер оператори: Наргиза ИМАДИНОВА

Теришга берилди 2009.15.03. Босишга рухсат этилди 2009.30.04.
Бичими 60x84^{1/64}. Офсет қофози. Ҳисоб-нашриёт т. 10,5. Адади 700.
Буюртма № 89. Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технология
Марказининг босмахонасида чоп этилди. Тошкент, 100027. Олмазор
кўчаси, 171-уй.

Китоб Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институ-
тининг компьютер марказида тайёрланган оригинал-макет асосида
босилди: Тошкент, 100114, Юнусобод тумани, 4-даҳа, 2-уй, 44-хона.
Тел.: 224-21-45.